

498  
1972/11



  
**ГУЛИСТОН**  
11  
1972



ФАХРИМИЗ



Улуғ Октябрь шарофати билан Шарқда машъал республикага айланган Ўзбекистон пойтахти Тошкентимиз халқаро кенгаш ва учрашувлар ўтказиладиган марказлардан бири бўлиб қолди. «СССРда социалистик ўзгаришлар тажрибаси ва унинг халқаро аҳамияти» мавзусидаги халқаро илмий конференциянинг Тошкентда ўтказилишининг чуқур рамзий маъноси бор. Социализм халқларни ижтимоий тараққиёт йўлига қандай олиб чиққанлигини Ўзбекистон мисолида ҳам яқин кўриш мумкин. Суратда: халқаро илмий конференциянинг президиуми.

И. ДУШКИН ва Н. КЛЮЧНЕВ фотоси (ЎзТАГ)

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 55 йиллиги!

Яшасин жаҳон тарихида янги давр — дунёни революцион янгилаш, капитализмдан социализмга ўтиш даврини очиб берган улуғ Октябрь!

Яшасин қардош халқларнинг буюк социалистик Ватани, бузилмас кўп миллатли ҳамдўстлиги, пролетар интернационализмининг жонли тинсоли — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин мамлакатимиздаги барча халқларнинг буюк бирлик, дўстлик ва қардошлик байрами — ССР Иттифоқининг шонли 50 йиллиги!

КПСС ленинча миллий сиёсатининг буюк ғалабаси — СССР халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги абадий яшасин ва яшнайсин!

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олга!

КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан

# ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ- ДЎСТЛИК БАЙРОҒИ

**Ж**онажон Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топган кунининг ярим асрли юбилейи арафасида турибмиз. Шу йилнинг 30 декабрида совет кишилари СССРнинг шонли 50 йиллигини зўр тантана билан нишонлайдилар. Бу кунни биз билан бирга барча социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, чет элдаги дўстларимиз, ер куурасидаги барча тараққийпарвар кишилик катта шодибна билан кутиб олмақдалар.

СССР ташкил топганлигининг 50 йиллиги Ватанимиз, партиямиз ва халқимиз тарихида гоёя буюк воқеадир, бу — жаҳон тараққиёти тарихида улкан аҳамиятга эга бўлган алоҳида бир босқич.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг вужудга келиши инсоният тарихида янги давр очган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг натижаси, Владимир Ильич Ленин ҳаётбахш гоёяларининг ажойиб самараси, у асос солган Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг ёрқин тантанаси бўлди.

ССР Иттифоқи сингари кўп миллатли буюк давлатни, жаҳонда биринчи ишчи-деҳқонлар давлатини вужудга келтиришда В. И. Ленин ва Коммунистик партия жуда катта куч-қайрат, ақл-идрок сарф этдилар, сўнмас ирода ва буюк жасорат кўрсатдилар. СССРнинг ташкил топishi ва унинг бутун тарихи улуғ Ленин номи билан, шонли Коммунистик партиямиз фаолияти билан чамбарчас боғланган.

Асрлар ўтади, янги авлодлар келади. Ленин ва Коммунистик партия бунёд этган ССР Иттифоқи, унда бир тан-бир жон бўлиб яшаётган, ягона мақсад учун курашаётган қардош халқлар дўстлиги абадий яшнайсин. Бу дўстлик ва қардошлик асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга ўтиб, тобора чуқур илдиз отиб, мустаҳкамланиб бораверади.

«Совет Иттифоқи озод халқларнинг тарихида илгари мисли кўрилмаган бирлик ва дўстлик муносабатларининг гавдаланишидир, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида» деб чиқарган қа-

рорнда.— Бу дўстлик — социализмнинг энг буюк галабаларидан бири, совет жамиятини ҳаракатга келтирувчи куч, СССРдаги барча миллат меҳнаткашларининг коммунизм қуришдан иборат икждий бунёдкорлигининг битмас-туганмас манбаидир.

Қаҳрамон ишчилар синфи, келхозчи деҳқонларимиз ва меҳнаткаш зиёлилар — бутун совет халқи мамлакатимиз ҳаётиндаги буюк воқеа — СССР ташкил топганлигининг ярим асрли шонли юбилейини алоҳида бир вазиётда, КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини зўр сабот-матонат ва изчиллик билан амалга ошираётган ҳолда, тўққизинчи беш йиллигининг иккинчи йили топириқларини муддатидан илгари шараф билан бажариши учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган бир шароитда кутиб олмақдалар. Ҳар бир корхона, ташкилот, колхоз ва совхоз коллективни, ҳар бир совет кишиси улуг байрамга ўз муносиб совғаси билан, меҳнат рапорти билан келганлиги табиий бир ҳолдир. Зеро, тўйга тўёна билан келиш меҳнаткаш халқининг учун қадимдан одат. Саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, турли муассасаларда, колхоз ва совхоз далаларида фидокорона меҳнат қилиб, ажойиб ютуқларини қўлга киритган, коммунистик маъмуричиликини бунёд этиш учун астойдил курашаётган кишилар олам-олам таҳсинга сазовордир. Ана шу азамат кишиларимизнинг ақлдорки ва қаҳрамонона меҳнати тўғрисида Ватанимиз бойлигига бойлик, кучига куч, қудратига қудрат қўшилмоқда, унинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда. Бу ҳол бизнинг ёрқин истиқбол — коммунистик жамият қуриш йўлидаги ҳаракатимизни янада жадаллаштиради.

Совет Иттифоқи ўзининг ярим асрли юбилейига моҳдий, маънавий қудрати юксалган, жаҳон тараққиётга ўтказётган таъсири ҳар қачонгидан ҳам ортган, халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳаларида мислсиз катта ютуқларини қўлга киритган ҳолда етиб келди. Биз совет кишилари, жаҳондаги энг қудратли мамлакатнинг граждандари, ҳақиқий тўхайини бўлганлигимиз билан чекисиз фахрланамиз. Бизнинг Ватанимиз бекёёс даражада улкан ва бепоён-дир, у ўз территориясининг катталиги жиҳатдан ер кўррасида аҳоли яшайдиган қуруқликнинг олтидан бир қисмини ташкил этади. Унинг майдони 22,3 миллион квадрат километрга тенг бўлиб, салкам 250 миллион киши яшайди. Совет Иттифоқи дунёдаги энг кўп миллатли давлат ҳисобланади — бизда юздан ортиқ миллат ва халқлар бор. Ватанимиз жаҳоннинг 103 мамлакатини билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Совет Иттифоқи Европада биринчи ва дунёда иккинчи ўринини эгаллаб турибди. Ҳозирги пайтда Ватанимизда жаҳон саноат маҳсулотининг бешдан бир қисми ишлаб чиқарилмоқда.

Ленинча миллий сиебат тўғрисида Ватанимиздаги миллатлар ва халқлар ягона қардошлик оиласига бирлашдилар, улар эркин ва фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Мамлакатимиз халқлари барча соҳаларда тенг ҳуқуқли бўлиб, ўзаро ҳамкор ва мададордирлар. Совет Иттифоқига бирлашган 15 қардош республика меҳнаткашлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлигини, мақсадлари ва манфаатлари муштарак бўлган инсоқлик ва ақилликини инсоният тарихи илгари сира кўрган эмас. Бундай улуг ва қудратли социалистик оилани В. И. Ленин ва Коммунистик партия яратди ҳамда воғга етказди.

А. ХОЛИҚОВ чизган



«Партия ленинча миллий сиебатини — халқлар тенглиги ва дўстлиги сиебатини амалга ошираётганлиги — социализмнинг энг катта ютуқларидан бирдир,— дейилади КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съезидга Ҳисобот докладиди.—...Утган йилларда партия раҳбарлигида қардош совет республикаларидан ҳар бирини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида, мамлакатимиздаги миллатлар ва элатларни бир-бири билан аста-секин ақинлаштириб бориш йўлида янги қадамлар қўйилди. Бу яқинлашув миллий хўсусятларни эътибор билан ҳисобга олиш, социалистик миллий маданиятларни ривожлантириш жараёнида содир бўлмоқда. Бутун Иттифоқимизнинг муштарак манфаатларини ҳам, ундаги ҳар бир республиканинг манфаатларини ҳам доим ҳисобга олиш — партиянинг бу масалалари сиебатининг моҳиятидир».

Қардош халқлар Совет Иттифоқи оиласида, социализм системаси шароитида нималарга эришганлигини серкуёш республикамиздаги ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин. Илгари ҳар Россиянинг қолоқ чекка ўлкаларидан бири бўлган ўзбекистон ҳозирги даврга келиб қудратли социалистик республикага айланди, социализмнинг Шарқдаги ёрқин машали бўлиб қолди. Республикаимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг ҳажми 1913 йилдагига нисбатан 45 марта ошди. Совет ҳокимияти йилларида саноатнинг янгидан янги тarmoқлари — қора ва рангли металлургия, кимё, газ саноати, оғир машинасозлик, тўқимачилик саноати, ҳозирги замон индустриясининг бошқа бир қанча соҳалари вужудга келди. Бир қанча янги саноат марказлари, йирек корхоналар пайдо бўлди. Эндиликда ўзбекистон саноати ишлаб чиқарган маҳсулотларини, машиналар, механизмлар, турли аппаратлар ва асбоб-ускуналарини жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида кўриш мумкин.

Ўзбекистон СССРнинг қишлоқ тўхалиги, фан ва маданияти ҳар томонлама ривожланиб бормоқда, республика аҳолисининг фаровонлиги йил сайин ошмоқда. Халқ тўхалигининг бошқа соҳаларида эришилаётган жуда катта муваффақиятлар кўзга яққол ташланиб турибди.

Ўзбекистоннинг қардош республикалар билан ўзаро алоқаси тобора кенгайиб ва ҳар томонлама ривожланиб бораётди. Ўзбекистон қардош республикаларга пахта, тўқимачилик машиналари, радиотехника ҳамда электротехника буюмлари ва бошқа жуда кўп маҳсулотлар етказиб бermoқда. Қардош республикалар ҳам ўз навабатида ўзбекистонни ўзини эътиёблари учун зарур бўлган буюмлар ва маҳсулотлар билан таъминлаб келmoқдалар. Мамлакатимиздаги ҳамма халқларнинг фидокорона ёрдамда қурилган Бухоро — Урал ҳамда Урта Осий — Марказ газ магистрالي орқали Ватанимиз пойтахти — Москва, Россиянинг бир қанча саноат марказлари ва шу жумладан, Уралдаги кўпгина шахарлар, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон газ билан таъминланди. Мамлакатининг асосий пахта базаси бўлган республикамиз меҳнаткашлари ўз интернационал бурчиларини бу йил ҳам шараф билан ўтаб, тўйга буюк хирмон армуғон этmoқдалар. Дўстлик, қардошлик ва биродарлик тўғрисидаги ифода қилувчи бу хилдаги мисоллар ҳар бир республика, Ватанимизда яшовчи ҳар бир халқ ҳаётида беҳисобдир.

Биз дўстлигимиз билан кучлимиз, қудратлимиз. Бу дўстликка ҳеч ким ва ҳеч қачон раҳна солolмайди. СССР халқларининг дўстлиги жуда кўп оғир синовларга бардош берди ва ўларни сабот-матонат билан енгиб бўлди. Мамлакатимиздаги коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида эса бу дўстлик тагин ҳам чуқур илдиэ отиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

СССР халқлари ўзаро дўст, иноқ ва ақил бўлганликлари, бир ёқадан бош чиқариб, Ватанимиз бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилаётганликлари тўғрисида ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида улкан зафарлар қозонmoқдалар. Қаҳрамон совет халқининг куч-гайрати, иродаси ва ақл-заковати билан қўлар гулистонга айланmoқда, янгидан янги замонавий шахар ва қишлоқлар бунёд этилmoқда. Ўғар дарёлар жилволаниб, инсон хизматида бўйсунmoқда. одамларнинг оғи ва психологиясида коммунистик дунёқараш принциплари тобора кенгроқ ўрин эгалламоқда. Буларнинг ҳаммаси Советлар дийёрининг янада гуллаб-яшашни, унинг эртанги ёрқин истиқболи — коммунистик жамиятнинг тезроқ вужудга келтириш учун гоёт муҳим аҳамият касб этаётди.

Жаҳон халқлари Совет Иттифоқи тимсолида миллий масаланинг маркс-ленинча ҳаққоний ҳал қилинганлиги намунасини кўриб турибдилар ва унга зўр ҳавас билан қарамoқдалар. Бизнинг кўп миллатли давлатимиз тинчлик ва дўстлик сиебатини изчил амалга ошираётганлиги, халқларнинг ленинча тенг ҳуқуқлилик принципларига доим содиқ эканлиги, жаҳонда ҳаммиса адолат тантана қилиши учун астойдил ҳаракат қилаётганлиги билан катта обрў-эътибор қозониб келаётди.

Совет кишилари СССР ташкил топганлигининг 50 йиллигини кутиб олар эканлар, шу йиллар мобайнида босиб ўтилган кураш ва галабалар билан тўлиб-тошган шонли йўлга яна бир назар ташлайдилар, меҳнат соҳасида эришган ажойиб ютуқларини сарҳисоб қилдилар ҳамда бундан сўнгги бунёдкорлик ишларига янги режа тузиб оладилар. Партияимиз программаси, КПСС XXIV съездининг тарихий қарорлари уларнинг коммунистик қурилиш йўлидаги курашида йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилди.

Инсоният тарихида биринчи бўлиб социалистик жамиятнинг барпо этган, эндиликда эса жаҳонда биринчи бўлиб коммунистик жамият қураётган қаҳрамон совет халқи улуг Лениннинг ҳаётбахш гоғларига амал қилган ҳолда, жонажон Коммунистик партия раҳбарлигида ўз сафларини тагин ҳам мустаҳкам равишда жипслаштириб, СССРда яшовчи миллатлар ва элатлар ўртасидаги сира бузилмас, абадий дўстлик ва қардошликни мустаҳкамламоқда. Совет халқи Ленин ишнини давом эттириб, социалистик мамлакатларнинг халқлари билан, халқаро ишчилар синфи билан, демократия ва миллий озодлик учун, ер юзида мустаҳкам ва барқарор тинчлик, демократия ва социализм учун, марксизм-ленинизм улугвор ҳамда сира енгилмас гоғларининг тантанаси учун курашчилар билан ўз интернационал бирдамлигини тобора мустаҳкамлаб бормoқда.

Марксизм-ленинизмнинг зафарли байроғи ҳозир сайёраимиз узра мағрур-ҳилираб турибди, бу байроқ остига янгидан янги мамлакатлар ва халқлар келиб қўшилmoқда, марксизм-ленинизм гоғлари учун курашчилар сафи эса тобора кенгайиб, кенг қулоқ ёзmoқда.


Улуг ва кутлуг байрам — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топганлигининг 50 йиллиги совет халқи, мамлакатимиз ва партияимиз тарихида алоҳида бир босқич, шонли сана бўлиб қолади, Ватанимизда яшовчи барча миллатлар ҳамда элатларнинг чинакам дўстлик, қардошлик ва биродарлик айёмига айланади.

Башарият доҳийси В. И. Ленин асос солган Коммунистик партияимиз ривожлантирган ва калом топганин СССР халқларининг улуг ва қудратли дўстлиги асрлар оша яшайверсин ва яшайверсин!

Темур РАСУЛЕВ,  
Ўзбекистон Журналистлар союзи правленесининг секретари



В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ректори академик Т. Саримсоёв Анжела Дэвисга дорилфунун Фахрий доктори унвони дипломини топширмоқда.



Анжела Дэвис — қадим ва навқирон Самарқанднинг фахрий граждани.

Анжела Дэвис ҳамда дўстлари В. И. Ленин Марказий Музеи филиалида Туркистонда революцион ҳаракат тарихи билан танишдилар.



Америка халқининг жасур қизи, бункилмас иродали коммунист, негрларнинг тенгҳуқуқлиги учун толмас курашчи, АҚШ Коммунист-тин партияси Марказий Комитетининг аъзоси Анжела Дэвис Москвада қизгин кутиб олин-гач, серқуёш Ўзбекистонимизда меҳмон бўлди. У: «Тошкентда бўлиш мен учун улиан шараф-дир», деб қувончини изҳор этди.

Анжела Дэвис ва ҳамроҳлари халқимизнинг яратувчилиги меҳнати, билим ва дам олиши, или-фан соҳасида эришган ютуқлари билан танишдилар. Меҳмонларни Мирзачўлда бунёд-га келган бог-бўстонлар, тобора яшнаётган шаҳар-қишлоқлар, бепоён пахтазор майдонлар ҳайратга солди; қадимий ва ҳаммша навқирон Самарқанд шаҳри жўшқин ҳаёти, одамларнинг фаровои турмуши, гўзаллик ва нафосатсевар-лиги билан мафтун этди.

Анжела Дэвиснинг республинаимизда бўлиши тинчлик ва халқлар дўстлиги ишига қўшил-ган ҳиссадир.

О. ЗАЯКИН фотоси

Тошкентдаги Т. Шевченко номи 110-мактаб ўқувчилари АҚШ Ком-партиясининг атоқли арбобини фахрий пионерликка қабул қилди-лар.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



№ 11 (71) 1972

Ноябрь

Ўзбекистон  
Компартияси  
Марказий  
Комитетининг  
журнали

1925 йилдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти





Ягона оилада

И. БОДЮЛ,

Молдавия Коммунистик партияси  
Марказий Комитетининг биринчи секретари

## УЛКАН ҚАДАМ

СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигини Ватанимиз айни куч-қудратга тўлган бир пайтда нишонламоқда. Ер юзидagi дастлабки кўп миллатли социалистик давлатнинг ярим асрли юбилейи Советлар мамлакатидagi барча миллат ва элатлар учун биродарлик, дўстлик байрамидир, ленинча миллий сиёсат ҳамда пролетар интернационалиزمни тантанасини намойиш этувчи улуг айёмдир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ленин васиятларига оғишмай амал қилиб, мамлакатни иқтисодий жиҳатдан юксак суръатлар билан ривожлантирмоқдалар. Илгари орқада қолиб кетган миллий ўлкаларнинг қолоқлигини, аввало моддий ишлаб чиқариш соҳасидagi қоқоқликни тугатиш учун бутун илкомиятлар ишга солинди.

Молдавияда бу масалани ҳал этишда ўзига хос жиҳатлар мавжуд эди. Чунки ўлкада ҳукм суриб келаётган иқтисодий қоқоқлик подшо Руминияси истило қилгач янада авж олган эди. Тенг ҳуқуқли республикаларнинг буюк Иттифоқига кириш туфайлигина Молдавия халқи қисқа вақт ичиде она юрт қиёфасини бутунлай ўзгартириб, қоқоқликдан юксак даражада ривожланган ишлаб чиқариш сари катта қадам ташладилар. Бъззи рақамларни келтирамиз. 1940 йили Бессарабияда ялли ижтимоий маҳсулотнинг 2—3 процентинигина саноат маҳсулотлари ташкил этарди. 1971 йилда эса республикамиз саноати ялли маҳсулотнинг 56,7 процентини берди. 1940 йилдан 1971 йилгача мамлакат бўйича саноат маҳсулотларининг ҳажми 12,8 баравар ўсган бўлса, Молдавия ССРда у 28 марта кўпайди!

Энергетика ҳам юксак суръатлар билан тараққий этмоқда. 1971 йили Молдавияда электр қуввати ҳосил қилиш 8,5 миллион киловатт-соатга етдики, бу бутун чор Россиясида ҳосил қилинган электр қувватига нисбатан тўрт баравардан ортиқдир.

Ҳозирги кунда қишлоқ ҳўжалигида деҳқончилик ишларининг асосий жараёнлари ва бошқа соҳаларидagi ишларнинг анчагина қисми техника ёрдамида бажарилмоқда. Қишлоқ ҳўжалигимиз қудрат жихатдан бутунлай янги ишлаб чиқаришга айланди. У ўзда иш юритишнинг индустриал методларини, меҳнатни ташкил этишнинг замонавий шаклларини мўжассам этанлиги сабабли ҳам деҳқонларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини оширмоқда.

Улуг Октябрь революциясигача мамлакатимизнинг маданий ҳаёти паст даражада эди. Масалан, Молдавия аҳолисининг 85 проценти саводсиз эди. Бу аҳвол аллақачон барҳам топган. Ҳозир Молдавия ССРда ҳар уч кишидан бири ўқимокда. Халқ ҳўжалигида ишлаётган хизматчиларнинг ярмидан зиёдроғи олий ва ўрта маълумотлидир.

Меҳнаткашларни гоёвий ҳамда маънавий тарбиялаш ўчоқлари — маданий-оқартув муассасалари тармоқлари тобора кенгайиб, тақомиллашиб бормокда. Молдавиядаги 1.694 аҳоли яшайдиган пунктга 1.787 клуб муассасалари, 1.865 оммавий кутубхона, икки мингга яқин кино қурилмаси тўғриси келади. Матбуотимиз равнақ топди, нашрлар сонин ҳам, тиражи ҳам беиҳодя ўсди. Республикаимизда 200 номда газета, журнал чиқарилади, китобларнинг бир йиллик тиражи 12,4 миллион нусхага етди.

Айниқса, қишлоқлар маданий ҳаётидagi ўзгаришлар кўзга яққол ташланади. Ҳозир ҳар бир йирик қишлоқ ўзининг маданий, савдо ҳамда маънавий марказига эга. Қишлоқларга радио ва телефон ўтказилган, кенг ва равон йўллар қурилган. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ билан шаҳар ўртасидagi алоқани мустақамловчи омил бўлмоқда. 1970 йилда колхозчиларнинг маданий-маиший моллар харид қилишга сарфлаган харажати 1965 йилдигига нисбатан бир ярим баравар кўпайди.

Саноат ҳамда қурилш ишчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадига ҳунар-техника билим юртлари, турли курслар, ўқув қолбонатлари ташкил этилган. Бу ўқув ўчоқларини кейинги олти йил ишбиланган ярим миллиондан ортиқ киши битириб чиқди. Шу даврда қишлоқ ҳўжалиги учун 80 минг тракторчи, комбайнчи ҳамда бошқа соҳалар бўйича механизатор кадрлар тайёрланди, юз минглаб колхозчилар, совхоз ишчилари турли семинар, курс ва илгор тажриба мактабларида ҳозирги замон агротехникаси, иқтисодий фанлар бўйича билим олдилар.

Маданий ҳаётда эришган ютуқларимиз беқиёс. Бу муваффақиятлар Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллиги нишонланаётган бир даврда жамиятимизнинг маънавий равнақи намуналарини бутун жаҳонга намойиш этмоқда. Келажак эса янада ёрқин. Янги беш йилликда моддий ишлаб чиқаришнинг, халқ ҳаёти фаровонлигининг беиҳодя даражада ўсиши билан бирга маданий қурилиш ҳам янада юксалади. Беш йил давомиде мамлакатимиз инсон номининг ҳар томонлама улуғланиши, кишиларнинг истеъдоди, битмас-туганмас ақл-заковатининг камол топиши сари янги улкан қадам ташлайди.


(«Правда»нинг 1971 йил, 22 август сонидagi мақоладан)



О Ф М О А С Е Я  
А Т Е С О В Е Т И Ч Е  
И С Т Я В А И Б Е Р Э Р И Я  
Д О В Е Н А Е С У Б Ж У Г У А  
Т Р О П И Т О Р Н А О Р  
Д И А Н О - Ф А С Ч И Ш Ъ  
  
Р О Н Ч Е С К О Я  
В Е Т С К О Я А Р М И Я  
Е С Т Ъ О С В О Б О Ж Е Н И Я  
Д А В И Я О Т Н Е М Е Ц К О -  
И С Т С К И Х З А Х В А Т Ч И К О В

Кишиневдаги бу ҳайкал Молдавияни немис фашистларидан озод қилган Совет Армияси жангчиларининг шарафига ўрнатилган.

**МОЛДАВИЯ**  
**СОВЕТ**  
**СОЦИАЛИСТИК**  
**РЕСПУБЛИКАСИ**



Молдавия ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, ёзувчи Андрей Лупан асарлари совет ўқувчиларига яхши таниш.



Коменский райони Котовский номли икхазнинг узумкорлари мўл ҳосил етиштирдилар.

Бақувват тракторлар қишлоқ меҳнаткашларига ишончли мададкор.

Молдавияда Совет ҳокимияти йилларида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги яхши тараққий этди.

И. ЗЕМШМАН фотолари





Оргеевский райондаги «Вяца ноуэ» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Борис Глушко юфори ҳосил устаси.

## БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

### САНОАТ

1975 йили Молдавияда ялли саноят маҳсулотининг ҳажми 1970 йилдагига нисбатан 62,9 процент ўсади, ўртача йиллик юксалиш эса 10,25 процентни ташкил этади.

Машинасозлик ва металл қуйиш тез суръатлар билан ривожланади. Автоматлаштириш воситалари ва ускуналари ишлаб чиқариш 1975 йилда 1970 йилдагига қараганда 2,4 баробар, тракторлар 1,9 баробар, қишлоқ хўжалик машиналари 2,5 баробар, маданий-машиий ва уй-рузгор буюмлари 2 баробар кўпаяди.

1970 йили республикада 7,6 миллиард киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинган бўлса, тўққизинчи беш йиллик охирида бу рақам 10 миллиард киловатт-соатга етади.

Молдавия озиқ-овқат саноати юксак тараққий этган ўлкадир. 1975 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари 1970 йилдагига нисбатан 1,5 баробар ошади.

Янги беш йилликда енгил саноят анча раванқ топади. Бу даврда ип газламаларни 1,3 баробар, шойи газламаларни 58 процент, трикотаж кийимларини 65 процент, тайёр кийимларни 41 процент ортиқ ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш 54 процент ошади, шу жумладан, цемент 1,6, шифер 1,9, йиғна темир-бетон конструкциялари 1,8 баробар кўпаяди.

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Беш йиллик ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўртача йиллик ўсиши 36,5 процентни ташкил этади. Дон ва техника ўсимликлари етиштиришни юксалтириш билан бирга, сабзавот, боғдорчилик ва чорвачилик

маҳсулотлари етиштиришни жадал ўстиришга ҳам катта эътибор бериледи.

Ихтисослаштириш ва концентрациялаш асосида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади. Ихтисослаштирилган узумчилик ва эфир мойлари етказиб берадиган совхоз-заводлар, сабзавотчилик совхозлари, паррандачилик фабрикалари, совхозлараро бўрдоқчилик корхоналари янада ривож топади.

Беш йилликда 50 минг гектар янги суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилади, натижада бундай ерларнинг умумий майдони 175 минг гектарга етади.

1975 йилда жамоат секторидagi ҳар беш сигирдан 2.900 килограмм, яъни 1970 йилдагидан 454 килограмм ортиқ сут соғиб олинади.

### ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

Тўққизинчи беш йилликда Молдавия ССРда 147 янги маиший хизмат комбинати ва қабул пункти ишга тушади.


Беш йил давомида 91 мингдан ортиқ олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассис тайёрланади. Шу мuddат ичида 94,8 минг ўринли умумий таълим мактаблари, 30,5 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 94 минг ўринли клуб ва маданият уйлари, 6,25 минг томошабинга мўлжалланган кинотеатр бинолари, 4,7 минг ўринли касалхона ва бир сменада 5,5 минг кишини қабул қиладиган поликлиникалар қуриш мўлжалланган.

1971—1975 йилларда 7.093 минг квадрат метр уй-жой қурилади. Шаҳарлар ва ишчи посёлкаларидаги 91 процент хонадон газ билан таъминланади.



Бахтиёр ёшлик.

Кодря ўрмонлари — Молдавиянинг кўри.



Молдавия ССРда хизмат кўрсатган «Жон» раёс ансамбли республикаимизда ҳам кўп марта бўлиб, санъати, бой репертуари билан мухлисларини хушнуд этган.



# МУНОСИБ АВЛОД ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Ўзбекистон ССР Маориф министри ўртоқ С. ШЕРМУҲАМЕДОВ билан мухбирилимизнинг сўхбати

— Маълумки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Ёшларни умумий ўрта таълимга ўтказишни тугаллаш ва умумий таълим мактабларини янада ривожлантириш тўғрисида» деб қарор қабул қилганларига анча вақт бўлди. Шу қарордан сўнг республикамизда қандай тадбирлар амалга оширилгани ҳақида гапириб берсангиз, Саид Шермухамедович.

— Баъонидил. Аввало, шунинг айтиш керакки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг бу қарори КПСС XXIV съезди кўрсатмалари изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг ёрқин далилидир. Қарорда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ва унинг жойлардаги органлари аниқ тадбирларни белгилаб чиқди.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитети, ҳунар-техника давлат комитети ва республика Олий ҳамда махсус ўрта таълим министрлиги билан биргаликда мана шу беш йиллик охиригача ёшларни умумий ўрта таълимга кўчириш режаси тузилди. Ўқитувчи кадрлар, умумий таълим мактабларини такомиллаштириш, мактаб бунёдчиларининг лойиҳаларини такомиллаштириш, кўргазмали ўқув қуроллари, ўқувчиларнинг кийим формалари, мактабларда санитария ва гигиена ишлари бўйича республика комиссиялари тузилди.

Кейинги йилларда 8 ва 10-синфларни ўз вақтида тамомлаётган ўқувчиларнинг сони кўпаймоқда. Ёшлар ўрта таълимга қўпроқ жалб этилмоқда. Бир синфда икки йил ўқиш ва мактабдан кетиб қолмиш ҳоллари анча қисқарди.

Ҳозирги ўқув йилида ўрта таълимнинг барча формаларига 1971 йили 8-синфларни битирган ёшларнинг 93,9 проценти, шу жумладан маориф министрлиги системасида 88,22 проценти жалб этилди. Республикаимизнинг турли ҳушманзара, гўзал боғу роғларига мириқиб дам олган ўқувчиларимиз биринчи сентябрдан бошлаб яна жонанжон мактаб кўчоғига қайтидилар. Ҳозир республикамиздаги 7082 та умумий таълим мактабида меҳнаткашларнинг 3 миллион 320 мингдан ортиқ фарзандлари фан асосларидан чуқур билим ва тарбия олмақдалар. 7082 та мактабнинг 3719 таси ўрта маълумот беради.

Бу ўқув йилида ишлаб турган ёшларни ўқитиш, уларга ўрта маълумот бериш масаласига эътибор кучайтирилди. Ҳозир республикамиздаги 403 та кечки (смена) умумий таълим мактаби ҳамда 25 та сиртки мактабда ҳаммаси бўлиб 160 миң ишчи ва қишлоқ ёшлари ўқинмоқда. Янги 1972-73 ўқув йилида барча тиндаги умумий таълим мактабларининг 9-синфларига ўқувчи қабул қилиш 88,88 процентга етди.

Савқис йиллик умумий таълим умумий ўрта таълимнинг базаси ҳисобланади. Министрлигимиз савқис йиллик умумий таълим проблемасини ҳал қилиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилади. Жойларда мактаб ёшмидаги болаларни ўқишга жалб этиш ва ўқувчилар контингентини сақлаб қолиш учун катта ишлар қилинмоқда. Умумий таълимнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ҳамда медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш ва ўқув жихозларини кўпайтириш йўлида талай ишлар қилинди.

Шунингдек, умумий ўрта таълимга ўтишининг иқтисодий негизлари ишлаб чиқилди. Умумий таълим мактаблари шохобчаларини рационализация қилиш ва жойлаштиришнинг комплекс режаси тузилди.

— Ҳозирги шароитда мактабдаги ишни коммунистик қурилишнинг янги вазифаларига, илмий техника тараққиётининг талабларига мувофиқлаштириш аинқаса муҳимлиги қарорда алоҳида қайд этилган. Бунинг амалга ошириш учун қандай тадбирлар кўрилади?

— Даражидек, қарорда бу нарса алоҳида таъкидлаб кўрсатилган. Коммунистик қурилиш практикаси ва ҳаёт билан чамбарчас боғланган мактаб ёшларни марксча-ленинча дунёқараш, чуқур ва пухта билим, барқарор меҳнат кўникмалари билан қуроллантиради, у ёшларни ишлаб чиқаришда ва иқтисодий фойдаланган меҳнатда фаол иштирок этишга тайёрлайди.

Мактаб ишининг фан-техника тараққиёти талабларига мос бўлиш учун бутун кун-гайратимизни таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратмоқдамиз. Билим беришнинг янги мукаммал методикаси тўғрисида фанларни ўрганишнинг илмий-назарий даражаси ўсди, республика мактабларида фанларни ўзлаштириш яхшиланди. Янги программалар ва дарсликларнинг жорий қилиниши ўқувчиларнинг билимларини чуқурлаштириш, фан ва техниканинг янги муваффақиятлари билан қуроллантириш, марксча-ленинча материалистик таълимнинг эгаллашга объектив шарт-шароитлар яратиб берди.

Меҳнатсевар ўқитувчиларимиз ўқувчиларнинг эстетик дидини, техникага қизиқишларини оширишга эътибор бермоқдалар. 9—10-синфларда математика ва гуманитар фанларни назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш кенг ривож топгани тасодифий эмас. Математика, ҳисоблаш техникаси, физика ва радио электротехника, кимё ва кимё технологияси, биология, агробиология сингари фанлар чуқур ўрганила бошладилар. Тажриба шунини кўрсатмоқдаки, ўқувчиларни ҳаётга, касб-корини онгли йўсинда танлашга ҳамда меҳнатга яхшироқ тайёрлашга эришиш мумкин.

Техника воситаларидан таълим жараёнида фойдаланиш билимларини чуқурлаштиришга ёрдам беради. Республика маориф органлари мактаб кабинетларини ва лабораторияларини жиҳозлаш ва уларни кўргазмали ўқув қуроллари, ўқув техникаси билан таъминлаш тўғрисида алоҳида гамхўрлик қилмоқда. Республика мактабларида машғулотларни кабинет системасида уюштиришга кўчиш учун катта ишлар қилинди.

— Ўқувчиларни коммунистик ахлоқ, юксак хулқ-аъво, ўқишга ва меҳнатга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилаётми, дейилган қарорда. Жумладан, республикамиздаги бундай имкониятлар нималардан иборат?

— Ҳамма гап — ўша имкониятлардан тўқис фойдаланишда. Ўқувчиларни коммунистик ахлоқ, юксак хулқ-аъво, ўқишга ва меҳнатга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш йўлида республикамиз маорифчилари гайрат ва сабот кўрсатаётганликларини таъкидлаб ўтиш керак.

Мактабдан ташқари муассасалар мактаб билан биргаликда, пионер ва комсомол ташкилотларининг кўмағида ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларини ҳал қилади. Республикада мактабдан ташқари муассасаларнинг шохобчалари тобора кенгаймоқда. Ҳозир бизда мактабдан ташқари 395 муассаса: 153 пионерлар саройи ва уйи, 77 ёш техниклар, ёш табиатушнослар, ёш сайёҳлар базалари ҳамда туристик лагерлар ишлаб турибди.

Мамлакатимизда коммунистик қуриш жаҳонда гоёвий кураш кескинлашган бир вазиятда рўй бераётганини унутмаслик керак. Ёшларда коммунистик эътиқонни шакллантириш, бизга ёт бўлган гоё ва ахлоққа қарши кураш, ахлоқ проблемаларини марксизм позициясида туриб ҳал этиш, бунинг учун капиталистик ва империалистик ахлоқнинг гайриниссонийлиги ва сохталлигини фош қилиб ташлаш керак.

Бизнинг давримизда илмий коммунизм асослари билан мустаҳкам қуролланмай туриб, сиебатдаги мураккаб вазиятни тўғри тушуниб олиш қийин. Биз коммунизм гоёларининг поклиги учун курашда, партиянинг собит ёрдмчиларини тайёрлашда бунинг унутмаслигини керак.

— Ўқитувчи энг аввало жонкуяр мураббий. Узи тарбиялаётган авлод олданда шахсий намуна кўрсатиш учун у қандай фазилатларга эга бўлиши керак?

— Қарорини чуқур ўрганар эканмиз, ўқитувчининг ёш авлодини тарбиялаш соҳасидаги масъулияти нақадар ортганини яққол кўрамиз.

Ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчининг гоёвий-маънавий жиҳатдан тарбиялади. У ўзининг бутун хулқ-аъво, хатти-ҳаракати билан ўқувчига нбрат кўрсатиши, юксак коммунистик ахлоқ, гоёвий эътиқод, принципиаллик ва билимдонлик намунаси бўлиши зарурлиги қарорда алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Таълим-тарбиянинг янги системаси ўқитувчининг чуқур билимли бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳал ҳамқ маориф органлари ўқитувчиларнинг гоёвий-назарий ва методик савиясини, малакаси ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Кейинги йилларда турли йўллар билан ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга умумий таълим мактабларининг мингларча ўқитувчиси жалб этилди.

Ёш авлодининг коммунистик онглилигини ошириш коммунизм қуришнинг асосий вазифаларидан бириндир. Ҳозирги пайтда кенг меҳнаткашлар оммасининг ташаббускорлигини, ижодий фаолиятини ошириш катта аҳамиятга эга.

Бутун таълим-тарбия жараёни КПСС XXIV съезди ва ВЛКСМ XVI съезди қарорлари асосида уюштирилади, педагогик коллективлар партия ташкилати ва комсомол ташкилати билан яқиндан алоқада бўлиб, бутун кун-гайратларини чинакам совет ватанпарварларини тайёрлашга қаратадилар.

Республикамизда ота-оналарни педагогик билимлар билан қуроллантирадиган халқ университетларининг тармоқлари йил сайин кенгаймоқда. Ота-оналар билан мактабнинг чамбарчас алоқаси умумий ўрта таълимни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети «1972 йил 1 сентябрдан бошлаб врачлар, ўқитувчилар ва мактабгача тарбия болалар муассасалари тарбиячиларининг ставкалари ва мансаб оқладларини ошириш тўғрисида» деб қарор қабул қилганлиги жуда зўр қувончли хабар бўлди. Бу гамхўрлик ўқитувчиларнинг гайратига гайрат қўшиш, уларга янги масъулият юклагани.

Шу йилнинг декабрь ойида СССР ташкилот томон кунининг 50 йиллигини бутун совет халқи қаторида республикамиз маорифчилари ҳам тантанали ишонлайдилар. Коммунизм авлодини тарбиялаш мўқаддас бурчимиздир. Биз, маорифчилар таълим-тарбия жараёнини КПСС XXIV съезди қарорлари асосида ташкил этиш учун бутун кучимизни сафарбар этамиз.

# 4 550 000



Тошнент области Оқ-қўрғон районидagi Ленин орденли Ўзбекистон ССР Марказий Комитети маъ-нуллаб, қарор қабул қил-ди. Пахта етиштиришни янада кўпайтириш тад-бирлари муҳонама этил-ган мамлакат пахтакор

республикалари парти-хўжалик активи йигили-шида ҳам совхоз ватан-парварларнинг қақри-ғига юксак баҳо берил-ди. Уларнинг ташаббуси Иттифоқимиздаги барча пахтакор хўжаликлар-

нинг механизаторлари орасида кенг қанот ёй-ди. Оққўрғонлик механи-заторлар совхоз пахтаси-ни 20 иш кунида, ҳосил-нинг 90—95 процентини машинларда териб олишга аҳд қилиб, рес-

публикамизнинг 4.550.000 тонналик «оқ олтин» хирмонига баракали ҳис-са қўшмоқдалар. Су-ратда: (чапдан) донгдор механизаторлар Субҳи Чачи, Неъматжон Уринов, совхоз директори Жўра

Хоназаров, Анвар Алиев. Абдурайим Орзиқулов, Абдусаттор Сулаймонов кунлик иш якунларини муҳокама қилмоқда-лар.

А. АБАЛЯН фотоси



Фарғона область Олтиариқ райондаги Партия XXII съезди номли совхоз механизатори Лолахон Ҳаїбердиева бу йил Ватанга 150 тонна «оқ олтин» армугон этишга аҳд қилган.

А. ТУРАЕВ фотоси



Сурхондарё область Жарқўрғон райондаги «Социализм» колхозининг механизатори Омон Нормўминов теримда илгор.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ фотоси

Республикаимиз пахтакорлари СССРнинг 50 йиллик байрамини Ватанга 4 миллион 550 минг тонна «оқ олтин» совға этиш билан муносиб кутиб олиш учун жонбозлик нўрсатмоқдалар. Колхоз ва совхозларимиз далаларида фидокорона меҳнат қилаётган механизаторлар — бу куннинг чинакам қаҳрамонларидир. Пастдаргом райондаги Куйбишев номли колхоз

пахтакорлари байрамни ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтариш билан нишонламоқчилар. Суратда: колхоз раиси Тошмурод Ҳолмўминов механизаторлар Абдуазиз Мададов, Аликул Эрмирзаев ва Насибали Одинаев билан машина терими сифати ҳақида суҳбатлашмоқда.

С. БЕЗНОСОВ фотоси



# ЭНГ БИРИНЧИ

## РАПОРТ—

# ЎРТОҚ ЛЕНИНГА!

**П**АСТДАРҒОМДА пахта фронтининг ветеранлари билан, ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ҳам Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Петр Афанасьевич Трайнин, ўзбекининг Маресьеви деб ном олган кекса коммунист, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Курбонбой Орақулов, шонли йигирма учинчи съезд иштирокчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жоникул Юсупов, олтинчи центнерли ҳосил олган миришкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бойтўра Қўмаков, Қўмтепани обод қилган чўлқувар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хонбиби Имомова, Улуғ Ватан урушининг афсонавор жангчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамро Эргашев билан сўхбатлашганидан кейин пахтамининг оламшумул тарихий моҳияти кўз олдимда яна бир марта намоён бўлди. Гапимни шеър билан бошлагим келди.

Кўнглининг оқлиги пахтага кўчган,  
Қардошлар сафиди танти ўзбексан.  
Миллий низолар-ку лугатдан ўчган,  
Олтин ҳалқа ичра ёқут кўздексан,  
Нишолдадай тошиб турар чаноқлар,  
Йўқ-йўқ, нишолдамас, момақаймоқдай.  
Йўқ, аксин қолдирган лўпчи яноқлар.  
Нега пахта қайнар — қалбинг қайноқдай!  
Фақат тўқилсайдди пахтаминдан чит,  
Бу кўнжа дунёга яп-янги сарпо —

Кийгизиб, Ойга ҳам акардик чигит.  
Тинчроқ ухласайди Шарку Оврупа!  
Аммо, дунёмининг асаби таранг,  
Ҳали не кўзларга ёруғ жаҳон тор.  
Танлар топтаб ўтган далалар заранг,  
Пахта — мудофаа, юмушлари бор.  
Ҳар чаноқ тинчлик пойдеворига  
Вир олтин миҳ бўлиб қоқлар, дўстим.  
Пахта бош масала ҳур диёримда,  
Унинг тақдирига жавабгар ҳар ним.  
Пахта ҳам инсондек доимо йўлда,  
Кўёш қадам кўйса энлаб олгуси.  
Ғоҳида сел босиб, ғоқ қолар дўлда,  
Сабуру қарорингга аял толгуси.  
Қўмларга, тошларга чигит эколган  
Забардаст, заҳматкан, қадоқ кўлласан,  
Кўзлаган манзилга доим етолган  
Тер билан йўл очган порлоқ йўлласан.  
Беш миллион тоина жавоҳир уйиб,  
Энлар экваторни ўзбек қарвони.  
Ватаним кўчудай ардоқлар суйиб,  
Айтгил, қарвонларинг кимдир сарбони?  
... Ҳали Россиямиз кўп юлун эди,  
Вайроналар, граждандар уруши.  
Поезд ёқилган хўл ўтин эди,  
Даҳшатлиси очлик хуружи.  
Москва, Кремль, Ён эттинчи май,  
Ҳали Жумҳурият салкам бир ёшда.  
Ленин Розенрампфини тинглар эримай,  
Ўгитлар берар ва сўрар бир бошдан.  
Аста креслодан турар жилмайиб  
Еддан чиқар чойи, икки чақмоқ қанд.

Вокзаллар, разъездлар ётарди майиб.  
Ватан тақдирини-чун борар эди жанг.  
Мамлакатга пахта зарур нон-туздай,  
Пахта санаотга мисли олтиндай.  
Қоп-қора нонни халқ сурганда кўзга  
Доҳий юрт иқболин кўрди олдиндан.  
Нур тушиб ёришар ним совуқ хоша,  
Ленин имзо чекар, эллиқ миллион —  
Маблаг ажратилсин. Қувур — юз донна.  
Қурилиш тахтаси — ўн олти вагон...  
Жангларда ўқ-дори бўлди пахтамин,  
Кўрпа-тўшак. Ўртадаги ош-мойи.  
Пахта — ҳамон фронт. Ҳамон шахдамиз, ё  
Витта чаногимиз нетмайди эсе.  
Алқисса, кузанда планлар тўлса,  
Бу дилбар Ватаним сулув келиндай,  
Ғалаба имзосин халқ чекар бўлса,  
Энг биринчи рапорт — ўртоқ Ленинга!

Сўнги сатр ўзидан ўзи сарлавага чиқди. Унлаб қаҳрамонлар, ветеранлар, «оқ олтин» нингиз катта кўлга чиқмасдан олдин унинг сўқоқларида ёвуз душманлар томонидан ваҳшийларча ўлдирилган Икlima Сулаймонова, Мавлон Гафуров, Ҳожи Умаров, Урнинбой Мадумаров каби табаррук номлар ёдимга тушди. Чин арафа — СССРнинг олтин тўйи олдиндан уларни ҳам чуқур ҳурмат-эҳтиром билан тилга олгим келди.

Мен Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Жоникул Юсуповга биргина савол билан мурожаат қилдим.

— ССР Иттифоқи деҳқон тақдирига қандай таъсир кўрсатди? Деҳқонлар Совет ҳокимиятини мустақамлаш унун нималар қилдилар? Жоникул ака ўйчан тикилди:

— Ука, бу жуда катта савол. Ахир ўзингиз ўйланг, Спартак кўзғолони, Сарбадорлар исёни, атиги 72 кўнгина умр кўрган Париж Коммунаси ҳақида халгача фалсафий, назарий, илмий баҳс қилмоқдалар. Карвонга юк бўлари китоблар ёзмоқдалар. Совет ҳокимияти ва СССРнинг тақдиримиздаги моҳияти ҳақида мен мукаммал бир нима дейишим мумкинми! Фақат шуни айта оламки, тўрт ҳарфи — жаҳоннинг тўрт томонига нур сочаётган СССР деган калиманинг ялакат мағзи Гиминимизда айтилгандек, биз «хўр республикаларнинг энгилмас Иттифоқи» граждандаримиз! Шарқнинг улкан шоири Гафур Гулом бир томчи сувда кўёш акс этади, дағанде жуда ҳақ эди. Мен сизга ўзининг, ҳаққишлоқларининг, ҳайронларининг ҳаётдан айрим лавҳаларини сўзлаб бераман. Зарур гапни ўзингиз блокнотга ёзиб олаверасиз.

### МАРДИКОРЛАР АШУЛАСИНИ АЙТАНЛАР

Ўзбекистон радиосининг нодир ёзувлар фондида гоҳ-гоҳ халқ ҳофизин Акбар Ҳайдаров ижро этган кўшиқни эшиттиришди:

## Замондошларимиз

**К**УЗАҚДА шудгор қлинаётган далада бўлганимиз? Плуғ ортидан юрб, тупроқ ҳидини тўйиб-тўйиб сипкорганмизсиз? Палакса-палакса бўлиб ётган тупроққа қадам боссангиз, оёғингиз ботмайди. Ер худди қайирашиб кетган, қоқ суяк қаффта ўхшайди. У эрта кўклардан то кеч кузаккача кўчқувагини нав-ниқолларга бахшида этиб, чарчагандек туюлади. Ҳорғин тин олади. Ердан кўнглини маънос туйғуларга фарқ этувчи ҳовур кўтарялади.

Эрта баҳорда дала кезган одам эса аксинча, рўҳида бир кўтаринкилик сезади. Кўнгли тароватли ҳисларга тўлиб-тошади. Кўпчиган тупроқни кечиб ҳоримайди.

Бу абадий қонуният бўлса-да, лекин ҳаммага ҳам аён бўлмаган, фақат деҳқонга тааллуқли, деҳқон учун тушунарли қонуниятдир. Она ўз боласининг овозини бир неча чақалоқ орасидан таниб олганидек, деҳқон ҳам ўз ерининг нафас олишини сезади. Ерга қадалган чигитнинг ниш уришини, ниқолларнинг тирпичини, гўза томиларига суя югуришини ҳис қилади. Деҳқоннинг юраги чиркан ришталар билан пахтага боғланган. Деҳқон пахта билан баробар нафас олади, пахта билан тенг ўсади. Пахта ҳалолликдан пайдо бўлган. Пахтанинг ранги — деҳқон қалбининг оқлигидан оқ.

Азим ака ҳам ана шундай жон-танини пахтага бахш этган одам. Ҳазилашиб, «Мен жуянда туғилган эканман», дейди. Тили чиққанда дастлаб айтган сўзи ҳам «пахта» бўлса ажаб эмас. У пахтазорда вожаг етган.

Унинг ҳаётида бедор ўтказилган тунлар кўп.

Бу тууларнинг ҳаммаси хотирасига тош муҳредек босилиб қолган. У биринчи марта трактор рулига ўтирадиган кунни мижажа қоқмай кутиб олган. Кунни буйи худди суюнчи олган боладай қувониб трактордан тушмаган. Трактор билан далага чигит қадаган кунни ҳам ухлаёлмади. Хаёл уни ҳар кўчага судраб кетар, ўйлаб ўйининг охирига етолмас эди. Уни ҳали ерга тушмаган чигитнинг эртаси — ҳўндай униб чиқши, ўсши, берадиган ҳосили ташвишланттирарди. Биринчи чаноқнинг очилишини кун-тун дала кезиб, бетоқат бўлиб кутди.

Унинг ҳақиқий пахтакорлик таржимани ҳоли мана шундай бошланди.

Юртимизга манфур душман ҳужум қилгани ҳақидаги совуқ хабарин Азимжон дала шийпониде эшитди. Ҳали суяги қотмаган ўспириннинг юраги увишди. Наҳотки, қанчадан-қанча орузлар сув пуркалагандек ўйи қолса! Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди! У тенгқурлари қатори фронтга таъабгор бўлди. Лекин уни олишмади — ёш эди. Колхозга эса бундай ёш механизаторлар сув билан ҳаводек зарур эди. Азимжон уруш йиллари колхоздаги кўп оғирчиликни зиммасига олганлардан бири бўлди. Механизаторларнинг на кечаси, на кундузи тиними бор эди. Ахир фронтга дон керак, пахта керак, сазавот керак. У ўша оғир кунларда деҳқоннинг дам олиб ўтиришга ҳақиқи йўқ, деб биларди.

Уруш давридаги бетиним меҳнат тинч қурилиш йилларидаги изланишларга улазиб кетди. Азимжон Эрматов МТС қошида очилган икки йиллик курсни тугатиб, колхозда механик бўлиб ишлаб бошлади. Кўп ўтмай унинг номни оғизга тушди. Газеталарда ёзилди. Катта-катта йиғинларда ҳурмат билан тилга олинандиган бўлди. Урта Чирчиқ районидаги у меҳнат қилаётган «Қизил куч» кол-

## БЕДОР

хозининг ҳам довуғи кетди. Бу колхознинг Азим Эрматов бошлиқ механизаторлари минг гектарчилар ҳаракатини бошлашди. Бу ташаббуснинг моҳияти шундан иборат эдики, ҳар бир механизаторнинг ҳайдаган, мола бостирган, жуёқ очган, чигит эккан, култивация қилган, пахтаси терилган майдонни минг гектарни ташкил этиши керак эди. Кўп ўтмай «Қизил куч»га ўхшаш бир неча кичик хўжаликлар «Полярная звезда» колхозига қўшилган, бу ташаббус издошлари янеда кўпайди. Худди шу изланувчан механизаторлар биринчи марта гўзага кўндалангига ишлов беришни жорий этдилар. Гўза қатор ораларига кўндалангига ишлов беришга мослаб экилмагани учун сеялкаларга махсус кескичлар ўрнатилиб ишлов беришди. Кейинчалик пахта ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолган бу усул кенг қанот ёзди. Фақатгина Ўзбекистон эмас, барча пахтакор республикаларнинг деҳқонлари келиб, бу колхоз механизаторлари бошлаган ташаббус билан танишдилар, маслаҳатлар олдилар, ўзлари ҳам айрим фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

1954 йилгиёқ колхоз бўйича ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтарилди. Иккинчи йили ялпи ҳосилдорлик 32 центнер учинчи йили эса 38 центнерга етказилди. Пахтага кўндалангига

Поезднинг жилдирган  
Ўтхонаси билан дўнғалаги.  
Двинскка кетди андижонлик  
Мард йигитнинг бир бўлаги...

1916 йили Андижонда туғилди, кўнгил ҳужай-  
раларидан кўз ёшида сизиб чиққан бу қўшиқ  
Туркистон ўлкасининг гадой топмас кўчаларига  
кириб борди. Уша кезлари пастандаромлик йигит-  
лар ҳам мардикорлик ашулосини айтиб Двинск-  
га йўл олдилар. Биргина қалмоқсойликлардан юз  
киши қорда қарағай кесишга кетди. Кўплари қара-  
ғай остида қолди. Фақат — Али бобо, Қудур  
бобо, Бобобер ва Худойкул бобо каби бир не-  
чаларгина омон қайтди. Улар инқилоб деган ту-  
шунчани ўша ердан юракларига туғиб қилдилар.  
Инқилоб бўлиб, елкаларга офтоб теғди. Қўшич  
союзни туздилар. Уз тупроқларини пешона тери  
билан гуллатдилар.

Мавлон полков Гафуров 1925 йилдаёқ гекта-  
ридан 400 пудга етказиб ҳосил олган эди. Кейин-  
чалик олтимиш центнерчилик ҳаракатини бошлаб  
берди. Мамакат пахтакорлари унга ёлпасига эр-  
гашилдилар.

Ғаллабекда босмачилар коммунист Юсуф Ава-  
зовни улоқ қилиб қолдилар. Коммунист Боқи-  
ҳўжа Турсунўжаев, комсомоллардан Робия ва  
Раҳима Турсунўжаевларни Самарқандга, комсо-  
мол мажлисига кетаётганда ўлдирдилар. Бундай  
фожиали воқеалар Пастандаромда кўп бўлган.  
(Улар менга кўп жиҳатдан «Гинч Дон»ни, «Очил-  
ган қўриқ»ни эслатади). Аммо бари бир, адолат  
тантана қилди. Қотиллар одил суд олдига бўйин-  
ларини ҳам қилиб қора курсига ўтирдилар.

Районимизнинг юксалиши шахсан Валериан  
Владимирович Куйбишевнинг, Йўлдош ота Охун-  
бобоевнинг номи билан чамбарчас боғлиқ.

Валериан Владимировичнинг 1934 йил 14 де-  
кабрда Файзулла Хўжаев билан Ленин номи  
колхозга келганини ветеранлар ҳали-ҳали эсла-  
шади. Уша йили куз серёғин ва совуқ бўлгани  
учун пахта йиғим-терим кампаняси ҳамон давом  
этаётган эди. Пахтани пунтга қўйиш учун ма-  
шина йўқ эди. Валериан Владимирович деҳқон-  
лар билан узоқ суҳбатлашди. Алланималарни  
блокнотига ёзди олди. Эртаси куни у Самарқанд-  
дан колхозга иккита юк машинаси, юзга яқин  
қанор юборди. Иш юришиб кетди.

Уша йили колхоз 150 гектар майдоннинг ҳар  
гектаридан 13 центнердан ҳосил кўтарди. Уша  
давраларда бу катта ғал эди: Қосимхон Одилов  
равислик қилаётган худди шу колхоз ҳозир гек-  
тардан 40 центнер учун куршяпти.

Ленин номи колхозда табарруқ жойлар анча-  
гина. Булар Йўлдош ота қурдирган дала шйло-  
ни, у экан дарахтарлар ва бошқа тарихий жойлар.  
Бу эрдан табиан бирга келган, боқтоқликларни

чаманзорга айлантираётган асли фарғоналиклар  
кўп. Пойтахт Самарқанддалигига Ота Ленин номи  
колхознинг фахрий аъзоси эди. Хафтада бир  
кун келиб, қўйига кетмон оларди. Бу ерларга у  
умрининг сўнги кунларига қатнаб юрди. Таш-  
кентга борган пастандаромликлар доим Отанинг  
азиз меҳмонлари эди.

Район «Колхозчилар товуши» газетаси бундан  
қирқ бир йил муқаддям, яъни 1931 йил 5 апрел-  
да чиққан сонида «Бутун куч, бутун ғайрат 10.840  
гектар пахтани яхшилаб қишга!» деган шioriни  
отган эди. 1921 йилда район территориясида  
етиштирилган пахта гектар бошига 1,1 центнер-  
дан тўри келган экан. Ҳозир ўша йилларга нис-  
батан 10 мингдан зиёд гектар ерга чигит экил-  
моқда. Ҳосилдорлик 30 центнерга етказилди.  
Фақат Карв Маркс номидаги колхознинг ўзи-  
гина гектаридан 42 центнер ҳосил олиб, 10 миң  
тонна пахта сотади.

Уруш йиллари пастандаромликлар фронтга кат-  
та ёрдам бердилар. Урушдан сўнг ҳужалиқари-  
миз КПСС Марказий Комитетининг пахтачиликка  
оид кўрсатмаларига амал қилиб, қаддини янада  
кўтариб олди. Сўнги йилларда пахтачиликда  
қўри кўрсаткичларга эришгани учун, жумладан,  
Карв Маркс номи колхоздан тўрт кишига Со-  
циалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.  
200 киши ҳукуматнинг ордени ва медаллари билан  
мукофотланди. Шу тўрт қаҳрамон ҳақида бир оғиз  
сўз. Курбон Орзиқулов кека коммунист. Паст-  
даромнинг биринчи тракторчиларидан. Урушдан  
протез оёқда қайтди. Аввалига қийналиб, кейин  
кўникиб тракторини гуруллатиб ҳайдай бошлади.

Ҳамро Эргашев ҳам ветеран. Уруш йиллари  
жасорат кўрсатди. Юрагининг қони томан ком-  
сомол билети Минскдаги музейда. Урушдан қай-  
ғач, йирик бригадалардан бирига бошчилик қил-  
ди. Узун Қўтон чўлларини ўзлаштирди. Ҳосилдор-  
лигини гектаридан 45 центнерга етказди.

СССРнинг 50 йиллиги ҳақида сўз кетаркан, хо-  
тин-қизлар масаласини алоҳида таъкидлаш керак.  
Хотин-қизларни жамият ишига араштирмай тўри-  
б социализм қуриб бўлмайди, деган эди буюк  
доҳиймиз В. И. Ленин.

Хонбиби Имомовани бутун республика та-  
нийди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-  
митетининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳра-  
мони, Қаҳрамон Она, Халқ маорифи аълочиси:  
Нега унга Халқ маорифи аълочиси деган унвон  
берилди? Муаллимлик қилганими? Юзаки қара-  
ганда маорифга алоқаси йўқдек туюлади. «Лар-  
тия XXII съезди» номидаги колхознинг раисиси,  
Марказком аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети-  
нинг депутати сифатида ёш авлод тарбиясига кат-  
та аҳамият берди. Хонбиби Имомова гектаридан  
30 центнердан ҳосил кўтариб, Эски Ангорнинг  
юқори қисмидаги қумтепада 600 гектар ер очиш-

га бел боғлади; ундан ҳам вақт орттириб, кейин-  
ги йилларда бешта замонавий мактаб қурдирди.  
Бир вақтлар райондаги энг биринчи мактабни  
Мавлон полков Гафуров вақф ерларга қарашли  
теракзорни бир кечада қирқиб, эрталабгача бир  
ўзи қуриб қўйган эди. Албатта, у мактабни ҳозир-  
ги мактабларга солиштириб бўлмайди. Ҳозир ҳар  
бир қишлоқда бир-иккитадан мактаб бор. Болалар-  
га олий маълумотли педагоглар дарс беради.  
Ешлар давом келажакимиз. Улар биз бошлаган  
йўлни бизнинг элтирдилар.

СССРнинг бош мазмуни — интернационализм.  
Интернационал дўстлигимиз даврининг кўп синови-  
дан ўтди. Ўзбекларда киндик қони томан ер —  
ватан, деган нақл бор. Эндиликда, бу тушунча  
торайиб қолди. Киндик қони тўкилган ер эмас,  
пешона тери тўкилган ер — Ватан. Биргина биз-  
нинг колхозимизда 30 миллат вакили яшайди.  
Районда катта йиғинлар, сайлар бўлганда турли  
миллат вакиллари назаримда СССР ҳаритасини эс-  
латиб турганга ўхшайди. Сўзимнинг исботи учун  
бир мисол:

Трайин Пётр Афанасьевич Совет Иттифоқи ва  
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Пётр Афанась-  
евич Воронеж облатининг Талов районидаги  
Александровка қишлоғида туғилган. Воронежнинг  
биринчи тракторчиларидан ҳисобланган бу ажой-  
иб инсон 1931 йилларда йўлланма билан Ўзбе-  
кистонга келди. Босган изини гул қилиш учун ди-  
ёримизнинг қўлгина ерларига пешона терини  
тўқди. Улуғ Ватан уруши йилларда кўрсатган  
жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони де-  
ган юксак унвонга сазовор бўлиб, ўзбекистонлик-  
ларнинг шарафига шараф қўшди. Урушдан  
кейин эса ғаллачиликни ривожлантиришдаги хиз-  
матлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони  
деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

Хуллас, Пастандаром ҳам, унинг ажойиб киши-  
лари ҳам ҳали ёзилмаган, лекин ёзилмиш керак  
бўлган бир китоб. Эллик йилда эл ўзаркан. Ер-  
дан ойча, чиғиридан ГРЭСгача, варақдан «Ўз-  
гача, жинчиқордан атом реакторларига, қулба-  
дан саройларгача бўлган йўлни босиб ўтдик. Буни  
сўз билан ифодалаб қийин.

Аммо шонр:

Дарё ҳам бошланур сарчасималардан,  
Сув қадрини сўрагил лаб ташналардан, —

деганидек, бу ютуқларимизнинг илдири Ленин-  
нинг декретларида, эсимизда. Давримизнинг ақли,  
онги, виждони партиямизнинг ленинча миллий,  
интернационализм сиёсатида, халқимизнинг жасо-  
ратида.

Анвар ЭШОНОВ

## ТУНЛАР

ишлов берган, миң гектарчилар ташаббусини  
қўллаган бошқа ҳужалиқларнинг ҳам ютуқлари  
чекки бўлмади. Пахтага кўндалангига ишлов бе-  
риш усулини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан  
ишлаб чиққанликлари, муттасил уз йил мобайни-  
да пахтадан юқори ҳосил етиштирилганликлари  
учун бир гуруҳ механизаторларга олий муко-  
фот — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони  
берилди. Тақдирланганлар орасида мазкур усул-  
нинг ташаббускори бўлган донгдор пахтакор  
Азим Эрматов ҳам бор эди. Хушхабарни у пахта-  
зорда эшитди. Шу кунни ҳам туни билан мижа  
қоқмади. Пахтакорлик таржимани ҳолини яна  
бир бошдан варақлаб чиқди. Эришган ютуқлари-  
дан кўнгли ёришиди, камчиликлардан афсусланди.  
Янги режаларни сарҳисоб этди. Шу кун колхоз  
раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамо-  
ни Ким Пен Ха билан механизациянинг ролин  
шириш хусусида яна бир гаплашини кўнглига  
туғиб қўйди. Ахир, меҳнатни механизацияга о-  
слаб ташкил этиш, механизаторларнинг моддий,  
маънавий манфаатларини қондириш — пахтадан  
юқори ҳосил олишнинг асосий воситаси эмасми?  
Раис учун тақлифларига рози бўлди. Бу масала  
колхозчиларнинг умумий мажлисида кўриб чи-  
қилди. Йил сайини трактор ва пахта териш маши-  
наларининг сонини ошира боришга қарор қилин-

ди. Ҳозир колхозда 40 дан ортиқ пахта-териш агре-  
гати ишлайди. Бу агрегатлар ёрдамида ялли  
ҳосилнинг 75 процентини териб олинмоқда.

Азим ака сўнги икки йилдан бери бўлиб бош-  
лиғи, 356 гектар ерга пахта экади. Бу йилги ку-  
закни ҳам одатдагидек сабрсизлик билан кутди.  
Одатдагидек дастлабки чаноқнинг очилишини бедор  
кузатди. Табиатнинг беадоқ инжиқликларини  
енгиб, зўр машаққатлар билан етиштирилган ҳо-  
силнинг чўғини чамалаб кўриб, қўйлига таскин  
топди. Емон эмас. Унинг участкаси планди кўрсат-  
тилган 26 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 35  
центнердан оқ олтини ундиришга аҳд қилган.  
Теримга тушишдан олдин механизаторлар билан  
суҳбатлашди. Уларнинг ғайратини, ниятини бил-  
моқчи бўлди.

— Усмоқчилаб синаманг, Азим ака. Хафа бў-  
ламиз, — деди Ришод Юсупов. — Мақсадимиз  
ўзингизга аён. 120 тоннадан кам териб йўқ. Ҳар  
йилгидай Абдулҳаким Аҳмедов билан мусобақа-  
лашамиз.

Ришод Юсупов ҳали ёш, сергайрат йигит. Таш-  
кентдаги рус тили ва адабиёти институтининг  
сўнги курсида сирдан ўқийди. Лекин ҳали-бери  
тракторидан айрилмоқчи эмас, бу касбини севади.

Азим ака қорамғиздан келган бу чайир йи-  
гитга боқар экан, қувониб кетди. Ундайлар билан  
тоғни талқон қилса бўлади. Унинг бўлимидаги  
11 механизатор-ҳайдовчининг ҳаммаси ҳам азамат  
йигитлар. Уларнинг ҳар бири 120—150 тоннадан  
пахта териш мажбуриятини олган. А. Аҳмедов  
билан Р. Юсупов сентябрь ойидаёқ 80 тоннадан  
пахта терган эдилар. Ўз аҳдларига оҳирига со-  
диқ бўлиб қолдишди. Фақат машина теримини  
ташқил этиш хусусида Р. Юсуповнинг айрим  
ўринли мулоҳазалари бор.

— Бўлимимиздаги 356 гектар ер 11 пахта те-

риш агрегати учун торлик қилади. Ҳамма агре-  
гатлар бир меъёрга ишлаб турса, бу майдоннинг  
пахтасини тўрт-беш кунда териб қўямиз. Кейин  
то иккинчи терим бошлангунча бўш қоламиз.  
Бошқа бўлимларга ўтишга руҳсат беришмайди.  
Уларнинг машинаси ўзларига етарли. Агар ило-  
жи бўлса, келажакда механизаторлар терим ма-  
сумида район бўйича маълум гуруҳларга бир-  
лаштирилса. Бир колхознинг пахтаси териб бў-  
лингач, ўз гуруҳи билан бошқа колхозга ўтка-  
зилса, район бўйича механизаторларга иш тақ-  
симловчи ягона шарт тузилса. Агар шундай қи-  
лinsa, аввало, механизаторлар ишсиз қолмайди.  
Иккинчидан, терим суръати тезлашади. Учунчи-  
дан, механик-ҳайдовчиларнинг терган пахтаси ҳо-  
зиргига нисбатан икки ҳисса ортироққ бўлади.  
Ахир, ҳамма ҳужалиқларда ҳам машиналар бир  
хилда етарли эмас-ку.

Бу фикрни Азим ака ҳам қувватлади. Чиндан  
ҳам бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб қўрилмоғи ло-  
зим.

...Яқинда Азим ака Туркменистонда хизмат қи-  
лаётган офицер ўғлидан хат олди. Уғли уни «оқ  
олтиндан юксак хирмон уятанлиги билан қўт-  
лабди. Азим ақанинг юраги ширин ортиқиб кет-  
ди. Тўғини — офицер. Кейингилари-чи! Майли,  
ишқилиб ўқишяпти, омон бўлишсин. Тўққизови  
ҳам хоҳлаган ўқишини ўқисин, хоҳлаган соҳасида  
ишласин. Лекин бир нечаси албатта механизатор  
бўлиши керак. Улар ота касбини эгалламаса бўл-  
майди. Кўнглининг бир чети кемтик бўлиб қо-  
лади. Азим ака ҳамма болаларини пахтани қадр-  
лайдиган, пахтани севадиган қилиб ўстирган.  
Пахтани севаган одамнинг виждони худди пахта-  
дек оқ бўлади-да.

Э. УМАРОВ



## Берунийнинг 1000 йиллигига

# ЖАҲОН ИЛМ- ФАНИНИНГ ДАҲОСИ



Узбек халқининг гениал фарзанди Абурайҳон Беруний қомусий билимлар эгаси, илм-фан даҳоси эди. Олимнинг астрономия, математика, физика, геодезия, минералогия, геология, география, нимё, доришунослик, тарих, фалсафа, дин тарихи, этнография ва бошқа фанларга қўшган ҳиссаси гоёт каттадир. Атоқли берунийшунослардан бири таъкидлаганидек, улуғ олим шугулланган фан соҳаларини санашдан кўра у шугулланмаган фан соҳаларини санаш осонроқдир. Шу йил 4—5 сентябрь кунлари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми томонидан Абурайҳон Беруний тутилганга 999 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган илмий сессия эса улуғ олимнинг табиий фанлар соҳасидаги меросини ўрганиш масалаларига бағишланди. Бундай илмий сессияларга тўпланиш республикада ажойиб анъанага айланиб бормоқда. Масалан, 1971 йилнинг сентябрида ўзбек олимлари қардош республикалардаги ҳамкасблари билан биргаликда Берунийнинг 998 йиллигига бағишланган «Беруний ва гуманитар фанлар» мавзуда илмий сессия ўтказган эдилар. Унда гениал олимнинг гуманитар фанларга қўшган бебаҳо ҳиссасини ёритган қизиқарли доклады тингланган эди.

«Беруний ва табиий фанлар» мавзудаги илмий сессияни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Өбид Содиқов қисқача нириш сўзи билан очди.

Илмий сессияда академик О. Содиқовнинг, «Беруний ва ўсимлик моддалари нимёсининг баъзи масалалари», академик С. Сирожиқдидовнинг «Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асарида математика ва астрономиянинг баъзи масалалари», академик О. Акрамхўжаевнинг «Беруний — геология ҳодисалари, минераллар ва нодир тошларнинг илк тадқиқотчиларидан бири», академик В. П. Щегловнинг «Беруний ва география узунлик проблемаси», Беруний мунофоти лауреати, филология фанлари доктори П. Г. Булгаковнинг «Берунийнинг табиий-илмий мероси», Беруний мунофоти лауреати, филология фанлари доктори У. Қаримовнинг «Беруний — доришунос», физика-математика фанлари доктори Г. П. Матвеевскяининг «Берунийнинг математик меросини ўрганиш», фалсафа фанлари кандидати О. Фаёзуллаевнинг «Ҳаранат ҳақидаги таълимотга Берунийнинг қўшган ҳиссаси», тоjik олим, физика-математика фанлари кандидати Ҳ. Содиқовнинг «Беруний астрономияси ва математик географияси», физика-математика фанлари кандидати Ф. Зирриллаевнинг «Беруний асарларида экспериментал физика элементлари» ва бошқа берунийшунос олимларнинг мазмундор маърузалари тингланиб, қизгин муҳокама қилинди.

«Гулистон»нинг махсус мухбирлари Маҳмуд Саъдий ва Маҳнам Маҳмудов ана шу илмий сессия қатнашчиларидан бир қанчасига муурожаат этиб, гениал олимнинг табиий фанлар соҳасидаги кашфиётлари, табиий фанларга қўшган улкан ҳиссаси хусусидаги фикрларини журналхонларимиз билан ўртоқлашганини илтимос қилдилар.

Қуйида илмий сессия қатнашчиларининг жавобларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Өбид Содиқов:



— Ҳозирги вақтда барча совет халқларининг ўтмишдаги бой илмий-маданӣ меросини ўрганиш ва бугунги куннинг энг муҳим эҳтиёжларига хизмат қилдиришга гоёт катта эътибор берилмоқда. Жаҳон илм-фанининг даҳоси Муҳаммад ибн Аҳмад Абурайҳон Берунийнинг 999 йиллигига бағишланган Иттифоқ миқёсидаги илмий сессиянинг Тошкентда ўтказилиши улуғ олим ватандошларида ҳаққоний ифтихор туйғуларини уйғотди.

Абурайҳон Берунийнинг астрономия, география, геодезия, математика, биология, медицина, маъданшунослик, метеорология, картография, физика, климатшунослик, бутун дунё тарихи, фалсафа, этнография, ҳуқуқ, дин тарихи каби деярли барча фанлар тараққиётига буюк ҳисса бўлиб қўшилган мероси гоёт бойдир. Олимнинг жуда кўп кашфиётлари кейинги асрларда Коперник, Бруно, Галилей, Кеплер, Дарвин каби фан заҳматкашлари томонидан ривожлантирилди, янгиланди, қайта кашф этилди. Беруний йигирма етти ёшда ёзиб тамомлаган «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» китобидаги билимлар ҳазинаси билан ҳозиргача жаҳон олимларини ҳайратга солиб келмоқда. Академик Игнатий Юлианович Крачковский, бизнинг давримизда ҳам бутун Шарқ адабиётида бу асар билан рақобатлашадиган китоб йўқ, деганида батамом ҳақ эди.

Берунийнинг ибн Сино билан ёзишмалари, «Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг чегараларини аниқлаш» («Геодезия»), «Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва симғадиган таълимлотларини аниқлаш китоби» («Ҳиндистон»), ўн бир китобдан иборат «Қонуни Масъудий», «Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар мажмуи» («Минералогия»), «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб» («Китоб ас-сайдана»), «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар» каби асарларининг ҳар бири улуғвор қомус, билимлар ҳазинасидир.

Гениал ватандошимизнинг бой илмий-маданӣ меросини ўрганиш янада кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган экан, бу соҳада олимларимиз тадқиқотларининг амалий натижаси сифатида ўрта мактаблар ва олий ўқув юр்தларининг программаларига, дарсликларига Беруний илмий меросини киритиш мақсадага мувофиқдир. Чунки, гуманитар ва табиий фанлар соҳасида етишиб чиқётган ёшларимиз Абурайҳон Беруний яратган фан асосларини эгалламай туриб, етук мутахассис бўла олмайдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Саъдий Сирожиқдидов:

— Машҳур олимимиз Абурайҳон Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асари муҳаррирликни менга топширганликлари сабабли гениал мутафаккирнинг бу тадқиқотини қайта-қайта ўқиб чиқишга тўғри келди. «Қонуни Масъудий» 11 китобдан иборат бўлиб, шулардан учинчиси математикага бағишланган. Кейинги китобларда эса олим ана шу китобда ўзи келтирган математик дъво ва формулаларни амалда ишлатади. «Қонуни Масъудий»даги математик масалалар ва бошқа проблемаларни ўрганишга оид жуда кўп мақолалар эълон қилинган. Шунга кўра, менинг сессияда қилган докладим ҳам бирор илмий янгиллик очкига қаратилган эмас эди. Мақсадим — «Қонуни Масъудий»ни ўрганиш жараёнида олган катта таассуротимни ўртоқлашдир.

Абурайҳон Беруний математикани чуқур ва кенг тушунган, бу фанга бир қанча янгилликлар киритган, математик масалаларни ечиш ва исботлашда методик афзалликлар кашф этган олим. Унинг ажойиб мантиқий-математик мулоҳазалари ва тажрибадаги зарурятни сезиб, масалаларни очик-ойдин ҳал қилиб берганлиги ҳайратда қолдиради. Совет олимлари, айниқса биз — Абурайҳон Берунийнинг авлодлари, улуғ мутафаккир қолдирган ҳазинани чуқурроқ ўрганишимиз, халққа тўла етказишимиз керак.

«Қонуни Масъудий»нинг ўзбекча ва русча таржималари Абурайҳон Беруний танланган асарларининг V жилди сифатида нашрга тайёрланмоқда. Бу жилд икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм I—V китобларни ўз ичига олади; VI—XI китоблар эса иккинчи қисмга киради. Асарнинг III китоби, айтиб ўтганимдек, бутунлай математика масалаларидан баҳс этади. IV—V китоблар сферик астрономия, математик география ва геодезия проблемаларига бағишланган.

III китобнинг биринчи бобда айлана ичига мунотазам кўпбурчаклар чизиш ҳақидаги теоремалар баён қилинади. Кейинги бобда эса уларнинг исботи келтирилади. Теоремаларнинг исботига ўтишдан аввал олим ўрта асрларда машҳур бўлган «Архимед муқаддимаси» деб аталган теореманинг исботини келтиради. Берунийнинг исботи Архимеднинг исботидан фарқи ва оригиналдр. Умуман, Беруний ўзининг бошқа асарларида ҳам шу теореманинг яна



қирқта исботини беради. Буларнинг еттаси Беруний кашфиётдир. Олим аҳамият берган математик масалалардан бири — бурчак уч секцияси ва у билан боғлиқ 1 градуснинг синусини топишди. Бу масалани Беруний кубик тенгламаси кўринишига келтириб, оригинал ечимини беради.

Улуғ математик текширган муҳим масалалардан яна бири — айлана узунлигининг диаметрга нисбати, яъни  $\pi$  (пи) сонини топишди. Бу сонни олим айлана ичи ва ташқарисига мунтазам 180 бурчаклик кўпбурчакни қизиш орқали топди. Маълумки, Архимед худди шу усул билан 96 бурчаклик қизиб.  $\pi$  ни топган эди. Беруний топган миқдор аниқроқдир.

Хуллас, Абурайхон Беруний илм-фаннинг жуда кўп соҳаларида эришгани каби математика соҳасида ҳам буюк ютуқларга эришган эдики, бу ютуқларни ҳар тарафлама тадқиқ этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

#### Физика-математика фанлари кандидати **Ашраф АҲМЕДОВ:**



— Академик Сирожиддинов Абурайхон Берунийнинг шоҳ асари — «Қонуни Масъудий» ҳақида сўзлаб бердилар. Мен ҳам шу асарнинг сферик астрономия ва у билан боғлиқ бўлган математик географияга бағишланган IV—V китоблари тўғрисида икки оғиз гапирмоқчиман.

«Қонуни Масъудий»нинг V китобида, Беруний таъбирича, ўқувчини имтиҳон қилиш учун мўлжалланган масалалар келтирилди. Бу масалалар тажрибада қўлланиш мақсадида келтирилган бўлишига қарамай, чуқур назарий аҳамиятга ҳам эгадир.

Гап шундаки, Беруний келтирган масалалар ва уларнинг ечимини оғзаки бўлса-да, ҳозирги замон математик символиксига аниқ кўчирилади. Текширишлар шунини кўрсатадики, Беруний даврида, ҳуссан, унинг ижодида тригонометрик метод катта ўрин тутган ва кенг қўлланилган. Улуғ олим тригонометрик методни қўллар экан, бу фанга янги формулалар киритиб, ўзининг илмий дэволарини ўткир мантиқ билан исботлаган. Кўп формулалар ва уларни чиқаришдаги ҳисоблашлар оғзаки бўлиб, ҳозирги ихчам символикда ҳам жуда мураккаб кўриниш ҳосил қилади. Масалаларни исботлаш учун келтирилган қизилар текшиликдаги икки ўлчамлик координатларда берилган, лекин уларни осонлик билан осмон сферасига кўчириш мумкин. Эки бошқача қилиб айтганда, уларнинг сферик модели жуда аниқлик билан ясалди.

Абурайхон Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асари Урта аср жаҳон астрономиясида чуқур из қолдирди. Бу қосимий асар астрономия тарихидаги энг йирик астрономик тадқиқот ҳамдир.

#### Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси **Обид АКРАМХУЖАЕВ:**



— Урта асрлардаёқ Шарқда геология ва минералогия фан даражасига кўтарилганлигини Беруний ва бошқа олимларимизнинг илмий меросидан билишимиз мумкин. Беруний жаҳон фани тарихида минераллар ва нодир тошларнинг илк тадқиқотчиларидандир.

Улуғ олим фойдали қазилмалар қатламларининг пайдо бўлиши, жинсларнинг емирилиши ва нураши каби ҳодисаларни тадқиқ этди. Берунийнинг Ер қобиғида ер ости жисмларининг жойлашуви ҳақидаги фаразлари ҳам қимматлидир. Олимнинг фикри-оғирлигининг умумий марказ томон ҳаракатига мос равишда вулдуга келади. Урта Осиёнинг баъзи районлари, жумладан, Амударё воҳасининг геологик ўтмиши ва ривожланиши, Орол денгизининг пайдо бўлишига доир тадқиқотлари ўша замон геология фанининг энг зўр муваффақиятларидандир. Олим минералогия фанида ҳам муҳим кашфиётлар яратди. У минералогик текширишларида қимматбаҳо тошлар, маъданларнинг ранги, ялтироқлиги ва қаттиқлигини аниқлаш, уларнинг электр ва магнит хусусиятларини кузатиш, сунъий ёки табиийлигини синаш каби усуллардан фойдаланган.

Берунийнинг энг катта хизматларидан бири шуки, у минералларни таърифлашда зарур омилардан бири сифатида уларнинг солиштирма оғирлиги тартибини аниқлаб, амалиётга жорий қилди. Шу жиҳатдан, давримизда иккинчи Беруний номи билан шуҳрат қозongan марҳум академик Ҳабиб Абдуллаевнинг: «Гениал ватандошимизни геология ва минералогия фанига асос солган буюк зотлар қаторига қўшиш кераки, деган фикри ҳаққонийдир.

#### Беруний мукофоти лауреати, филология фанлари доктори **Убайдулла КАРИМОВ:**



— Тиб, кимё ва доришунослик илмлари Шарқда, жумладан, Урта Осиёда қадимдан ривожланган. IX—XIII асрлар давомида яшаб, ижод этган кўпгина буюк олимларимиз шу соҳаларга бағишланган қимматли асарлар яратганлар. Афсуски, бу асарларнинг аксарияти турли сабабларга кўра бизга етиб келмаган.

Бизгача етиб келган доришуносликка оид асарлар ичида энг муҳими ва фан-маданиятимиз тараққиёти нуқтани назардан қимматлиси Абурайхон Берунийнинг «Китоб ас-сайдана» («Доришунослик китоби») асаридир.

Бу асарнинг ягона арабча қўлёзмаси бундан қирқ йил аввал Туркиянинг Бурса шаҳридаги кутубхонадан топишган эди. Аммо ҳозирга қадар «Сайдана» тўла нашр этилмаган, бошқа бирор тилга таржима қилинмаган эди. Бу асар устида олиб борган тадқиқотларимиз натижалари ҳамда китобнинг рус тилига биз қилган изохли таржимаси Берунийнинг 1000 йиллик юбилейига босилиб чиқади.

«Сайдана» Шарқ мамлакатларида доришунослик тарихи ва амалияси бўйича бой маълумотлар манбаи ҳисобланади. Беруний асар муқаддимасида доришунослик фанининг вазифалари ва унинг баъзи назарий масалаларига тўхталиб ўтади. Кейин ўсимлик, ҳайвонот ва маъданлардан олинган мингдан ортиқ доривор моддаларни алоҳида-алоҳида фаслларда муфассал таърифлаб беради.

«Сайдана»нинг доришуносликка бағишланган бошқа асарлардан яна бир фарқи шундаки, китобда Беруний ҳар бир ўсимлик, ҳайвонот организми ёки маъданнинг номини бир неча тилда, жумладан, араб, юнон, сурёний, ҳинд (санскрит), форс, хоразмий, сугдий, туркий ва бошқа тилларда келтиради.

Абурайхон Беруний асарда ўзи бўлган ва яшаган жойлар, яъни Урта Осиё ўлкалари, Эрон, Афғонистон, Хиндистонда учратган доривор моддалар ҳақида кўпгина муҳим маълумотларни келтирадики, улар, шак-шубҳасиз, шу мамлакатлар фани ва маданияти тарихи нуқтани назардан ҳам беқийс аҳамиятга эгадир.

#### Физика-математика фанлари кандидати **Фатхулла ЗИКРИЛЛАЕВ:**

— Илк ўрта асрларда яшаган ўртаосиёлик буюк олим Абурайхон Беруний илм-фаннинг турли соҳалари қатори физика соҳасида ҳам салмоқли ишлар қилган. Чунончи, Беруний жаҳонда биринчи бўлиб 50 модданинг солиштирма оғирлигини ўлчаган. Шуниси диққатга сазоворки, олим биргина сувнинг 5 хил ҳолатдаги солиштирма оғирлигини аниқлаган. Сувдан энгил бўлган ёғоч, мўм каби моддаларнинг солиштирма оғирлигини ўлчашда эса ўзига хос олат — пикнометр яратган.



Беруний фил суяги, мўмиё, қовун шарбати ва бодринг суви, тухум оқининг солиштирма оғирлигини аниқлагани, булар ҳозирги жадвалларда ҳам йўқдир. Бундан ташқари, улуғ табиатуносл аниқлаган вино, сут ва мой, одам қони ва сийдагининг турли ҳолатлардаги солиштирма оғирлиги ҳақидаги маълумотлар фақат ҳозирги замон физикаси учунгина эмас, балки биология, медицина ва техника фанлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Беруний ҳамма бирлигидаги оғирлик — солиштирма оғирлик ва оғирлик бирлигидаги ҳамма — солиштирма ҳажмини ўлчаб, моддаларнинг солиштирма оғирлигини аниқлаган. Олим ҳамма аниқлаш учун даставвал хилма-хил қолиплар ясаган, сўнгра ҳамма ўлчашчи максус асбоб — мензурка ихтиро қилган. Берунийдан кейин яшаган Умар Хайёмнинг шоғирди Абдурахмон Хазиний ўзининг «Мезон ул-ҳикмат» («Донилик тарозуси») асарида бу асбобнинг расмини чизиб, Беруний асбоби деб кўрсатади ва ишлаш принципини баён қилади.

Беруний «Китоб ул-жамоҳир фил маърифат ул-жавоҳир» («Минералогия») асарида линзанинг оптик хоссаси, яъни катталаштириб кўрсатиши ҳодисасини баён этган. Яна шу асарда ҳазрабонинг хоссаларини, магнитнинг итариш кучини тажрибада текширилганини айтган. Кейинчалик бу соҳа электр ва магнит ҳақидаги фанларга айланиб кетди.

Беруний йигирма етти ёшида яратган «Ал-осор ул-албоқия ан-ал-қурон ул-халия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарида сифоннинг ишлаш принципини вакуум ва вакуумсиз ҳолатда сув заррачаларининг ўзаро тутиниш кучлари асосида изохлаган. Бундан ташқари, шу китобда автоматик чиронинг ишлаш принципи баён қилинган. Биз бунини Беруний кўрсатмаси асосида тикладик. Ҳозирги кунда паррандачликда қўлланилаётган автоматик сувдонлар ҳам худди шу принциплар асосида ишламоқда.

Йигирма йилдан бери Беруний физикаси бўйича тадқиқотлар олиб бориш натижасида мен халқимиз гениал фарзандининг фанинг бошқа соҳалари қатори физикада ҳам гоят улкан самараларга эришганлигига амин бўлдим.

Беруний мукофоти лауреати, филология фанлари доктори **Павел БУЛГАКОВ:**

— Абурайхон Берунийнинг табиий-илмий мероси фавқулодда даражада бойдир. Шу сабабли олимнинг табиий фанларга бағишланган асарларини соҳалар бўйича тасниф этишга киришишдан олдин уларнинг ҳаққоний сонини аниқлашга тўри келди. Ҳозиргача Беруний 150 дан ортиқ асар қолдирган, деган фикр ҳужжи суради. Лекин синчиқлаб олиб борган текширишларимиз кўрсатдики, олим бутун умри давомида 146 нодир асар яратган экан. Афсуски, бу асарларнинг кўпчилиги бизгача етиб келмаган ёки ҳали фанга маълум эмас. Шунга кўра, биз Беруний асарлари сонини аниқлашда, энг аввало, унинг ўзи берган маълумотларга асосландик. Бошқа ўрта аср олимларининг асарларида Берунийдан келтирилган кўчирмалар, қайدلари ҳам эътиборга олдик. Натижада олимнинг бизгача етиб келган ва топилмаган асарларини аниқлаб, тасниф қилишга муваффақ бўлдик. Маълум бўлишича, Абурайхон Беруний табиий фанлар соҳасида астрономияга энг кўп — 65 асар бағишлаган экан. 18 асар соф математикага, 15 асар геодезияга бағишланган. Олим география, физика, минералогия, доришунослик ва бошқа фанларга доир айрим-айрим асарлар ҳам яратган. Текширишда Берунийнинг ҳинд элчилари — астрономик жадваллари билан боғлиқ яна икки асари борлиги аниқланди.



Абурайхон Беруний табиий фанларнинг турли тармоқлари бўйича буюк кашфиётлар яратган олим эди. Чунончи, у, жаҳон тарихида биринчи бўлиб геодезия проблемаларининг мустақил комплексини ажратиб кўрсатди. Шу тариқа, Абурайхон Беруний геодезия фанига асос қўлди.

корлигининг классик намуналарини намойиш этганлигини кўрамади. Шу билан бирга, Беруний соф математик асарлар ҳам ёзган. Бу асарларда берилган масалалар ва уларнинг оригинал ечимлари Беруний ўз замонасида бир қанча фавқулодда муҳим кашфиётларга эришган олим бўлганлигининг исботидир.

Уз даврдан бир неча асрлар илгариллаб кетган Берунийнинг математик асарлари илмий сувясия жиҳатидан гоят теран. Сўнгги асрларда, тарихий шароит таъқозисига кўра, математик билимларнинг умумий даражаси анча пасайиб кетган. Гарчи Берунийнинг математик сифатидаги шухрати Шарқда ва ўрта аср Европасида ҳеч қечон сўнмаган бўлса-да, асарлари амалда унутилган эди. Утган асрга келиб, Берунийнинг математик мероси фан тарихида ўзининг иккинчи умрини яна қайтадан бошлади. XIX—XX аср Шарқ ва Ғарб олимлари, жумладан, совет олимларининг қимматли тадқиқотларида геннал ўзбек олимнинг бутун ижоди каби, математик мероси ҳам чуқур ва кенг ўрганила бошланди.

Техника фанлари кандидати **Қодир НОРҚУЖАЕВ:**

— Геодезиянинг фан сифатида туғилиши ва ривожланишида Абурайхон Берунийнинг хизматлари беқиёсдир. Фикримизча, олим геодезиянинг беш соҳасида иш олиб борган. У Ер кўрасининг ўлчамларини аниқлаш; географик координатлар бўйича тўғри ва тексари геодезия масалаларини ечиш; астрономия-геодезия асбоблари лойиҳаларини ишлаш ва ясаш; инженерлик геодезияси масалаларини ечиш; картографик проекциялар назарияси каби йўналишларда кашфиётлар яратган. Булардан ташқари, Беруний рефракция (атмосферада ёруғлик нурларининг синиши), кўз илғайдиган даражадаги уфқ — горизонтни аниқлаш ва бошқа соҳалар билан ҳам шуғулланган.



Ер кўрасининг ўлчамларини аниқлаш олим геодезиянинг бош масаласидир. Бу муаммони ҳал этиш учун Беруний юнон, ҳинд, араб, ўрта Осиё олимларининг шу соҳадаги асарларини синчиқлаб ўрганиб чиққан, уларнинг фикрларидаги айрим иштилоф ва зиддиятларни аниқлаб, оригинал хулосаларга келган.

Беруний Ҳиндистоннинг Нандна қалъасида уфқ пасайиш методи асосида тадқиқотлар ўтказди. Уз текширишларининг натижаларини «Геодезия» ва «Қонуни Масъудий» китобларида келтиради. Олимнинг ҳисоблашчи, Ер кўрасининг радиуси 12.851.369,845 газ ёки 6.339,6 километрга тенгдир. Бу рақам ҳозирги ҳисобдан атғи 31,5 км ёки 0,5 процент камдир.

Беруний географик координатларни астрономия — самовий jismlarни кузатиш ҳамда геодезия — тўғри ва тексари геодезия масалаларини ечиш усули билан аниқлайди.

Беруний кашф этган триангуляция (учбурчаклар ёрдамида шарҳларнинг координатларини аниқлаш) методини Ғарб олимлари XVII асрда яшаган голланд олими Снелиус топан деб ҳисоблайдилар. Чех олими Рижавий, триангуляцияни Снелиусдан олғини йил аввал чех математиги ва астрономи Тадеуш Гаёк кашф этган, дейди. Профессор Данилов эса, бу метод қадимги мисрликларга мансуб, деган фикрни олға суради. Афтдан, араб тилида асарлар ёзган Беруний мисрлик араб олими деб ҳисобланаётганга ўхшайди. Фикримизча, триангуляция методи топил биринчилиги Берунийга мансуб дейиш ҳақиқатга мувофиқдир.

Беруний астрономия-геодезия асбоблари ясаш ва улардан фойдаланиш масалаларига бағишланган бир қанча нодир асарлар ҳам ёзди. Олимнинг геодезия соҳасидаги кашфиётлари жаҳон илм-фанига буюк ҳисса бўлиб қўшилганлиги бугунги кунда шаксиздир.

Фалсафа фанлари кандидати **Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ:**

— Ер оламнинг маркази, унинг атрофида Қуёш, Ой, сайёралар, юлдузлар айланади, деган таълимот геоцентризм деб аталади. Птолемейнинг бу системаси пайдо бўлганига икки минг йилдан ошди. Беш юз йил бўлдики, Коперник янги таълимоти, Ер ва бошқа сайёралар Қуёш теварагида айланади, деган ҳозирги гелиоцентризм таълимотини яратди.

Ҳўш, Берунийнинг бу муаммога муносабати қандай? Буюк олимнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: Ер ҳаракат қилмайди, деган фикр ягона эмас; Ер юзи — думалоқ; агар ер айланса, учиб кетган қуш ўз уясига етиб келмайди, деган фикр асосиздир: айланма ҳаракат билан тортишми орасида боғлиғини бор; Ер айланади, деб қабул қилинса, астрономик ҳо-ди



В. И. Ленин номидаги Тожикистон Давлат университетининг доценти, физика-математика фанлари кандидати **Ҳошим СОДИҚОВ:**

— Қадимда ўрта Осиёдан етишиб чиқиб, астрономия ва бошқа табиий фанлар тармақини юксак чўққига кўтарган улуг мутафаккирлар, олим муфассуллар орасида ўзбек халқининг геннал фарзанди Абурайхон Беруний энг фахрли ўринлардан бирини эгаллайди.

Беруний X—XI асрларнинг буюк астроном олими эди. У қадимги юнон ва ҳинд астрономиясини ижодий ривожлантирди, танқидий нуқтаи назардан қайта тадқиқ этди, жаҳон илм-фанини янги кашфиётлар, назариялар билан бойитди.

Берунийнинг Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ҳақидаги қарашлари, шунингдек, Қуёш апогейининг узоқлигини аниқлаш, осмон экваторига эклиптиканинг оғишини аниқлаш соҳасидаги назариялари ҳам жаҳон астрономияси тарихида улкан ўрин тутди.

Беруний ишлаб чиққан Ер кўраси ўлчамларини аниқлаш ҳамда географик узунлик ва кенгликларни аниқлашнинг оригинал методлари ўрта аср Шарқи астрономияси ва географиясига қўшилган буюк ҳисса бўлди.

Геннал мутафаккир Абурайхон Берунийнинг бой илмий меросини тадқиқ этиш ўрта Осиё халқлари ажодлари қолдирган маънавий хазинани ўрганиш, ўлаштиришда ҳам беқиёс аҳамиятга моликдир. Улуг инсон таваллудининг 999 йиллигига бағишланган «Беруний ва табиий фанлар» мавзусидаги илмий сессия Абурайхон Беруний даври мутафаккирлари меросини чуқур текшириш, тадқиқ қилиш ва оммалаштиришда олға қўйилган янги қадам бўлиши шубҳасиздир.

Физика-математика фанлари доктори **Галина МАТВИЕВСКАЯ:**

— ўрта асрларда юксак ривожланган астрономия фанининг талаб-эҳтиёжлари математиканинг тараққи этишида, хусусан, янги-янги ҳисоблаш методларининг тез сурутлар билан ишлаб чиқишида гоят муҳим омили бўлди. Абурайхон Беруний каби улуг зотларнинг бу фан равнақиға қўшган ҳиссалари айниқса эълоқлидир. Геннал олимнинг асарларида кўпинча астрономик муаммоларга боғлиқ ҳолда амалий ва назарий ҳаракатдаги математика масалалари келтирилиб, ажойиб тарзда ҳал этилганки, биз бундан у ҳар иккала фан ҳам



саларни кузатиш натижаларига хилоф эмас; осмон сферасини оғир жисм деб тасаввур этиш мумкин; Кўёшнинг эклиптикадаги ҳаракати тезлиги ўзгаришчан; осмоннинг ҳаракати Ернинг ҳаракатидан фарқ қилади, дейиш тўғри эмас; ҳаракатнинг мазмунини битта, фақат у ҳар хил кўринишга эга; осмон жисмлари фақат кўрра шаклида эмас, балки эллипсоидсимон бўлиши ҳам мумкин; оламда Ерга ўхшаган моддий дунёлар кўп. Демак, Берунийнинг фикрлари Птолемейнинг геоцентрик системаси доирадан чиққанига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Лекин Беруний Коперникнинг гелиоцентрик системаси даражасига кўтарилмаганлиги ҳам табиийдир. Чунки орада беш юз йиллик вақт масофаси бор эди.

Т. Г. Шевченко номидаги Душанба Давлат педагогика институтининг доценти, физико-математика фанлари кандидати **Гадейбой СОБИРОВ:**

— Абурайҳон Беруний Кўёш ва сайёралар ҳаракати назарияси бўйича ҳам ўз асарларида қимматли фикрлар баён қилган. Шу жиҳатдан олимнинг Кўёш ва сайёралар ҳаракатининг асосий масалаларига бағишланган «ат-Таҳфим» асари алоҳида эътиборга моликдир. Беруний бу асарда Кўёш ҳаракати таълимотини оддий эксцентр гипотезаси асосида шарҳлайди ва оғзаки қондасини беради. Олим асарда бу назариянинг эксцентр радиуси, масофанинг эксцентр узоқлиги, апогей узоқлиги, Кўёш йироқлиги, апогей масофаси, перигей масофаси, Кўёшнинг ўртача аномалияси, Ердан Кўёшгача бўлган масофа, «дастлабки тенглама», Кўёшнинг ўртача узоқлиги, Кўёшнинг ўртача кеча-кундузлик ҳаракати каби унсурлари устида батафсил тўхталади, оригинал қарашларини олға сурди. Бундан ташқари, Беруний сайёраларнинг геоцентрик ҳаракатини деферент, эксцентр, эквант ва эпцикллар орқали тушунтиради ҳамда улар воситасида сайёралар орбиталарининг элементларини аниқлайди. Шуниси диққатга сазовордирки, Беруний келтирган маълумотлар ҳозирги замон текширишлари натижаларидан деярли фарқ қилмайди.



Техника фанлари кандидати **Абдурашид АБДУРАЗЗОҚОВ:**

— Улуғ олимларимиздан Закарий ар-Розий, Абурайҳон Беруний, ибн Сино асарлари Урта Осиё шашасозлиги босиб ўтган узоқ ва машаққатли йўлни эритишда асосий манбалардандир. Айниқса, Берунийнинг «Минералогия» асари бу соҳага доир қимматли фикрларга бой. Буюк олимнинг илмий мулоҳазалари ҳозирги замон шиша ҳосил қилиш назариясига бутунлай мос келади. Бу нодир маълумотлар Урта Осиё ва дунёнинг бошқа территорияларида эрамиздан аввалги XIV асрдан бери қўлланиб келинмаётган ананани — икки босқичда шиша олиш усулини тўла ва ҳар тарафлама эритиб беради.

Бизда қарийб ўрганилмаган соҳа — Урта Осиёда кимё фани ва кимёвий билимлар тарихини тадқиқ этишда ҳам Беруний асарлари тенги йўқ манбалардир.



Физико-математика фанлари кандидати **Абдуманнон АБДУРАХМОНОВ:**

— Абурайҳон Беруний астрономия, математика ва астрономик асбоблар яшаш масалалари билан жуда ёшлигидан қизиққан. Беруний 18 ёшида, яъни 991 йили Хоразмнинг географик кенглигини аниқлаган. Уч йилдан сўнг, 21 ёшида, астрономик асбоб — квадрантни қўзғалмас қилиб ўрнатиш орқали унинг диаметрини орттириш, бу билан астрономик ўлчашларда катта аниқликка эришиш мумкин эканлигини айтган. 23-24 ёшларида эса астрономик асбоб яшаш бўйича ўзининг машҳур «Астурлоб яшашнинг мумкин бўлган барча усуллари» номли рисоласини ёзган.

Беруний бу асарда шимоллий ва жанубий астролбияларни, шимоллий ҳамда бошқа турдаги астролбияларни яшаш усулларини баён этган.

Беруний яратилган ҳар бир назариянинг амалиётга татбиқ этилиши лозимлигини ҳеч қачон унутмаган. Шу сабабли ҳам «Астурлоб яшашнинг мумкин бўлган барча усуллари» номли рисоласидан сўнг астролбиялардан астрономик ва математик масалаларни ҳал этишда фойдаланиш методларини кўрсатувчи «Астурлоб ҳақида рисола» номли асарини ёзган.

Яратган назариясининг амалиётга татбиқ этилиши ҳақида бош қотириш олимларнинг ижобий хислатидир. Геннал Бобокалонимиз Абурайҳон Беруний ана шундай донишманд эди.



Филология фанлари кандидати **Абдусодиқ ИРИСОВ:**

— Беруний таҳсинига сазовор бўлиш камдан-кам олимга насиб этган. Чунки буюк мутафаккир ўтмишда ва ўз даврида яшаган деярли барча йирик олимларнинг тадқиқотларига юксак талаб, фозт синчковлик билан қараган. Ўз асарларида улар ҳақида ҳолисона мулоҳазалар айтган.

Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (801—866) Беруний юксак қадрлаган улуғ олим, файласуф, ўз даврининг яқтоси эди. Ал-Киндий 270 дан орტიқ асар, жумладан, минералогияга оид китоб («Китоб ал-жавоҳир ва-ал-шобҳ») ҳам ёзган. Афсуски, бу асар кўҳна тарих элагидан ўтиб бизгача тўла ҳолда етиб келмаган.

Беруний «Минералогия»нинг кўпгина бобларида ал-Киндийнинг қимматли мулоҳазаларини келтиради, уларга таянади. Баъзи ўринларда олимнинг фикрига қўшилолмайди, одоб билан эътироз билдиради. Беруний ҳар хил маъданлар, уларнинг тавсифи, қиммати, ранги, топилиши, ишланиши, нуқсонлари ва уларни бартараф этиш усуллари ҳақида ал-Киндий айтган фикрларни бошқа олимларнинг мулоҳазалари билан таққослайди, сўнгра шулар асосида ўз хулосаларини баён этади. Олим шу тарихга кўпгина манбалардан фойдаланар экан, бошқалардан келтирилган кўчирмаларни ўз фикрларига аралаштириб юбормайди, асарлар ва уларнинг муаллифлари номини аниқ кўрсатади. Демак, олимнинг иш услуби мнг йиллардан кейин — ҳозир ҳам илгор илмий услублигича қолади.

Беруний «Минералогия»си орқали биз бугунги кунда ал-Киндийнинг йўқолиб кетган асарининг бир қисмини тиклаш имконига эгамиз. Бундан ташқари, Беруний асарлари шарофати билан узоқ ўтмишдаги кўпчилик атоқли олимлар эришган қимматли ютуқларни, ватандошларимизнинг жаҳон фанига қўшган ҳиссаларини аниқлашимиз мумкин.



Р. ЖУМАНИЕЗОВ фотоси

Тошкентнинг мовий гумбазлари.

**Т**ОШКЕНТ Кишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг партком хонасига кириб борганимда тўрдаги столда биров қандайдир ҳужжатларни варақлаб ўтирган экан. Чўзиқ юзли, бугдой ранг бу йигит, янгилиги учунми ёки менга шундай туюлдими, хонада бегона одамдай туюларди.

— Келинг,— дея ўрнидан турди. Бўйчанлиги энди яққол кўзга ташланиб, мен уни танигандай, аввал қаердадир кўргандай бўлдим.

Танишдик.  
— Соқижон Тожиев,— деди у.  
— Янглишмасам, аввал бош технолог ўринбосари эдингиз, шундайми?

— Ҳа,— деб кулимсиради,— энди кўриб турибсизки... Келинг, хизмат...

— Пахта териш машинасининг яратилиш тарихини биладиган ўртоқлар билан суҳбатлашмоқчи эдим.

— Жуда яхши,— деди у жонланиб,— бир «қўл-бола китоб»имиз бор. Заводимиз тарихини биладиган ишчилар ёзишган. Қидирган нарсангизнинг кўпи шунда.— Жавондан китоб олиб узатди.

— Бемалол кўраверинг, мен бир коммунистни суҳбатга қақирганман. Бизга ҳалақат бермайсиз.

Мен бир чеккага ўтиб, завод тарихини варақлашга киришдим. Бир пайт хонага секретарь чақирган одам кириб келди. Улар юзма-юз ўтириб, суҳбатлаша бошлади. Аввалига уларнинг гапига кулоқ солмасликка ҳаракат қилдим. Лекин бора-бора суҳбат бутун диққат-этиборимни жалб этди. Завод тарихи ҳам бир чеккада қолди. Кўзим китобдаю кулоғим уларнинг суҳбатида...

— Маҳмуджон, билишимча, сиз фарғоналик экансиз, шундайми?— деб сўради секретарь.

— Шундай,— деди кейин ерга қараганча бош қимирлатиб.

— Ҳарбий хизматдан кейин Тошкентда қолганмисиз?

— Ҳа,— деди йигит ер чизиб ўтирган кўйи.

— Мен сиздан анчадан бери бир гап сўрамоқчи эдим. Кўнглингизга оғир олмангу нега уйингизга қайтиб кетмаганингиз мени ажаблантиради.

Бу савол ўттизлардан ошиб-ошмаган йигитни хийла ҳаяжонга солди. Ҳали кафти билан стол устини сидирар, ҳали кўйлагининг тугмаларини ечиб-қадар, кўзларини четга олиб қочар эди. Ниҳоят, кулимсираб секретарга қаради.

— Очигини айтсам, Соқижон ака, мени бошқалардай борадиган ўз уйим, бошимни силайдиган ота-онам йўқ эди.— деди у кўзларини номаълум нуқтага тикиб.— Йўқ десам тўғри бўлмас, улар бор эди. Лекин менга кўлдан бегона бўлиб қо-

лишган эди. Бунинг учун уларни айблаёлмайман. Уларда айб йўқ. Уруш бизни айириб ташлаган. Ҳаммасига уруш сабаб...

У индамай қолди. Анчадан кейингина ўзини босиб олиб, яна оҳиста ҳикоя қилишга тушди.

— Кишлоғимиз Кўдон томонда. Уруш бошланганда икки яшар бола эканман. Дадам урушга кетгандан кейин орадан сал ўтмай ундан қора хат келибди. Қариндошлар билан фронтга хат ёзиб суриштиришлар беҳуда кетибди. Шундан кейин онам аза очиб, қора кийибди. Ҳамма расм-русумларни қилибдию кейин аёл боши билан оилани тебратта олмай қийналиб қолибди. Одамлар ўртага тушиб, ҳовлини сотиб бошқа уй-жой қилишни маслаҳат беришибди. У бунга кўнмай юриб-юриб охири мажбур бўлди. Мени кўзонлик бир одамга ўғилликка бериб, ўзи уй-жой қилиб кетди. Орадан уч-тўрт йил ўтиб, анча бегоналашиб қолди. Лекин мактабга борадиган йилим кутилмаган воқеа юз берди. Отамни бир ҳарбий киши сўроқлаб келиб қолди. У ўзини танитдию кучоқлашиб кўришди. Отам у кишини уйга олиб кириб меҳмон қилди. Охири мени қақириб, қучоғига олиб пешонамдан ўпди.

— Маҳмуд, мана шу одам сенинг асл дадан бўлади. У ўққа учмаган экан, сенинг бахтинга омон қайтибди. Бор, ўғлим, дадан билан кўриш,— дедию четга қараб энгини кўзларига босди.

Шу кунни дадам мени ўз кишлоғимизга олиб кетди. Бир йилча ижарада турдик. Кейин дадам ўз ҳовлимизни қайтариб сотиб олди. Ота-бола иноқ яшардик. У менга жуда меҳрибон эди. Лекин тенгқурнинг қистови билан икки болали бир бевага уйлангач, уйдан кетишга мажбур бўлдим. Аввалига ўқиндим. Кейинроқ бу нарсаларнинг ҳаммасига уруш сабабчи эканини тушундим. Саккиз йил ҳар хил хизматлар қилиб юрдим. Армия сафига қақирилишим мен учун катта воқеа бўлди. Армияда одам танидим. Оламда яхши одамлар кўпчилигини, улар ҳалол меҳнати билан бахт топаётганини билдим. Улар билан бирга бўлсам кам бўлмаслигимни англаб етдим. Тошкентда қолиб ишга кирганим шундан.

— Тўғри бизнинг заводга келганмисиз?— деб сўради секретарь ишчи ҳикоясининг узилиб қолишидан чўчигандай.

— Йўқ, Бешёғочдаги Кўн-галантерея фабрикасига кирган эдим. Картон қирқадиған дастгоҳда ишлардим. Бир йилча ишлаб зериқдим. Жуда энгил юмуш эди, бирор арзигулик, мураккаброқ иш қилсам, ҳар ким ҳам урдасидан чиқавермайдиган ишда ишласам, дердим.

Мени бу ерга Адҳам ака Қосимов олиб келган. Сиз танийсиз, ишчидан чиққан цех бошлиғи-чи, ўша киши...

Партком секретари бош ирғади.

— У вақтда кечки мактабда бирга ўқирдик. Шу одам менга устозлик қилиб, йўл кўрсатди. Иш ўргатди. Кўп яхшиликлар қилди. Ишчи қанақа бўлиши кераклигини мен шу одамдан ўргандим. Унга эргашиб кам бўлмадим. Уч йилга қолмай биргадирликка кўтаришди. Партия сафига ўтдим. Ҳамма участкалар, бутун корхона бир мезёрда ишлаши учун қолоқ бригадаларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги ташаббусимиз заводга ёйилди. Газеталарда мактаб ёзишди. Кейин мени шаҳар Советига депутатликка сайлашди. Аввалги йилги меҳнат унвондорлигини кўтариш мусобақасида яхши натижага эришганим учун Республика Касаба союзулари советининг «Шон-шўхрат китоби»га номини ёзишди. «Хурмат Белгиси» ордени билан мукофотландим. Ишчи бўлиб обрў топсам топдимки, кам бўлмадим.

— Йил бошларнда сиз ҳақингизда «Правда» газетасида ўқиган эдим.

— Ҳа, шундай бўлувди...

— Айтмоқчи, кўп газеталарда Мўйдинов деган фамилияни учратиб тураман, газетачилардан адашингиз борми ё ўзингизмисиз?— деб сўради секретарь.

— Узим, қатнашиб тураман.

— Яхши, жуда яхши!— Партком секретари хурсанд бўлиб кетди.— Завод ҳаётини сиз билан биздан яхшироқ биладиган одам борми? Мен бурноғи йили «Известия»да чиққан мақолангизни ўқиб хурсанд бўлган эдим, жуда ўринли тақлифларни айтгансиз. Айтмоқчи, ўша тақлифларнинг амалга ошиши қандай бўлди!

Маҳмуд жонланиб кетди:

— Бригадамиз ўшанда бир янгиликни ўртага

# ҚАДР



С. БЕЗНОСОВ фотоси

Маҳмуд Мўйдинов қизин Лола билан.



М. И. КАЛИНИН ва Й. ОХУНБОБОВ ҚЎШЧИЛАР ОРАСИДА.

Рассом А. ЦИГЛИНЦЕВнинг Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбоевга бағишланган туркумидан.

Й. ОХУНБОБОВ БОЛАЛАР БИЛАН.





ДЎСТЛИГИМИЗ ЯШНАСИН!



Ўзбекистон халқ рассоми Н. КАШИНА. ОНА.

ташлаган эди. Узингиз биласиз, заводимиз ўтган беш йилликда ҳар йили 8 мингдан машина чиқарди. Ҳозир конвейердан 11 мингдан ортиқ машина тушмоқда. Заводнинг ҳамма цех ва участкалари бир меъёрга ишлайдиган бўлгандан кейин ишлаб чиқарилган машиналар миқдори шунча кўпайди. Илгари бир цех ўзиб кетар, бошқаси ишчи етишмасдан оқсаб қолар эди. Натижада арзимас деталлар етмай, қанчадан қанча машиналар конвейерда тўхтаб турарди. Шундай экан, деталларни тайёрлашдан нима фойда? Ишлатилмаса, ҳузурини омбор кўрса. Ҳаммасидан тенг миқдорда тайёрлаш керак эмасми? Токи машина конвейерда туриб қолмасин! Биз шу масалани ўртага ташлаган эдик. Узимиз эса графикни бажариб қўйиб, қолган вақтда иш кучи етишмаётган участкаларга ўтиб ишлашни бошлаб бердик. Қўшимча касбларни ўргандик. Янгиликнинг бошланishi шундай бўлган эди. Ҳозир бу нарса заводда одат тусига кириб кетди. Бирор участкада кимдир касал бўлиб келмай қолса, уша заҳоти унинг станогини бошқа одам юргизавереди. Уша мақоладан кейин ўтган бир ярим йил ичида кўп ўзгаришлар бўлди. Контактли пайвандлаш машиналари ўрнатилди. Ҳозир биз илгаригидан олти баравар кўп маҳсулот тайёрлаб беряпмиз. Унмудор машинага кўчгандан кейин нормани ҳам қайта кўриб чиқдик. Бизга жуда кўп бригадалар эргашиди.

— Хабарим бор,— деди секретарь.— Шу икки йилда ўн мингга яқин янги нормани жорий қилди. Энг муҳими вақтдан ютяпмиз. Салкам икки йилда ўрта ҳисобда пахта териш машинаси ишлаб чиқаришга кетадиган вақт юз соатга қисқарибди. Бошқача айтганда, ҳар бир машинанинг дунёга келишини тўрт кун тезлаштирибмиз.

— Мана бунини ташаббуснинг шарбати деса бўлади!— Секретарь тўлкинланиб кетди:— Маҳмуджон, бир таълиф бор. Шу «Известия»да чиққан мақоладан кейин қилган ишларингиз юзасидан партком бюросида ҳисоб бермайсизми? Анча-мунча яхши ишлар қилинган экан.

— Бюрода кўришга арзирмикан? — Арзийди, ука. Бир ишчи коммунист сифатида қилаётган ишларингизни кўпчиликка ибрат қилса арзийди,— секретарь яқин келиб унинг елкасига қўлини қўйди.— Тайёргарлик кўраверинг, бюро қачон бўлишини айтмасиз.

Партком секретари хайрлашмоқчи бўлиб турди-да, яна ниманидир эслаб:

— Айтмоқчи, чол-кампирлар омонми, хабар олиб турибсизми?— деди.

— Қўлдан келганча.— Ингит энди ерга қараб олди.— Менинг уллардан гинам йўқ. Тўйимизга чақирган эдик, келишди. Шундан бери ҳар йили келиндингиз билан отпусқада йўқлаб борамиз. Улар ҳам ҳар йили уч-тўрт келиб кетишади.

У хайрлашиб чиқиб кетди.

Икки йил муқаддам «Известия» газетасида Маҳмуд Мўйдиновнинг «Яна олга боришимиз керак» сарлавҳали мақоласи босилган эди. Мақолада илгор ишчи социалистик мусобақани янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш учун нималарга амал қилиш кераклиги ҳақида фикр юритган эди. Яқинда «Известия» газетаси яна шу ишчига минбар берди. М. Мўйдинов ўша пайтдаги аҳвол билан ҳозирги вазиятни қиёслаб, беш йилликнинг дастлабки икки йили ичида эришилган ютуқлар ҳақида ҳисоя қилиб берган. У пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган вақтнинг қисқарганлиги, ташаббускор ишчилар сафи тобора кенгаётганлиги, заводда СССР ташиқ этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб зарбдор ўн кунликлар эълон қилинганлиги, меҳнатни механизациялаштиришни мукамал йўлга қўйиш, ичкиликбозликка қарши кураш ҳақида мулоҳаза юритган.

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон—Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Рашидов ишчи М. Мўйдинов мақоласини шарҳлаб бундай дейди:

— Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети КПСС аъзоси, Тошкент Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг слесари, Тошкент шаҳар Советининг депутаты М. Мўйдиновнинг ижтимоий-сийсий ва меҳнат ташаббусини қизгин маъқуллади ҳамда завод партия комитети, шунингдек, Тошкент шаҳар партия комитети унинг тажрибасини ўз вақтида умумлаштирган деб таъкидлайди...

Бу ишонч меҳнатда қадр топган ишчи инсонга яна янги қанот бағишласа ажаб эмас.

Муроджон МАНСУРОВ

«Дўстлигимиз яшнайверсин!» плакатини рассом Д. МАХОТИН чизган.

# Кўёш Кўчашимаси

Достон

Расмларни П. ВОРОНКИН чизган

Шеър аҳли турмуши туйғу экан,  
Туйғу шу оламга бир кўзгу экан...  
Кўзгудек мовий, мусаффо бир саҳар  
Мен гўзал Болкон сари қилдим сафар,  
Неча дўсту ошно ҳажро эди,  
Ҳамроҳим бир шоири ҳассос эди.  
Бор эди кўнглимда бир шайдо ҳавас,  
Ҳар тараф боққанда бир пайдо ҳавас.  
Бир аломат тонг эди, олам ёруғ,  
Дил тўла оҳанг эди, олам ёруғ.  
Ғунчалар яшнар, уфқлар соф эди,  
Шуълалар шаффоф эди, шаффоф эди.  
Термулардик биз уфқлар ортига,  
Ўша кўк денгиз — уфқлар ортига.  
Термулардик... Унда бир асрор эди,  
Унда бир сеҳри-синдоат бор эди.  
Бор эди унда назардин яширин  
Бир диёр жондан ширин, жондан ширин...  
Иштиёқ чорларди бизни ул сари,  
Ул сари, ораста ул манзил сари.  
Шул сабабдин бошимизда бир ҳаво,  
Шул сабабдин кўнглимизда бир наво.  
Ҳам ҳаёллардан ҳаёл пайдо эди,  
Ҳам саволлардан савол пайдо эди.  
Мавжларан эрди тасаввур чашмаси,  
Нурли ешликнинг зиллол, нур чашмаси.  
Акс этарди унда ёрқин лавҳалар,  
Ялт этиб ҳондига олтин лавҳалар.  
Уйлашардик, ул диёр тупроғи не?  
Ул диёр тупроғи не, япроғи не?  
Не чечаклардан чамандир равзаси?  
Не чаманларга ватандир ҳавзаси?  
Богнда бордир нечук раёнлари?

Ҳам нечук бордир кўзи шаҳлолари?  
Не аломат пардаларда сози бор?  
Созининг қандай баҳору ёзи бор?  
Субҳи мармар, дейдилар, мармармикан?  
Шоми анбар, дейдилар, анбармикан?  
Бошида тоғлар буюк посбон эмиш,  
Пойида сўнгсиз улуг уммон эмиш.  
Чайқалармиш у фалак авжига то  
Мавжига тоғлар берармиш минг садо.  
Кечалар ой шуъласи дарё эмиш,  
Юлдузи шаҳло эмиш, шаҳло эмиш.  
Ой кулиб, юлдузини ёндирган кеча  
Айланарди, зериларди ҳар замон  
Бағримизда бир калом: Булғория!  
Бир меҳр, бир эҳтиром: Булғория!  
Гоҳи елдик, гоҳи парвоз айладик,  
Куйлашиб, сози устига сози айладик.  
Гарчи шу олам буюк, олам буюк,  
Шу буюк олам аро одам буюк.  
Қайсиким, ул ўзини сайёх айласа,  
Элма-эл сайр этса, идрок айласа,  
Кўзни тўлдирса уфқлар рангига,  
Дилни тўлдирса жаҳон оҳангига,  
Қонига шу мулки олам чиппа-чин  
Қатра-қатра нур бўлиб кирмоғи чин.  
Бир омон бўлсақ, кезармиз галмз-гал  
Шу мунаввар мулки борлиқни тугал.  
Лекин ҳозирча калом: Булғория!  
Қалбимиз ичра мудома: Булғория!  
Бизни бошлаб кетди олтин кун яна,  
Орта қолди Сайхуну Жайхун яна.  
Орта қолди ўлкамиз мавзолари,  
Қалбидек улкан қозоқ сакролари.  
Орта қолди Волга — тошқин наҳрими,  
Москва — кўзларга ёлқин шаҳрими.  
Денгиз, дарёси, тоғи, арчаси,  
Орта қолди, орта қолди барчаси.  
Сўнги сарҳаддан ўтар чоғимда ман  
Қайрилиб боқдим: саломат бўл, Ватан!  
Мен сари ул ҳам боқарди термулиб,  
Мухташам, мовий уфқни тўлдириб...  
Воҳки, бу не ҳолу не ҳолат менга?  
Ҳайф эмасми бу сари — савлат менга!  
Кулди бир ўртоқ кўзимда нам кўриб,  
Кипригимда қатраи шабнам кўриб.  
Кулди, лекин бўлди бардоши одош,  
Кулгучи кўзларга, кўрдим, тўлди ёш...

2

Кўзгудек мовий, мусаффо субҳидам  
Мен гўзал Болкон сари қўйдим қадам.  
Ям-яшил тоғлар аро гулдан диёр...  
Бир қарашда бойлади кўнглимга тор...  
Гул каби яшноқ экан, яшноқ экан,  
Кийгани япроқ экан, япроқ экан.  
Термулиб қолдик ажаб сиймосига,  
Не чаманларнинг чаман анвосига.  
Кўк — сеҳрли, сирли бир чодир экан,  
Сочгани ёғду экан, ёлғир экан...  
Боглари дилкаш экан, дилкаш экан,



Занги тоғлар бўйига чирмаш экан,  
Тоғлари ҳайбатли, зил-залвор экан,  
Қоялар — тоғларга чўккан нор экан,  
Сабза тоғлардан учаркан шўх сабо,  
Кўк булоқлардан учаркан шўх садо.  
Сирғалиб ўйнар экан осмонда нур,  
Ел билан куйлар экан бўстонда нур.  
Жилдираб ҳар ёнда шўх кўзгу оқар,  
Турфа кушлар базмидан ҳўв-ҳўв оқар.  
Ҳар қадамда дам табассум, дам ҳаёл,  
Ҳар қадамда ҳам табассум, ҳам ҳаёл.  
Чўққилар узра зилолий ранг экан,  
Енбағирларда ашил оҳанг экан...  
Сабза боғлар кўйида томлар қизил,  
Лоладан тутган қадаҳ-жомлар қизил.  
Ҳар қадамда бир фусун — Булғория...  
Ҳам яшил, ҳам лолагун — Булғория...  
Тоғ аро мардона йўл — Булғория,  
Дўстни ардоқловчи қўл — Булғория.  
Шарқироқ, мовий Дунай — Булғория,  
Аллаловчи, тотли май — Булғория.  
Хушавозе, хушалоом — Булғория,  
Ассалом, Булғория, Булғория.  
Хуш кўриб бағрингга олдинг онадек,  
Талпиниб меҳрингга биз парвонадек,  
Чарх уриб, кездик диёринг қанчалар,  
Гул узиб, ўлдик гулингга фўнчалар...  
Ғохи Руседа бўлиб сайрона биз,  
Ғоҳ Пловдивга бўлиб ҳайрона биз,  
Ғоҳи Бургасда сафолар айлади,  
Ғоҳи Добружда наволар сайлади.  
Ғоҳ София бўлди манзил жойимиз,  
Ул гўзал пойтахтга етди юйимиз.  
Нуридан кўзаларни айлаб кириб,  
Биз Димитров мақбарин қилдик тавоф.  
Варнага кўндик йўловчи куш бўлиб,  
Кўркига боқдик тамоом сарҳуш бўлиб.  
Бепоев денгиз уриб тўлқин яна,  
Кўксимизга отди нур-ёлқин яна.  
Кўп азиз Хасковнинг нону тузи,  
Ҳар нафас такор экан «Тошкент» сўзи.  
Пахтакорлар ўлкаси — Ямбол экан,  
Анджон, деб айтса, тиллар бол экан.  
Гўзалар яшнаб, ҳаёли маст этар  
Узбеги булғор дилин пайваст этар...  
Барчаси дилбар, сулув, барно тамоом,

Олди гул сабру қарорини менинг,  
Аста-аста ихтиёрини менинг.  
Қайбирдан мен садолар тингладим,  
Қайбирдан мен индолар тингладим.  
Қайбирдан тушди шу жонимга ўт,  
Қайбирдан тушди достонимга ўт.  
Мен нечук бовар этай, бовар этай,  
Бовар этмасдан иложини йўқ, нетай.  
Бор кўкатларнинг ҳалолли, поки-гул,  
Ғоҳида номсиз шаҳидлар хоки—гул.  
Гул — шаҳидлар қони, ёлғон сўзламас,  
Сўзламас ёлғону ёлғон бўзламас.  
Тингладим... аммоки, бир-бир ёзган  
Сўз қани оташли, оташ сўз қани?  
Мен нечук тадбир этай, тадбир этай,  
Неча бир дил розини тасвир этай!...



### 3

Шуъладек шаффоф булутлар остида,  
Ям-яшил, юксак Витоша устида  
Бир хиёбон бор, фусункор каштадек,  
Айланиб кездим уни сарғаштадек...  
Ҳар тараф осуда бир тилсини эди,  
Билмадим, бир пайт нафас ёнимга ким деди:  
«Тўхтагил, ҳой, бир нафас ёнимга тур...»  
Орақиб тушди кўнгли: ким булди бул!  
Елми сарғашта, ҳаёлининг мавжии ёт  
Бир маҳал боқсам, шивирлаб бир гийҳ:  
— Боқма қондошингга сен ҳайрон бўлиб,  
Боқса тупроқдан сенга райҳон бўлиб...  
Учди бошимдан куюнден бир ҳаёл,  
Лол бўлиб қолдим: не ҳолдир бу, не ҳол!  
Сўйлади райҳон яна гулхонадан:  
— Мен ҳам ўзбекман, ўшал Фарғонадан,  
Ғарчи тупроқман бутун майдон аро,  
Улғайиб, ўсган эдим бўстон аро...  
Эл, чинор, дерди суйиб қоматларим,  
Безавол, дерди кўриб омадларим.  
Бошда сочим тижаро тўлқин эди,  
Кўзларимда бир ажиб ёлқин эди.  
Эркаларди орзуу армон мени,  
Жангга солди, лек, буюк даврон мени.  
Хотирамда у аросат, ўтли тун,  
Не аросат, ер оловли, кўк тутун!..  
Ҳайқириб, то субҳи шом жанг айлади,  
Ёв билан уч кун давом жанг айлади.  
Тирқираб қочди кўриб ёв танқимиз,  
Воҳки, бир пайт ёнди лов-лов танқимиз.  
Чирмашиб ўт, кийди дунёмиз қаро,  
Кул бўлиб қолдик буюк майдон аро...  
Сочилибман кул бўлиб, тупроқ бўлиб,  
Очилибман, гул бўлиб, япроқ бўлиб.  
Сенки, қондошсан, мени кўчингга ол,  
Ол мени кўксингга-ю кўйингга сол.  
То етишсин менга бўстондан нафас,  
Менга бўстон Ўзбекистондан нафас.  
Битта япроғини гулбоғимга элт,  
Унга етказгил умидимдан умид!..  
Сўйлади гул, гул тўла титроқ эди,  
Сўйладим, кўнгли тўла титроқ эди,  
— Шон-шараф бўйсин, фидоий жон, сенга,  
— Ҳам мубораж шу буюк майдон сенга..  
Қайси тил бирлан тасалло айтйини,  
Нақди умрингга тасанно айтйини?  
Сенки қардошликка жон бердинг ҳалол,  
Безаволсан, безаволсан, безавол!..  
Сўнгра йўл олдим туриб, бошим куй,  
Кўзларимдан тирқираб ёшим куйи...



Барчаси дилқош, гўзал, олиймақом.  
Термулардим... бир ажиб аҳвол эди,  
Шу ёниқ жонимда ўзга ҳол эди.  
Ё ажаб, дердим, кўриб ҳар ёнда гул,  
Ё ажабким, ерда гул, осмонда гул.  
Гул эди, гулдан эшик, остона ҳам,  
Гул эди вайрона ҳам, кошона ҳам.  
Гул ўсарди боғ аро, бўстон аро,  
Гул куларди мунгли қабрисшон аро...  
Термулардим... бир ажиб аҳвол эди,  
Шу ёниқ жонимда ўзга ҳол эди.  
Яқинларди лаҳча ўтдек гунчалар,  
Муниларди кўзларга оташ, мунчалар!

### 4

Воҳ, бу Болқон!.. Минглашиб тош узра тош.  
Чўққилар нақ ургудек юлдузга бош...  
Чўққиларда жуфт бўлиб жайрон кезар,  
Дев булутлар судралиб, сарсон кезар.  
Шилқада этдик шаҳидлар ёдини,  
Тингладик кечмиш замон фарёдини...  
Поя-поя йўл босиб, индик куйи,  
Қоя-қоя йўл босиб, индик куйи,  
Бир маҳал қаршимда лов-лов лолагул!  
Сирли бир гулхан каби... тортди кўнгли.  
Лолалар кўйинида мармар тош экан,  
Лавҳа ҳам бор: «Турдиев Рустам» деган.  
Оҳ уриб, қолдим ҳаёлар кўйинида.  
Сел бўлиб оқдим саволлар кўйинида.  
Энгашиб уздим оловдек лоладан,  
Тошга чирмашган оловдек ноладан.  
Учди елдек бир садо, эврилди у:  
— Эй ниғонинг — сабза райҳонимга сув,  
Эйки, оҳинг лола япроғимга ранг,  
Бунда ётмиш бир самарқандий оғанг!..  
Ешлигим гул очди тоғлар кўйинида,  
Яшнаган, феруза боғлар кўйинида.  
Эсаддир у порлаган юлдузларим,  
От суриб Ургутда юрган кезларим.  
Эсаддир дўстлар, ёронлар, нечалар,  
Ёр билан ойинида юрган кечалар...  
Ногаҳон тушди йўлим майдон сари,  
Сўнг шу майдон орқали Болқон сари.  
Шу баланд тоғлар оша жанг кетди, жанг,  
Чўққиларга чирмаш жанг кетди, жанг.  
Ёвга ўт ёғдирди бизнинг замбарак,  
Ёв ҳушин оғдирди бизнинг замбарак.  
Билмадим, у қайси фурсат, қай замон,  
Ёв ўқи чок этди бағрим беомон.  
Кийналиб чиқди ширин жоним менинг,  
Қояларга оқди кўп қоним менинг...  
Энгашиб бошимга бўлди соябон,  
Шу баланд тоғлар, шу юксак осмон.  
Қолди қабрим, қолди армону алам:  
Гулдиёрим, гулнигорим, уч болам!..  
Сенки, жондошсан, менинг додимга ет,  
Битта япроғини гулбоғимга элт.  
То етишсин унга бўстондан нафас,  
Унга бўстон Ўзбекистондан нафас.  
То гулим яшнаб очилгай янгидан,  
Ҳидлари ҳар ён сочилгай янгидан...  
Лола роз айтарди, бағри доғ эди,  
Лоладек кўнглим тўла титроқ эди.  
Титрабон айтдимки:

— Олқиш, шон сенга,  
Кекса Болқон — мангу бир кўрғон сенга.  
Сенки қардошликка жон этдинг нисор,  
Пойндорсан, пойндорсан, пойндор!..  
Сўнги бор боқдим... — Омон бўл!  
— Алвидо!

Қояларга чирмашиб қолди садо...



### 5

Ел сочиб анбар, Қазанлиқдан эсар,  
Раста-раста оқ атиргуллар ўсар.  
Бунда гул майдонга гул майдон туташ,  
Сўнгра ул майдонга ул осмон туташ.  
Ғоҳида бир «ҳўв» дея эсан шамол  
Чайқатар гул мавжини денгиз мисол.  
Ястаниб ётдим чаман гул остида,  
Чилчарок, ораста қандил остида



Томди юзга «чака» этиб гул шабнам,  
Оҳ, дедим, бу балки бир дил шабнам.  
Оҳ чекиб, тебранди гул, тебранди гул,  
Рози дил айтиб бошимда ёнди гул.  
Гул ёниб бошимда айтди:

— Ҳой жигари!

Кўзга иссиқсан, бухориёнсан магар...  
Чор минор ортида боғим бор эди,  
Кечалар ёнган чироғим бор эди.  
Бор эди уйимда посбоним онам,  
Не онам, жоним онам, жоним онам!..  
Не йигитликдирки, ул майдон аро  
Оналар деб эмас жонин фидо!..  
Хўрлатиб қўймас йигитлар онани,  
Йигитлик қўймас яна жононани.  
Оналарни шум фашист хор айлади,  
Хор этиб, ҳар ерда абгор айлади.  
Жаври бедод этди кун-кундан ёмон,  
Не қабоҳат бор яна бундан ёмон!  
Не қабоҳат манзара кўрдим у кун,  
Ёв келарди телба итдек, оғзи хун.  
Оналарни найзага пешов қилиб,  
Мол каби ҳайдаб, суриб, қистов қилиб.  
Етмади мақсадга у мардлик билан,  
Энди отсам, дейди номардлик билан.  
Бош эгиб, маънос келарди оналар,  
Хаста булғор оналар — гирёнлар.  
Тепкилаб душман, уриб ҳайдарди бот,  
Хун бўлиб боқдим ва мен кўрдим қушод,  
Бор эди олдинда гирёним онам,  
Не онам, жоним онам, жоним онам!..  
Борми тоқат! Биз отилдик ўт бўлиб,  
Қарға-қузғунларга нақ бургут бўлиб.  
Етди найзам ёвга... етдим жонига,  
Неча бир манфури қордим қонига.  
Найза санчиб, бермадим мен ёвга гал,  
Воҳ, ўзим... беҳуш йиқилдим бир маҳал.  
Қанча фурсат ўтди, билмам, бир замон  
Ерда қон кўрдим, яна кўксимда қон...  
Ултнрар бошимда гирёним онам,  
Не онам, жоним онам, жоним онам!..  
Кучди бошим, сўйлади булғорчалаб,  
«Рози бўл, она!» дедим ҳижолаб...  
Боғгузарда бир яшил дарвоза бор,  
Шаҳраро гул нақшдан овоза бор.  
Бор унинг пештоқида бир донза бэйт,  
Қоқ ўша дарвозани, исмимини айт...  
Исми айтиб, бер гулим жононга,  
Олмасе, кўйигил ўшал остонага...  
Ғунча роз айтарди, бағри қон эди,  
Ғунчадек бағрим тўла афгон эди.  
Оҳ уриб айтдимки:

— Олқиш, шон сенга,

Шу Қазанлик — раъзи-бўстон сенга,  
Сен нисор этдинг шу қардошликка жон,  
Беҳазонсан, беҳазонсан, беҳазон!..

## 6

Варнадан бир пас юриб, кўйсанг одим,  
Бор Несебр шаҳри — кўргони қадим.  
Пойида феруза денгиз чайқалар,  
Термулиб боққанга тенгис чайқалар...  
Боғчалар тўлимиш ажиб шов-шув билан,  
Турфа қушлар назмаси, қий-қув билан.  
Наргизистонларда кездим уззу кун,  
Уззу кун янграб қулоқда сирли ун...  
Сирли бир ун... Ел чекари, қуш чекар!  
Пайқадим, бир наргизи сархуш чекар.  
Қошига бордим... кўриб ёлғиз мени,  
Кўмди анбар атрига наргиз мени.  
Айтдиким:

— Кўрдим йироқдан келганинг,  
Бир инингман, хоразмлик бир ининг...  
Бўлма ҳайрон, ўтса ҳамки кўп замон,

Авжи ўн тўққиздадир ёшим ҳамон...  
Авжи ўн тўққиз!.. Мухаббат ёши у,  
Қайга борса, севгининг йўлдоши ул!  
Қайга борса, дил бериб дилхоҳ бўлар,  
Қайга борса, севгиси ҳамроҳ бўлар.  
Унга жанг, қиргин-қабоҳот чоғи ҳам  
Севги ҳамдам, балки ҳамдамдир санам...  
Менга Лиляна гўзал ҳамроҳ эди,  
Кўзлари жон олғучи, шахло эди.  
Бўйлари ҳам бор эди самбит мисол,  
Лаъли узра нуқтадек бир донза ош...  
Ёндирарди лаъли гулранг оташи,  
Не писанд майдон аро жанг оташи!  
Биз севардик, йўқ эди севгида айб,  
Биз ёндардик, йўқ эди орзуда айб,  
Биз кулардик, йўқ эди кулгада айб,  
Рашк этардик, йўқ эди туйғуда айб...  
Ўт ёнар, ўт жанг аро майдонда ҳам,  
Ўт ёнар, ўт ишқимиздан қонда ҳам...  
Жанг қиларди тек туриб бизнинг десант,  
Йўқ эди майдон писанд, душман писанд.  
Партизанлар ҳамдаму ҳамдаст эди,  
Бор эди Лиляна, менга бас эди...  
Мен ва Лиляна қоронғу бир кеча  
Ёв қароргоҳини айландик пича.  
«Кут, дедим, кетдим эмаклик илгари,  
Машҳуми муҳдиш эди жимлик сирин...  
Воҳки, бир пайт кўлди ортимдан сурон,  
Англадим: аҳвол ёмон, аҳвол ёмон!..  
Қичқирарди қиз... отилдим қиз сари,  
Ҳар тарафдан нур отилди биз сари.



Сўнгра ўқлар ёғди селдай... телба ёв —  
Ишқимизни қилди шу майдонда «ов»...  
Мен чопардим қизга, ул ҳам мен томон,  
Қиз чопарди менга, мен ҳам ул томон.  
Неча бор бизни қўлатди нур, олов,  
Неча бор зулматга отди нур, олов.

Лек, гўзал орзу амалга ошмади,  
Жон берадда жонга жон чирмашмади,  
Сўнги бор кўрдим, нигорим жон узиб,  
Қадди ёй, бўзлар йироқдан қўл чўзиб...  
Бир қоронғу жарга сўнг учди танам,  
Сўнди дунё, сўнди ул Лиляна ҳам!..  
Огадирсан, огадек чўзгил қўлинг,  
Кўҳна Урганча агар тушса йўлинг,  
Унда детдом бор, қадрдон ҳовлида  
Шоҳ ёйиб, бир туп гужум ўсган жуда...  
Йиғлама, қўй, беҳуда ёшининг қўй,  
Ул дарахтга сен бориб бошининг қўй.  
Бош қўйиб бир зум, менинг номинини тут,  
Узлингини тарк этиб, бир дам унут.  
Тинглагайсан бир кўнглининг зорини,  
Ешлигимнинг орзулар изҳорини...  
Вой, яна ҳасратга тўлдим, вой-вой,  
Бошига унсиз эгилдим, вой-вой!

— Қайси тил билан сенга таскин этай,  
Қайси дил билан яна таҳсин этай.  
Сенга олқиш, сенга шухрат, шон сенга,  
Мангу посбон шу буюк уммон сенга.  
Сенки, қардошликка жон этдинг фидо,  
Улмагансан, бўлмагай умринг адо!..

Кекса Болқон устидан мен ҳар маҳал  
Ҳар тарафга кўз суниб, солсам назар,  
Ястаниб яшнар гўзал булғор ери,  
Бахтли булғор қалқининг гулзор ери.  
Ел қулоқча келтирар минг бир садо,  
Не садолар ичра шундай бир садо:  
— Бунда ётмиш бир ватандошинг,

болам!..

— Шундадир, о, бир шаҳид бошинг,

болам!..

— Битта элдошинг, бу ерда,

бундадир!..

— Битта дилдошинг бу ерда,

бундадир!..


Ҳар тарафдан Ўзбекистон унлари,  
Ҳар тарафда Ўзбекистон гуллари —  
Гурқираб гулшан бўлиб, гулшан бўлиб,  
Турфа гуллар бандига пайванд бўлиб,  
Неча кўрдим яшаган бўстон аро,  
То абад меҳрини туртарман жон аро!..  
Йўқ, фақат ўзбек эмас, рус гуллари,  
Хур Ватаннинг турфа юлдаш гуллари  
Гурқираб гулшан бўлиб, гулшан бўлиб,  
Нурли булғор боғига фарзанд бўлиб,  
Ҳар қадамда ошно рус қўшини,  
Ога рус, деб ярқираб гуллар чўғи.  
Ога рус деб ҳар замон кўзларда нур,  
Рус деса дилларда бир баҳар сурур.  
Не табаррук лавҳаларда оти бор,  
Не буюк шукроналарда ёди бор.  
Қаълалар сўйлайди русининг шонини,  
Қоялар сўйлар унинг дostonни.  
Асрагайман меҳри-ёдин жон қадар,  
Ифтихорим шу буюк осмон қадр!..  
Эй гўзал Булғория, Булғория,  
Мангу оташ бир газал, Булғория.  
Сен-ку қардошликка мангу ташнасан,  
Чашмасан, порлоқ қувиға чашмасан!  
Чашмасан, теграгда шу гуллар ўсар,  
Нур зилолингни қунонлардан тўсар.  
Мажр уриб оқ, уриб боқини бўл мудом  
Базморо дўстларга соқий бўл мудом!..  
Кўкча ҳамсоя шу Болқон устидан,  
Тикланиб, боқсам қўшининг остидан,  
Йўқ, фақат булғор эмас, ё бошқалар  
Волгадан то Эльба дарёси қадр  
Не шаҳидлар қонидан гулзор бўлиб,  
Барқ урар беш қирра юлдаш гуллари,  
Не улуг майдонда сўнгсиз гуллари!  
Ҳар қадамда бор қўшдан чашмалар,  
Сипқорур ҳар дам қўшни ташналар...

## 8

Нурли Болқон кўркига мафтун бўлиб,  
Мен Бухорога, мана, қайтдим тўлиб.  
Давраларда не фасона сўйладим,  
Не фасона ёна-ёна сўйладим.  
Сўйладим кўрганларим азлосидан,  
Не чаманларнинг чаман азлосидан...  
Чарх уриб бошимда эврилди хаёл,  
Келди қошимга яна жаннатмисол,  
Ой диёр, офтоб макон Булғория,  
Жонажон, Булғория, Булғория,  
Тутмади ўзини дариг мен, ташнадан,  
Тўлдириб тутди қўйшли чашмадан;  
Сехридан бу сўнги жом бўлди менга,  
Сўнги жом, сўнги павём бўлди менга.  
Воҳ, зилоли нурин чил-чил синдириб,  
Ёнди бирпас кўзларимни тиндириб.  
Жомидан жонимга сипқордим сафо,  
Жомидан жонимга чирмашди садо!..

1972 йил, август





ҒАЙРАТИЙ

## Халқим

Ўз Бахтини топган азамат,  
Меҳнатсевар мардона халқим,  
Сенга бўлган теран муҳаббат  
Таронасин куйлашдир ҳаққим.

Иқболингни қолқасин очиб,  
Ҳар тонг куёш йўлларкан салом,  
Сайёралар тунда нур сочиб  
Сайр этиши — ғазал ва илҳом.

Моҳир қўлинг тузган чамандан  
Гуллар териб, тиздим сатрлар.  
Достонининг мазмуни сендан,  
Яратилди — яшар асрлар.

Қўшигимга сарлаваҳа бўлди  
Ўзал ҳаёт, порлоқ тақдиринг.  
Олов қалбим севига тўлди,  
Мафтуни этди туганмас меҳринг.

Ҳаммасини олдим ўзингдан,  
Сен бўлмасан қайда дебоча.  
Шеърятим илиқ сўзингдан  
Баҳра олди кундузу кеча.

Ҳаммасини ўзинг яратдинг,  
Териб олдим сен учун атаб.  
Ҳавасини нурга қаратдинг,  
Ўтай умрим борича куйлаб.

## Бахтим юлдузи

О, бахтим юлдузи, шуълангдир беҳад,  
Ер шарин қамрашга етгулик зиё,  
Умрингдир куёшдек боқий ва абад,  
Зухро севгисидан вужудинг пайдо.

Улугбек бўлганда, бахтим юлдузин  
Осмон жадвалига қўшишга тадбир —  
Топишга фазодан узмасдан кўзин,  
Кузатарди буржлар сирин бирма-бир.

Бахтимнинг юлдузи шунчалар улуг,  
Авлоддан авлодга нури етади,  
Қалбимдек ҳарорат — оташга тўлуғ,  
Меросхўр наслимга уни элтади.

Миллиард йил порлаган ўз туркумидан —  
Ажралиб келмаган ёлғиз қошимга.  
Толем бахш этган улғу халқиндан  
Берилган, сайр этар тун-кун бошимда.

Мен уни сифдирдим шу она ерга.  
Ўзга сайёралар — ҳаёсиз олам.  
Ҳаётим бахт билан мангуға бирга.  
Барча эзгуликлар пешонамда жам.

\*\*\*

Шамъдек хонанг ёритса дўст, келиб ҳамхона бўл,  
Ўргулиб сайр эт бошида, сен унга парвона бўл.

Мевадан олдин дарахлар гул очар хандон бўлиб,  
Очилиб дўстингни кут, борингни қўй, мардона бўл.

Яхши ният бирла дўстинг қўйса кулбангга қадам,  
Таъзим айлаб тут бошингга, сен ўзинг остона бўл.

Бир оғиз бемеъни сўз дил ишасини парчалар,  
Сўз дурини ипга терил, лаъли бўл, дурдона бўл.  
Бўлса чин дўст, гар бошингга тушса кулфат қочмағай,  
Кўрсатар меҳрини сенга, мангуға паймона бўл.

Яхши дўстлар, Ғайратий, мақсад йўлига бошлағай,  
Сен уларнинг ҳурматин тут, эл аро афсона бўл.

Ғафур ҒУЛОМ

## АДАБИЁТИМИЗ ВЕТЕРАНИ

**У**ЗБЕК совет адабиётининг энг кекса вакилларида бири Ғайратий 70 ёшга тўлди.

У Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Яшин каби сафдошлари билан биргаликда адабиётимиз бешинчи тибратган, янги социалистик маданиятни яратиш ва ривожлантиришда фидойилик кўрсатган толмас шоирларимиздандир.

Маълумки, адабиётимиз чет эл босқинчилари ва ички душманларнинг турли хуружларига қарши курашларда ривожланди ва вояга етди. Ғайратий шу курашлар жаҳбасида ижод этди. Адиб бадийи бақувват, халқчиллик ва партияийлик руҳи билан суғорилган оташини сатрлари билан ёт гошларга қақшатқич зарба берди, социалистик тузумни мустаҳкамлаш учун толмай курашди.

Ғайратий ўзбек совет адабиётинда биринчилардан бўлиб ишчилар ҳаёти мавзуга қўл урди. Ингирманчи йиллардаёқ асарларига революцион ишчи синфи вакиллариин қаҳрамон қилиб олди. Уларнинг жасоратини, қувончини ва меҳнатдан топган бахт-саодатини куйлади. Шоирнинг бу мавзуда яратган «Онама хат» достонини ўқувчилар ҳануз севаб ўқийдилар.

Адабиётимиз ветеранининг ижодий ғайрати ҳамон жўшқин. Адиб бадийи адабиётнинг барча жанрларида қалам тебратиб келмоқда; нозик ғазаллар, болаларга аталган шеър ва ҳикоялар, қисса ва достонлар ёзмада. Унинг замон синовидадан ўтган танланган асарлари миллионлаб китобхонларимизнинг севган китоби бўлиб қолди. Газета-журналларда Ғайратийнинг актуал шеърлари, ҳажвий ҳикоялари, ғазаллари тез-тез босилмоқда.

Оқсоқол шоиримизнинг ёшлар даврасида ҳам тез-тез учратамиз. У ёшларнинг санимий маслаҳатгўйи ва меҳрибон устози.

Мен ветеран шоиримизни қўтлуғ ёши билан чин дилдан муборакбод этаман! Амимизки, курашларда чиниқан шоир кўп янги асарлар яратиб, мухлисларини қувонтиради!

УЙҒУН.

Ўзбекистон халқ шоири

## АБДУРАҲИМ

**Т**ошкентда Ҳадра деган жой бор. Ана шу ерни марказ деб билиб, оёқлари ярим километри паргар қўйиб, бир доира чизсангиз, эски Қўрғонтеги, Қўғирмоқ, Дегрез, Говкуш ва Девонбеги маҳаллаларини ичига олган доира ҳосил бўлади. Шу маҳаллаларда Абдулла [Мусо], Зиё Саид, Ойдин опа, Ғайратий [Абдураҳим], фан доктори Асқаров, фан доктори Намиддинов, Аброр Ҳидоятлов, мен ва бошқалар туғилганмиз.

Маҳалламизнинг жануб томонида Урдани кесиб ўтадиган катта анҳор сувининг бир қўли — ирмоғи оқар эди. Ҳозир ҳам шу чуқурлик бор. Навоий кўчасидан ўтади. Биз шу ерда қип-ялгонғоч бўлиб олиб, то кўкариб кетгунча чўмилиб эдик. Оталаримиз ёки оналаримиз толдан хил-чин олиб, токи уйга ҳайдагунча чўмилиб эдик.

Дегрез маҳалласини айтиб берай. Тожиқларда «дег» дегани «қозон», «рез» дегани «қўйиш» маъносини билдиради. Яъни қозон қувонч дегани. Бу ерда қосиб «металлургия» яшар эди. Булар ўз замонасининг эҳтимоли учун муносиб бўлган омот тиши, ҳовонча, дўнгалак темир, чўян

қозон ва шунга ўхшаган нарсаларини кўяр эдилар.

Кейин Ленин ҳақида эшитдик. У ҳур замон яратди. Тошкентнинг эски Тупроққўрғон рўпарасида «Ильич» заводи пайдо бўлди. Дегрез маҳалласидаги кустарь чўян қувончиларнинг авлод-авлоди Ҳозир ҳам шу заводда ишлаб келмоқда.

Тексти тўлиқ ёдимида қолмаган бўлса-да, Дегрез маҳаллалик чўян қувончиларга келган хатинг мазмуни эсимда. У тахминан шундай эди:

«Сиз ўзбек халқининг биринчи пролетарлари бўлмоқчи экансиз, бизнинг заводга келинг. Яқна отинг чанги чиқмайди, чанги чиқса ҳам донги кетмайди. Уша чўянин шу ерда куя берасиз. Фақат кўпроқ қуясиз, уюшган ҳолда қуясиз, техника билан қуясиз. «Ильич» заводи».

Бутун дегрезликлар «Ильич» заводида ишчи бўлиб ўтди. Ишга кўчиш олдидан худди ушбу кунин нишонлаш учун Дегрез маҳалласининг ноиблари Владимир Ильич Лениннинг ҳайкалин чўяндан қўйдилар. Маҳаллада катта қозонда ош дамланиб, тўй қилинди.

Уша ҳайкал Тахтапал кўчанинг [ҳозирги Ишчилар шаҳарчаси] чорраҳасида. Мен, Абдураҳим, Аброр, Ой-

# ҲАМИША ОЛДИНГИ САҒДА

Курашда қолоқ бўлмасин шоир!



Совет ёзувчилари Бутуниттифоқ Биринчи съездининг делегати Ғайратий С. Айний, А. Лохутий, А. Серафимович, Ойдин, Ғафур Ғулум, Зиё Саид ва ўзбекистонлик бошқа вакиллар билан.

**Э**ЛЛИГИНЧИ йилларнинг охирида қардош Қирғизистонда машҳур қирғиз оқини Тўғалоқ Мўлданнинг юз йиллик тўйи бўлди. Ўзбек ёзувчилари номидан Ғайратий домла билан тўйни қутлаб бордик. Қардош қирғиз диёрида бир ҳафтача меҳмон бўлдик. Фрунзедаги тантаналар тугагач, Тўғалоқ Мўлданнинг юртига йўл олдик. Кишин-ёзин қор аримайдиган, ҳамиша этакларида паға-паға булут кезиб юрадиган гўзал Долон довоидан ошиб, Норин шаҳарига, ундан Тўғалоқ Мўлда туғилиб ўсган Отбоши районига бордик. Хуллас сафаримиз жуда мароқли бўлди. Мен бундай сафарларни жуда яхши кўраман. Чунки бу сафарлар давомида қардош халқлар ҳаётини яқинроқдан кўрасан, янги-янги дўстлар орттирасан, қанчадан-қанча гўзал жойлар, манзаралар қалбига мангу жо бўлиб қолади. Ҳар гал сафардан янги таассуротлар, янги кашфиётлар билан бойиб қайтасан. Ушанда мен Қирғизистон сафаридан ҳам анча-мунча кашфиётлар билан қайтган эдим. Шу кашфиётлардан бири — домла Ғайратий бўлди. Мен Ғайратийни биринчи марта ўша сафарда кўриб, таниганим йўқ. Мен Ғайратийни болалигимдан билардим. «Йўқолган бола», «Онамга хат», «Жинаста» деган дostonларни ўқиб, уларни яратган азамат шоирга қалбимда чуқур эҳтиром сақлардим. Кейин домла билан шахсан танишдик, неча марта лаб суҳбатлашдик. Лекин шундай бўлса ҳам, «одам сафарда билмади», деганлари рост экан. Мен бир ҳафта давомида Ғайратий домланинг кўп томонларини билиб олдим. Авваламбор, домла жуда сафарбоп ҳамроҳ

экан — у бир ҳафта давомида вақти-соатимизнинг ҳисоблигига, тадбирларнинг тигизлигига қарамай, бирон марта ҳам «чарчадим» демади, инжиқлик қилмади. У ёши қайтиб қолганига қарамай, ҳар куни эрталаб ўқланган миллиқдек турар, нахорга бирон ҳазил гап айтар, ҳар иш, ҳар тадбирга дарров киришиб кетаверар эди. У ҳар қадамида кўрган янгиликдан бир дунё завқ олар, гўзалликдан лаззатланар, мўъжизалардан ҳайратланар, доим симобдай бетиним эди. Мен домланинг бу сифатларини кўриб, унинг сабабини кўнгил ёшлигидан, деб билдим. Улкан қозоқ ёзувчиси Мухтор Аветовнинг бир гапни эсламай ўтолмайман. Ушанда олти ойлик Америка сафаридан қайтган Мухтор оға дурустроқ дам олиб улгурмай Фрунзега Тўғалоқ Мўлданнинг тўйига келган эди. Мехмонлар тушган боғда нонушта қилар эканмиз,

Мухтор оға сафар таассуротларини гапириб берди. Кейин гап мавзуи ўзбек адабиётига кўчди. Мухтор оға Ойбек ака, Ғафур ака каби дўстларини сўради, сўнг Ғайратий домлага мурожаат қилди:

— Ғайратий, биродар, ҳали ҳам аввалгидай навқиронсан-а! Бутун аждундигдан ғайрат ёғилди!

Бу гапни эшитдим-у, домланинг тахаллуси мен учун янги маъно касб этгандай бўлди. Домла босиб ўтган ҳаёт йўлини, ижод йўлини ўйлаб, у танлаган тахаллус фоят ўринли эканига, исми жисмига монандлигига амин бўлдим.

Ғайратий адабиётга қақмоқдай ёниб кирди. У дастлабки шеърларидан бошлабоқ адабиётда тўғри йўлни танлади. Узи камбағалгина оиладан чиққан, болалигидан етимлик азобини тортган, эски

## ҒАЙРАТИЙ ДЕГАН ЎРТОҒИМ ТЎҒРИСИДА



Ғайратий ва Ғафур Ғулум ҳинд ёзувчилари Гурбахш Сингх ва Навтеж Сингх билан суҳбатда.

бек — ўспирин йигитлар эдик. Гарчанд биз эриган чўяни қоллига қуювчилар бўлмасан ҳам, катта чўян печ олдида манглайдиган тер оқизган ишчиларга чой бериб турганмиз. Ташсельмаш заводининг ишчиси бўлган менинг ўртоғим Абдурахим шу Дегрез маҳаллалик бўлади.

Ҳар битта ғишти, дерзаси, ҳар кап лойи сенга таниш бўлган катта-кич Коммунизм иморатини ўз қўлинг билан қийнала-қийнала қуриб турган бир пайтда, шунга шикаст берувчи ким бўлмасин, у сенга душман! Хоҳ қўли билан лом олиб қурганингни бўзсини, хоҳ сўз билан чалғитмоқчи бўлсин — барибир душман, Ғайратий шу душманларга қарши курашган биринчи сафдаги сўз аскар эди. Биров келажакни кўролмаган кўзлари билан «Бўзилган ўлкага» шеърини ёзса, Ғайратий унга жавобан «Тузалган ўлкага» деган шеърини ёзди. Ешлар қонидаги инқилобий руҳ деб шунга айтилади. Владимир Ильичнинг васиятларидан бири — халқро дўстликдир. Бу дўстлик кишиларнинг ирки, миллатидан қатъи назар, абадий дўстлик бўлиб қолади. Киши деган кишилигига қолаверди. Алексей Максимович Горький айтганларидек, инсон деган номнинг ўзидан

бир ғурур жаранлаб турибди. Абдурахим Лениннинг миллатлар бирдорлиги ҳақидаги васиятига жавобан шеър ёзган биринчи кишилардан. Унинг уйғур кизи ҳақида «Жинаста», «Ватан кичиси» поэмалари шоир қалбидagi қудратининг муносиб ҳужжатидир.

Яхши ҳамки, тугилишимиз бир замонга тўғри келди. Инқилобий замонга тўғри келди. Бир олам эътибор, шухрат, маърифат ва қиройли меҳнат билан удримизни безата олди.

Энди «Ильич» заводда мамлакатимиз иқтисодининг олтин мизи — пахтачиликнинг зарурати учун ақлли ва мураккаб машиналар чикарилмоқда. Омоч тўши, дўнгалак темирлар қўюлмайдиган бўлиб кетган. Уша эски дегрезларнинг бугунги авлодлари не-не металлургия заводларининг инженерлари, техниклари, қончилари, коммунистик меҳнат бригадаларининг қаҳрамон ишчилари бўлиб ишламоқдалар. Абдурахим Ғайратий ана шуларнинг шоири бўлиб ижодини давом эттирмоқда.

Дўстим, сен ёзиб турибсан, ҳали кўп ёзасан.

1962

Миклай КАЗАКОВ  
СССР Давлат мукофоти лауреати

## Онар деган қахрамон

Йиллар ўтди оқиб беомон,  
Утиб кетди жуда кўп гаплар.  
Бироқ Марий элида ҳамон  
Ул Ботирга топинар қалбар.

Ўрмонлар ҳам шу сир-ла тўлган.  
Унинг ноини айтар ёш-қари.  
Шўрлик халқнинг таяччи бўлган  
Онар мардни мактайдй бари.

Она Ердан олар у дармон,  
Дили чатнаб, ташна бўлган он  
Қовуч-қовуч сув ичар,  
Кейин,  
Дард-уқубат  
Ва ёки офат,  
Майли, қайгу, бало, оқибат,  
Ул Ботирни енгмоғи қийин.

Илдизи-ла кўпориб олиб  
Зўр дарахтин, бир чўп мисоли  
Боши узра ўйнайиб чунон  
Ёвларини қийратди ўғлон.

Чндай олмай зарбига, ганим —  
Қумурсқадай қочди ҳар томон.  
Куйлади у улуг юрт шаънин,  
Роҳат ила тинглади ўрмон.

Яшасин деб халқим озад, ҳур,  
Билмай ором, билмайин ҳузур,

Совет адабиёти уммонга қисс қил-  
ниса, қардош марий халқининг ада-  
биёти ана шу уммонга оқиб келаят-  
ган ирмоқлардан биридир. Октябр  
инқилобдан кейин марий халқи  
адабиёти айниқса гуллаб-йшнади.  
Миклай Назанов ва Анатолий Бик бу

адабиётнинг кўза кўринган намои-  
даларидир. М. Назановнинг «Тў ич-  
ра», «Бизнинг кўчада байрам», А.  
Бикининг «Менинг юлдузим», «Осо-  
йишта тонг» каби шеърый китоблари  
халқ ўртасида машҳурдир.

Анатолий Б И К

\* \* \*

Кўй, мени деб сайрама, майсаорда каккужон,  
Бехудага уринма, солмасан асло қўлоқ.  
Сен инсоннинг қисматин англамоғин дарғумон,  
Ундан кўра, каккужон, салгина ўзинга боқ!

На болутда бир қавак, на атрофда бир уя;  
Ўрмон узра ёлғир ҳам шиббалаб ёғайир.  
Қайдадир полонинг, қаерларда қолди-я!  
Наҳот энди тушмас юрагинга хавотир!

Фол очма, кўй, каккужон, умр тилама менга,  
Яшамоқин англайман ўзгачароқ мазмунда:  
Уғил бўла олдинги жондай элу халқинга,  
Ватанин севолдинги — билсанг гап мана шунда.

Менинг-чи ошёним бепоёндр, бир қара:  
Бугдойзорлар чайқалар, мавжга кирар  
уммонлар...  
Буюк онлам бордир, мактанурман ошқора!  
Бундайини кўрмаган замон, замон, замонлар...

\* \* \*

Кўзларинг бунчалар  
Теран, дилбарим,  
Чексиз оламлар ҳам унга бўлар жо:  
Осмонлар, сахролар, денгизлар бари.

Фақат менгагина  
Топилмайди жой...  
Муҳаммад АЛИ  
таржималари

мактаб ва мадрасада ўқишни тирикчилик та-  
шивлари билан қўшиб олиб борган, шу туйфайли  
меҳнаткаш халқнинг ҳаётини анча чуқур ўрган-  
ган Ғайратий ёш қалбининг бутун жўшқинлиги  
билан совет тузумини қабул қилди ва ҳеч икки-  
ланмай истеъдодини шу тузумнинг хизматига  
бахш этди. Ғайратий адабиётга кириб келган  
кезларда ўзбек совет поэзияси эндигина шакл-  
лана бошлаган эди. Ҳали айрим шоирлар «поэ-  
зия» деганда гулу булбулни, оҳу нолаларингана  
тушунарди. Баъзи бир шоирлар сўник руҳи,  
аламли кўз ёшларини, мавжрўқ сирли тилакларни  
куйлашгина поэзия яратиши мумкин, деб ҳисоб-  
ларди. Баъзи бирлари эса, ошқора миллатчилик  
позициясида туриб, янги воқеликни қабул қилмай,  
уни фақат қора рангларда тасвирлаша, умид-  
сизлик руҳини ёйишга интилар, зўр бериб қорон-  
ғи тун поэзиясини куйлар эди. Бундай шароитда  
Ғайратий Фафур Фулом ва Уғун, Ойбек ва  
Яшин, Ойдин ва Ҳамид Олимжонлар билан бирга  
Ҳамза Ҳакимзода Нибзийнинг йўлини танилади,  
Ҳамза кўтарган партизавийлик, голявийлик, халқчил-  
лик байроғи остида кураш ва ижод пафосига тў-  
ла ҳаётий поэзия яратишга киришди. Шунинг  
учун у дастлабки шеърларидаёқ, жўшқин ҳайқи-  
риқ билан янги эстетик принципларни қувватлади:

Эркин меҳнатнинг нашъасин сезсин,  
Курашининг сирли йўлларин чизсин,  
Синфий ёвларининг кўнсини эзсин,  
Курашда қолоқ бўлмасин шоир!

Игирманчи йилларда Ғайратийнинг чуқур ик-  
тимой мазмунга эга бўлган, ўткир сиёсий пафос  
билан суғорилган кўпгина жўшқин ва жанговар  
шеърлари адабий ҳаётда воқеа бўлар, китобхон-  
лар томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинар,  
жиддий баҳслар ва мунозаралар тугдирар эди.  
Унинг ҳаётий поэзияси, янги турмушн илуғла-  
на, эскиликка, эски онга қарши нафрат олави-  
ни ёдгирдан шеърлари ўқувчиларни коммунистик  
руҳда тарбиялашда катта роль ўйнади. Тез орада  
Ғайратий пролетар поэзиясининг атоқли намои-  
даларидан бири сифатида танилди. Шунинг учун  
ҳам ўзбек поэзиясининг илк қадамларини Ғайра-  
тий ижодисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ғай-  
ратийнинг биринчи китоби «Эрк товущи» 1927  
йилда босилб чиқди. Шундан кейин шоир мам-  
лакатини ҳаётдаги буюк тарихий ўзгаришлар-  
дан илҳомланиб, тез суръатлар билан ижод қи-  
лишга киришди. Шуниси эътиборга лойиқки, шо-

ирнинг ҳар бир янги китоби ҳаётни чуқур ўр-  
ганиш асосида, ҳаёт олдинга сурган талабларга жа-  
воб, замон нидосига акс-садо сифатида яратилди.  
Масалан, совет халқи Коммунистик партия раҳ-  
барлигида мамлакатни санатлаштириш билан  
банд экан, Ғайратий ишчилар синфи ҳаётини чу-  
қур ўрганиш учун заводга ишга киради, токарь  
бўлиб меҳнат қилади ва «Темп», «Олов танлар»  
каби шеърлар тўплавларини яратади. Кейинчалик  
шарқ халқларининг миллий оозодлик ҳаракати кенг  
қўламада авж олган кезларда қўшни ва қардош  
уйғур халқининг ҳаётидан «Онамга хат», «Жинса-  
та» каби поэмаларини ёзди. Ғайратий асарлари-  
нинг ҳаммаси ҳам ҳаёт билан, социализмни ку-  
рилиш билан узвий боғлиқ, социализм учун ку-  
раш пафосига тўлиқ эди. Ғайратий бу даврдаги  
ижодиде ўзи эълон қилган «Курашда қолоқ бўл-  
масин шоир!», деган принципга қатъий амал қи-  
лди ва курашининг олдинги сафларида борди. Шу-  
нинг учун уни «ўзбек поэзиясининг қизил парти-  
зани» деб атадилар. Унинг асарлари мактаб дарс-  
ликларидан ўрин олди, кўплаб нашр этилди,  
шеър ва дostonлари рус, тожик, уйғур, қозоқ  
тилларига таржима қилинди. Уттиничи йилларда  
машҳур рус шоири В. Гусев ўзбек поэзияси ҳа-  
қида «Литературная газета»га ёзган мақоласига  
«Ғайратий ва Фафур Фулом» деб сарлавҳа куйган  
эди.


Ғайратий поэзиясига хос бўлган изчил ҳаётий-  
лик ва чуқур голявийлик, принципчилик ва пар-  
тизавийлик йигирманчи йилларда баъзи бир мил-  
латчилик позициясида турган шоирларнинг гашига  
тоткан, шунинг учун улар Ғайратий шеърларини  
нафосатдан холи, деб эълон қилган эди. Ўғри,  
Ғайратий поэзияси улар айтган «нафосатдан  
«поэзия поэзия учун» деб яратилган шеърларда  
бўладиган «куруқ «нафосат»дан холи. Бироқ улар  
кураш нафосатига, яратил нафосатига, янги ҳаёт  
нафосатига тўла. Улар шинма ҳужраларда, ҳаёт-  
дан беркинби олаб яратилган эмас, балки фабри-  
ка цехларида, пахта ирмонларида, қурилиш ҳа-  
возаларида, саводсизликни тутатиш мактабларида,  
паранжинлар гуриллаб ёнаётган гулханлар тавара-  
гида туғилган. Улар курашчан, оташин, сергайрат  
қалбдан шоир яратиб отилиб чиққан, шунинг учун  
ҳам уларда замон нафаси янграб туради. Худди  
шу сифат Ғайратий шеърларида жон ато қилган,  
уларни адабиётчиликнинг муҳим ҳодисаларига ай-  
лантирган. Жўшқинлик, ҳаёт билан ҳамнафаслик  
Ғайратийнинг кейинги давр ижоди учун ҳам хос-

дир. Улуг Ватан уруши йилларида ҳам, урушдан  
кейин ҳам Ғайратий ижоддан тўхтамади. У бир  
талай шеърый тўпламлар эълон қилди, ҳикоя ва  
очерклар яратди, пьесалар ёзди, таржималар  
қилди. Сўнгги йилларда ҳам Ғайратий Фуқрат  
ва Ҳамза тўғрисида дostonлар эълон қилди,  
жўшқин, эҳтиросли лирик шеърлар ёзди. Ғайра-  
тий болалар учун ҳам кўпгина асарлар яратган.  
Уттиничи йилларда унинг «Йўқолган бола» ва  
«Ўрмоннинг мушуги» каби дostonлари маш-  
ҳур эди. Сўнгги йилларда эса у ёш китобхонларга  
«Бизнинг Ҳамза», «Ёшлигимиз» каби қиссаларни  
тақдим қилди. Эҳтимол, синчков танқидчи, инжиқ  
китобхон бу асарларни ипидан игнасигача ажрат-  
са, баъзи бир бадий қисурлар топар. Лекин  
шундай бўлса-да, улардаги жўшқинлик, самимий-  
лик, ҳаётийлик китобхон муҳаббатини қозонмай  
қолмайди. Бинобарин, бу даврда ҳам Ғайратий  
курашда қолоқ эмас, олдинги сафларда бор-  
моқда, деб бемалол айтиш мумкин.

Ғайратийнинг ўзбек адабиёти олдидаги хизма-  
лари ҳақида қат кетганда унинг яна бир сифати-  
ни айтиш керак. Ёшларининг кўпчилиги Ғай-  
ратийнинг ўзига ҳам, орасидан ҳам ҳурмат бил-  
ан «домла» деб мурожаат қилишди. Бу ерде  
«устоз» деган маъно бор. Дарҳақиқат, Ғайратий  
кўп йиллар давомида деб шоирларнинг ўсишига  
бевосита гамхўрлик қилмоқда. Ғайратийнинг қў-  
лида ҳозирги таланти ёшларнинг кўпчилиги шеър-  
ият афробиосини ўрганди. Булар ичиде Эркин  
Воҳидовга ўхшаш талантлар борки, домла бундай  
шоигрларни билан қанча фахрланса қақлидир.

Ғайратий 70 ёшга кирди. Шу билан бирга унинг  
биринчи шеър босилб чиққанига ярим аср тўл-  
ди. Гоят табаррук эш, сермазун умр. Шунинг  
учун табарруқки, бу умрининг онгли қисми халқ  
хизматига бағишланди, советлар тузумининг та-  
танасига сарфланди, жонжон адабиётчиликнинг  
раванакига бахш этилди. Шунинг учун табарруқки,  
шоир ана шу мазмундор умри давомида Ҳамза  
бошлаб берган катта равон йўлдан дадил қадам  
ташлаб келмоқда. Ғайратий домла ҳамон Ғайра-  
та ғўла, ҳамон қирчиллама йигитдай бақуват. Қў-  
лидаги ҳассани эса фақат савлат учунгина тутади.  
Бугун домланнинг қутлуг тўли кунини, уни чин қалб-  
дан табриқлар эканиси, Ғайратийга узоқ умр,  
янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз. Ғайратий-  
из камаймасин, муҳтарам домла!

Озад ШАРАФИДДИНОВ



Бу қовунларнинг тилими тилини ёради.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

## Юртимиз бойликлари

# ШАРБАТ ОРТГАН КАРВОНЛАР

Ўзбекистоннинг денгиздек ястаниб ётган оппоқ пахта далалари орасидаги боғ ва узумзорлар, полиз ва мевазорларни натта-натта яшил оролларга ўхшатиш мумкин. Бу ерда узоқ денгиз сафаридан сўнг обғинг ерга теккандек бўлади.

Полиз. Уртада жўхори пояларидан тикланган чайла. Нами қочган паллакларнинг шитир-шитири, қовунларнинг ҳавони тўлдирган ширин бўйи, пичоқ тегар-тегмас тарс ёрилган тарвузларнинг лаъл наби жилваси дилингизни қитиқлайди. Ана шу дәмларнинг сеҳри пахта даласидан толиқиб чиққан заршуносларнинг ҳордиғини ёзиб юборади.

— Шунинг учун ҳам биз полизчилида бор имкониятларни ишга солишимиз керак-да,— дейди Мирзачўлдаги Охунбоев номили совхознинг сабзавотчили бўлими бошлиғи Тўраш Наттабеков.— Шунинг учун шарбат карвонлари деб озмунча қайғурмади...

Совхоз директори Аҳмад ака Жав-

лонов жўнатиш учун тайёрлаб кўйилган қовунлардан бирини тоқат-сизлангандек қўлга олади.

— Холва деган билан оғиз чучмайди. Қани, Тўрашжон, шунга пичоқ тортиб юборинг-чи! Бу оқуруғ қовунларнинг ҳар бири беш килограммдан йнгирма беш килограммгача тош босади. Энг серфарзанд онла ҳам биттасини нуни билан еб адо қилолмайди.

— Республикамиздан ташқарига яна қандай қовунлар жўнатишмоқда?— деб сўрадик биз.

— Қовунларнинг шакарпалак, қизилуруғ, бўриналла, қирқма, сариқ ва қора хушбўй гулоби наби хиллари йўлга анча чидамли бўлади.

Республикамиз йўлларида қовуну тарвуз, олмаю узум, қарам ва пивз, картошка ва помидор ортилган машиналарнинг кети кўринмайди. Ҳаммадан «Ўзбекбирлашув» таъминот кооперацияси тайёрловчиларининг иши бошдан ошган. «Ўзбекбирла-

шув» правленийсининг раиси Мадаминжон Ҳасановнинг берган маълумотига кўра бу йил, Совет Иттифодининг юбилей йилида, Ўзбекистон кооперациячилари мева ва сабзавот ташилладиган тараларни, юк тушириладиган майдончаларни вақтидан илгарти шай қилиб кўйишди, темир йўлчилар ҳамда учувчилар билан шартнома тузиб олишди.

— Биз Ўзбекистон неъматлари мамлакатимизнинг ҳамма хонадонига кириб боришини хоҳлаймиз,— дейди Мадаминжон Ҳасанов.— Қовун-тарвузларини, ширин-шарбат меваларини мосвалик қурувчиларнинг, ураллик пулат қуювчининг, узоқ шарқлик балиқчининг, ленинградлик ўқитувчининг, сибирлик ёғочоз ва чуқотмалик бугубоқарнинг дастурхонини безаши учун ҳаракат қилаямиз. Уларнинг меҳнат маҳсулидан биз ҳам ҳар нуни баҳрамандимиз-ку!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети планлаштириш ва молия органлари савдо бўлимининг мудир

Одил Охунжонов бизни кўркем рақамлар билан таништирди:

— Республикада етиштирилаётган олти юз эллик минг тонна сабзавотнинг ярмидан кўпи мамлакатимиздаги марказий ҳамда шимолий шаҳарларга, Узоқ Шарққа жўнатишмоқда. Неча ўн минглаб тонна ҳўл мева бу ҳисобга кирмайди. Полиз экинлари ҳосилдан эса, бу йил 300.000 тоннасини қардошларимизга атаганимиз. Бу пландагидан 100.000 тонна ортиқроқдир. Ҳосил айниқса чўл районларида мўл. Масалан, фақат сирдарёликлар республикамиздан ташқарига юз минг тоннадан ортиқ қовун, тарвуз жўнатишди.

«Оқ олтин» ортилган машиналар қабул пунктлари томон елиб бораркан, улар орасида қовун, тарвуз юнланган машиналар ҳам кўп учраб туради. Бу карвонлар, шoir айтмоқчи— Асаиљон Шанаров паспорти билан дўстлар хонадонига жўнайдн.

Вячеслав КОСТИЯ

# УНУТИЛМАС ОНЛАР

Республикамизнинг атоқли ёзувчиларидан бири Александр Удаловнинг «Сабр носаси» романи китобхонларга яхши таниш. Романда Туркистон халқларининг асримиз бошидаги турмуши, эркин ҳаёт ва бахт учун кураши тасвирланган.

Ёзувчи яқинда романнинг иккинчи китобини ёзиб тугатди. У «Муҳаббатнинг умри боқий» деб аталади. Асар-

даги воқеалар 1920 йилда Петроградда, Урта Осиё ва Кавказда бўлиб ўтади. Автор янги китобда ҳам халқлар дўстлигини улуғлайди, тарих ижодиори бўлиш меҳнатнаш халқига буюк ишларга қодир ва унинг умри боқийдир, деган ғояни илғари суради.

Куйида романдан парча ўқийсиз.

III Интернационалнинг Иккинчи конгресси 1920 йилнинг 19 июль кунин Петрограддаги Таврия саройида очилди. Надежда Сергеевна Ҳожибўлат етакчилигида ён эшикдан залга кирди-ю ўзига қўлайроқ жой излаб, атрофига кўз ташлади. Зал лиқ тўлган, биронта ҳам бўш ўрин йўқ эди.

— Ҳеч ким тик туриб қолмаслиги керак, бизга шундай тайинлашган,— деб Надежда Сергеевнага шивирлади Ҳожибўлат.— Залда эса ҳамма тикка турибди.

Ҳожибўлат жой топиш учунми, қаёққадир кетди. Салдан кейин пайдо бўлди:

— Бу ёққа келинг, Надежда Сергеевна!

— Бўш жой бор эканми?— деди аёл севиниб.

Ҳожибўлат индамай, қатор ўтирган одамлар орасидан катта йўлак томон кетаверди. Надежда Сергеевна унга эргашди. Ҳожибўлат ёш бир қизил аскарнинг олдига бориб:

— Қани, тур, оғайни,— деди.

Қизил аскар гоҳ Ҳожибўлатга, гоҳ унинг қўлидаги қизил боғич билан ёнига осилган тўппонча филофига қарар экан, аста шундай деди:

— Мен ҳам Лениннинг сўзини эшитганим келганман.

— Мандатингни кўрсат,— деб талаб қилди Ҳожибўлат.

Қизил аскар истар-истамас ўрнидан турди.

— Утиринг, Надежда Сергеевна,— деди Ҳожибўлат.— Сен... сен тик турсанг ҳам бўлаверарди.

— Тик туришга ижозат беришмайди,— деди аскар.

— Сенга ижозат беришади. Юр мен билан!

Надежда Сергеевна ҳалжон ичиди у ёқ-бу ёққа қараб, одамларнинг гапига қўлоқ солиб ўтирди. Дастлаб у ўзини қарахат ҳис қилди. Зал гувиллар, кимнинг нима дегани ениқ эшитилмас эди. Бир вақт гўё одамларнинг товушини бўғиб турган пардани аллакми ногаҳон йиртиб юбордию Надежда Сергеевнанинг қарахатлиги дарҳол барҳам топгандек бўлди. Шу заҳотиёқ ёнгинасида русча сўзлар эшитила бошлади:

— Буни қаранг, Сергей Петрович, конгрессда африкаликлар ҳам иштирок эитяпти! Африкаликлар Россияда!

— Ҳа, Петроградда. Шимолда.

— Россия шимолида, Сергей Петрович. Ши-

молий Америкада эмас. Шуниси қувончли. «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» шiori ўз кучини кўрсатмоқда. Тўғрими?

— Тўғри. Мана буларга разм солинг-а. Ажойиб халқ. Бутун Африка кўз олинганда тургандай.

Надежда Сергеевна сўбатлашаётганларга қаради. Кейин қоп-қора, сочлари кўнжроқ бир неча негрни кўрди. Негрлар у ўтирган қаторда, уч кишидан нарида, руслар эса негрлар билан Надежда Сергеевнанинг орасида ўтиришар, ханоп маътодан тикилган куранг қийқ ёқа кўйлак кийган қандайдир кишилар эди.

Орадан икки соатча ўтди. Атрофга кўзи ўрғангач, Надежда Сергеевна ҳалғи руслар билан танишиб олди. Улар Ивановдан конгрессга делегат бўлиб келган тўқувчилар, профессионал революционерлар экан. Сўнг негрларга разм солди, уларнинг тимқора сочлари, тўқ жигарранг юзларидан кўз ололмади қолди. Бу ерда ҳамма, бутун зал, ўзи ҳам кутаётган буюк дақиқани— Ленинни кўриш, унинг сўзларини эшитишга муяссар бўлиш оини улар ҳам кутаётганликларини сездию Надежда Сергеевна «Том тоганинг кулбасини эслади ва олмас Африкадан келган меҳмонларга яна илиқ нигоҳ ташлади. Унинг мулоим тикилиб турганини, самимий табассумини негрлар сезишди шекилли, унга қараб жилмайишди.

Ёнида ўтирган қийқ ёқа кўйлакли киши:

— Уларни ҳеч ким... бутун зал жазб этолмади, аммо сиз жазб эдингиз,— деди.— Менинг гапимни таъна деб тушунманг. Ростдан шундай.

— Йўғ-эй! Наҳотки...— деди Надежда Сергеевна чиндан ҳам ҳайрон бўлиб.

Сўхбатдоши унинг сўзларидан яна бошқа оҳанг фаҳмлади шекилли, насихатомуз гапирди:

— Сизга ўсмоқчилаш ярашмас экан.

— Нималар деяпсиз! Чин гапни айтаяпман.

— Ундай бўлса, айта қолай... Уларни сизнинг русча хуснингиз жазб этди.

Надежда Сергеевна кизариб кетди:

— Сизни хурмат қиламан... Шу залдаги одамларни қандай хурмат қилсам— шундай хурмат қиламан. Ҳамма кутаётган тантанали дақиқани ўйлаяпман... Шунинг учун сизни кечираман. Бул-маса, айтадиганимни айтардим.

— Танбёҳимни бериб бўлдингиз,— деди у ки-

ши мулоимлик билан.— Аммо гапим тўғри. Қаранг-а, ҳамманинг кўзи уларда. Лекин улар фақат сизга қараб жилмайишди... Кейин гапимда мени афв этадиган ишора бор: мен сизнинг русча хуснингиз дедим. Русча бўлгандан кейин сизники-да.

Надежда Сергеевна зални кўздан кечириб чиқди. Чиндан ҳам кўплар африкалик меҳмонларга қараб ўтирар, ён томондаги креслоларда, кираверишдаги йўлакка қўйилган стулларда ўтирганлар эса, ўринларидан туриб, бўйинларини чўзиб, бир-бирларидан нималаринидир сўрар, олдинги қатордагилар ҳам жойлардан туриб, орқаларига қарар эдилар. Ана шу туманот одам орасида Надежда Сергеевна ҳали ўзига жой берган қизил аскарни кўриб қолди. У ёнидаги аскарларга Надежда Сергеевна ўтирган қаторни кўрсатар ва шерикларига ниманидир қувонч билан гапирар эди. Улар эса, қаторлараро кўз югуртирар ва кимнидир излар эдилар. Ниҳоят, улардан иккитаси унга тикилиб қолди, кейин бошқалари ҳам тикилишди. Надежда Сергеевна ўзига ғашланиб, «Кўришди, ниҳоят, кўришди!», деб ўйлади. Ёнгинасида ўтирган негрлардан хижолат чекди: «Аттанг, фақат французчани биламан, инглизча гапиролмайман. Улар бўлса инглизча гаплашадилар. Йўқса, уларга айтардим. Сизлар менинг ватандошларимдан ҳафа бўлманлар... Улар сизларга тикилаётган экан, бу ёмон кўрганларидан эмас... яхши кўрганларидан...»

— Мана бу кишилардан хижолат чекмапсизми?— деб сўради Надежда Сергеевна ёнидаги шеригидан.

— Сизга нима десам экан...— деди у тарадудланиб.— Албатта, улардан одам йиманади. Аммо уларга қизиқиб қараётганимизнинг сабабини тушунишади. Биз шимол одамларимиз. Африка эса олис юрт. Бунинг таажжубланадиган нимаси бор!

— Америка Африкадан ҳам олмас,— деди Надежда Сергеевна.



А. ХОЛИҚОВ ЧИЗГАН

**А**ФСОНАДА айтилишча, Магриб мамлакатлари подшоларидан бирининг қизи бетоб бўлиб, ўлим ҳолига келиб қолади. Ҳеч бир табиб унинг дардида даво тополмади. Шунда бир доно: «Машриқ мамлакатларидан бирيدا ажойиб хосиятга эга бўлган шифобахш қум бор, ўшандан олиб келиб қизингизни уч-тўрт кун кўмсангиз, албатта тузалиб кетади», деб подшога маслаҳат беради. Подшоининг фармони билан уч юз туяли қарвон йўлга чиқади. Оғир машаққатлардан кейин қумни олиб қайтаётган қарвон Лотқанд деган жойдаги саройга қўниб, дам олади. Аммо улар ўз юртиларидан келган чопар билан учрашиб қоладилар.

Чопар қарвон бошига қизининг ўлганини, энди бу юк ортиқча эканини хабар қилади. Қарвон боши қумни тўктиради ва Лотқанд бозоридан турли гўзал ва нафис моллар харид қилиб, йўлида давом этади.

Афсоналар кўпинча тарихий илдиэга эга бўлади. Шундай экан, афсонада айтилган Лотқанд саройи хусусида бир оз тўхталик. Ҳозирги Хўжабод райони Дилқушод қишлоғининг қоқ ўртасида Лотқанд деб аталувчи тепалик бўлиб, яқин-яқин вақтгача унга ҳеч кимсанинг назари ташмаган эди. Тепалик бағрдан ўтадиган эски Айритом аргини кенгайтириш ва Уш сойини, Окбўвэр сувини шу канал орқали Дилқушод ерларига буриш зарур бўлиб қолди.

Тепаликни сураётган трактор ва бульдозерларнинг хайқирғи бир нафас ҳам тинмайди.— Қишлоқ аҳли тракторчилар ишини кузатиб турган эди. Раҳматжон деган бола ҳай-ҳай-

қошиқ парчалари, ўнлаб синган ва бутун хум-кўзалар, сопол синиқлари урчуқ учига қўйиладиган тешик сополлақлар, ёрғучоқ, жуда кўп тош қуроллари кетма-кет чиқаверади.

## ДИЛҚУШОД

лаб бульдозерчини тўхтади. Чунки бульдозернинг пўлат тумшуги қандайдир хумни суриб боради. Хумча танга пуллар билан тўла экан, ёнган ёғоч қолдиқлари, Самарқанднинг кўҳна биноларида учрайдиган

Айниқса, бу ердан топилган бош суяги медицина учун катта аҳамиятга эгадир. Бу чаноқ уч жойидан мис қадоқ билан бирлаштирилган. Ҳозирги тиббиётда ҳам хавфли бўлган мия операцияси бир вақтлар муваффа-

— Аммо бизнинг тутқунликка солувчи кема-ларимиз, асир сотувчи бозорларимиз йўқ эди. Уларнинг олдига юзмииз ерур.

...Мажлис очилиш вақти яқинлашар, ҳаммамиз назар-этибори президиум учун қўйилган узун стол томонда эди. У ерда тез-тез бир киши пайдо бўлар, шунда зал бирдангина тинчиб қолар, кейин қаттиқроқ ғовур-ғувур бошланар эди.

Аммо кутилмаганда залга бир паҳза жимлик чўкди. Надежда Сергеевна нима воқеа юз берганини билмай, у ёқ-бу ёққа абаглаб қаради-да, дарҳол англади: кекичкибди, лебалоқ онни, Ленин залга кириб келган онни пайқамай қолдибди, унинг залга қайси эшикдан, қандай кириб келгани ва президиум столи оқсидан пайдо бўлганини кўрмай қолдибди. Зал олқиш, қарсақ ва қувонч хитобларидан ларзага келар, шодиёна хитоблар янграр эди:

— Ленин!  
— Ильич!  
— Ленин!

Дастлабки дақиқаларда ҳар бир қалб учун энг яқин ва азиз шу номгина тақрорланди, бўрон бўлиб янгради. Бутун зал оёққа қалқди, матросларнинг шапкалари, қизил аскарларнинг шлемлари, ишчиларнинг кепкалари, аёлларнинг қизил дурралари ҳавода силкинар эди.

Надежда Сергеевна тўғрига, ҳамма қараётган томонга қаради, аммо одамларнинг елкалари, бошлари, баланд кўтарилган қўллари орасидан ҳеч нимани кўролмади. У ўнг томонга, кираве-ришга қараб бўйинни чўзди, лекин йўлак ҳам одамларга лиқ тўла эди.

— Яшасин Ленин!  
— Ленин!  
— Ленин!  
— Владимир Ильич Ленинга, ура!  
— Ура-а!  
— Вива Ленин!  
— Ленин!

«Ленин!» деган янграқ сўз рус, инглиз, француз, немис тилларида қанот боғлаб учарди.

— Вива Лели!  
Негрлар шиддат билан қарсақ чалар ва:  
— Вива Лели! Лели!— деб қичқирар эдилар.

Надежда Сергеевна уларга қаради ва қорамангиз жигарранг юзларида балқиган қувонч тўла бахтиёрликни кўрар, «Вива Лели!» деган нидоларни эшитар экан, беихтиёр кўзларига ёш келди.

— Владимир Ильич!— деган хитоб кўксидан отилиб чиқди.— Туркистон меҳнатқашларидан сизга оташин салом!— дея қичқирди у, кўз ёши-ни артиб қарсақ чаларкан. Ёнидаги кишидан: «Сиз уни кўрмасизми», деб сўради.

Лекин у киши эшитмади. Надежда Сергеевна унинг енгидан тортиди. Бироқ у киши яна парво қилмади. Надежда Сергеевна унинг этгидан тортиқлай бошлади. Ниҳоят у киши «Нима дейсиз!» дегандек ўтирилди.

— Сиз уни кўраётисизми?— деб қичқирди у.  
— Кўрмасман.  
— Мен кўролмапман.

— Стулга чиқиб олинг. Уялманг.

У сумкачасини бағрига босиб ушлаб, ҳатто стулга чиққоқчи бўлиб турган эди, зал бирдангина тиниб, ҳамма жой-жойига ўтирди.

Залга шундай жимлик чўккан эдики, тик этган сас ҳам — зал охиридаги катта эшик олдига кимнингдир эҳтиёткорлик билан босган оҳиста қадами, кимнингдир трубкасини полга тушириб юборгани, одамларнинг шивир-шивирю нафас олишигача аниқ эшитилар эди.

Яна жойига ўтирган Надежда Сергеевна алан-лар, ҳаяжон ичида Ленинни излар эди. Раислик қилувчи киши президиумдан аланнима деди, Надежда Сергеевна кўзлари билан ҳамон Ленинни ахтарарди. Ҳаяжондан юзлари ёнаётганини сезиб, ёнидаги кишидан сўради:

— Владимир Ильич қаерда ўтирибди?  
— Раиснинг ёнида... Нимадир ёзаётбди... Ана... Ана, залга қаради.

— Ҳа, ҳа! Кўраётиман! Ҳа, ўзи! Владимир Ильичнинг ўзи!— деб юборди у беихтиёр баланд товуш билан. Ҳамма унга ўгирилиб қаради.

«Ленин иккала қўлини столдаги қозғалар устига қўйиб, бошини елкаси томон хиёл эгиб раислик қилувчи кишининг сўзларини диққат билан тинглар, аммо назари залда эди. Таажжуб: ҳозир шу залда ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам, Надежда Сергеевнага ўхшаб, Ленин мени кўраётми, менга қараяпти, деб ўйларди. «Мен Туркистондан келдим, Владимир Ильич!— дерди фикран у Ленинга.— Туркистондан. Ўзим эса шу ерда, Петроградда туғилманман. Лекин яна ўша ёққа қайтиб кетман. Ун еттинчи йилда у ёққа эрим билан бирга кетган эдик, сизнинг топиригингиз билан, Владимир Ильич. Эсингиздами, у, Варламов?.. Сиз уни яхши биласиз, ўзи менга шундай деган эди. Ҳозир Варламов бригада командири. Совет ҳокимияти учун босмачиларга қарши курашмоқда... Темирчи Қурбон бўлса бизда «Кўшчи» союзининг раиси. Ҳаммамиз сизнинг байроғингиз тағдими, Владимир Ильич!»

У раислик қилувчининг:  
— Халқро аҳвол тўғрисида доклад қилиш учун сўз Владимир Ильич Ленинга берилди,— деган товушдан ўзига келди.

Раис Ленин номини айтиб улгурмасдан Владимир Ильич ўриндан шахт турди, тез юриб, минбар олдига келди.

Залда ўтирган делегатлар ва меҳмонлар яна ўринларидан туриб, Ленинни олқишладилар.

Надежда Сергеевна энди уни барала кўрди: минбар олдига тик турган Владимир Ильич қора нимчаси чўнтагидан соатини олиб қаради, кейин залга тикилиб, бир неча дақиқа кутди-да, нима-дир деди.

Лекин олқиш садолари ичида унинг нима деганини эшитиб бўлмади. Шундан кейин Владимир Ильич яна соатига қаради ва уни хушчақчақлик билан залга кўрсатди.

Лекин унинг бу ҳаракатидан шодлик яна авж олиб кетди. Ленин эса минбарда ўзини шундай кўрар, шундай оддий тундарики, бу гулдурок қарсақлар, олқишлар гўё унга аталмагандек, гоҳ бисига чўнтагидан залга қарар, гоҳ яна эгиллиб тезисларига тикилар эди.

Орадан минут чамаси ўтган бўлса ҳам шодлик тўлқини тобора авж оларди. Владимир Ильич раисга хиёл қовоқ солиб қаради ва унга бир нима деб таъна қилди шекилли, зал тинчиди.

— Урқоқлар, Коммунистик Интернационалнинг асосий вазифалари тўғрисидаги масалаларга оид тезислар ҳамма тилларда босиб чиқрилган...— дея юракча энг яқин, азиз товуш жаранглади.

Ленин гапирётганини Надежда Сергеевна туйқусдан тўлқинлибди англади, бу товушни гўё у ҳамма вақт, умрбод эшитиб келаётгандек эди. Шу дақиқадан бошлаб Надежда Сергеевнанинг қулоғига Ленин товушидан бошқа ҳеч нима кирмади. Энди унинг эътиборини ҳеч қим, ҳеч нима Ленин турган минбардан, Ленин сўзларини тинг-лашдан қалғитолмас эди...

Надежда Сергеевна: «Бу дамни ҳеч-ҳеч унут-майман. Лениннинг ҳозирги гапларини сира ёдим-дан чиқармайман», деб ўйлади.



— Илғор капиталистик мамлакатлардаги революцион пролетарларнинг пролетариат ҳали йўқ ёки қарийб йўқ бўлган мамлакатлардаги революцион омма билан, шарқий мустамлоқа мамлакатлардаги мазлум омма билан бирлашув, ана шу бирлашув ҳозирги конгрессда юзага чиқмоқда... «Озага чиқмоқда, чиқмоқда, Владимир Ильич!», дея фикран хитоб қилди Надежда Сергеевна, докладни диққат билан тинглар экан.

— Советларнинг роли ва аҳамиятини тушу-ниш эндиликда Шарқ мамлакатларига ҳам бўй-ди,— деди Владимир Ильич.

Надежда Сергеевна Владимир Ильич сўзлари-ни тинглар экан, ёш бола чоғида вафот этган, узоқ хотира бўлиб қолган, хаёлангана суратини кўз олдига келтирадиган отасини, унинг минглаб товушлар орасида ўзи таний оладиган энг қадр-дон, азиз ва жонли товушини эслади. Мана энди Владимир Ильичнинг сиймоси ҳам, товуши ҳам қалбига ана шундай энг қадрдон, энг азиз ва мангу бўлиб қолади.

Ленин, маърузасидаги сўзлар моҳиятини уқти-риш учун бўлса керак, баъзан минбарга кўкрак тираб тураркан, Надежда Сергеевна унинг бу ҳаракатига ҳам разм солар, бутун вужуди қулоқ-қа айланар, у вақтининг қандай ўтиб бораётганини ҳам сезмас эди. Шунинг учун бўлса керак, Владимир Ильич кучли олқишлар орасида ногаҳон минбар олдидан кетаётганда у ҳайрон бўлиб, ёнидаги кишидан сўради:

— Нима? Гапириб бўлдими? Дарров-а!  
— Владимир Ильич нутқини ҳаммиса вақтида ёки беш минут олдин тамомлашга ҳаракат қила-ди.

Надежда Сергеевна ўқинди.  
Энди минбарга бошқа кишилар чиқиб гапир-а бошладилар. Надежда Сергеевна уларнинг сўз-ларини ҳам тинглар, аммо президиумда, раислик қилаётган киши ёнида ўтирган Владимир Ильич Лениндан кўзларини узмас эди.

Рўлодш ШАМШАРОВ таржимаси

қиятли амалга оширилганга ўхшайди. Бу топилмаларга қараб Лотқанд тепа-лигига эрамининг I—II асрларидан то XVI асрларгача ўтмиш аждод-ларимиз яшаганини бемалол айтиш

тилган. Бу тангалар фаолуси танга ёки ним танга деб номланган. Тангалар оддий дастгоҳда зарб қилин-гани учун чеглари текис қирқилма-ган, хатлари ҳам раван жойлашмаган.

ўтган бўлса ажаб эмас.

Лотқанд тўғрисида «Бобирнома»-да ҳам маълумотлар бор: «Ушқа яқин еткан маҳалда хабар топилди-ким, муҳолифлар Уш ноҳасидага ту-ра олмай, Работи Сарканг ўрнини сарнақим Ушинг шимолидадир, ул окшом Лотқанд кентта тушунди».

Бобир Мирзо Анджиондан Ушга ҳар гал ўтганда Лотқандда албатта икки-уч кун ҳордиқ чиқараркан. Чака-лакзор, бутазор ва қамишзорлар ора-лаб ов қилиб қарчаган пайтларида тоғ чўққисига кўтариллиб, она юрти гўзаллигини завқ билан томоша қи-лар, водий табиятига суқланиб ўй суриб ўтирар экан. Дилбар ҳавосига мафтун бўлган буюк шоир бу ерни Дилқуш деб таърифлайди. Кейинча-

лик «Дилқуш» халқ тилида «Дил-қушод» бўлиб кетган. Ҳали ҳам қиш-лоқ халқи бу тоғ чўққисини Султон-сула деб атайди.

Темирўларнинг инқирозга учра-ши, Бобирнинг Шайбонийхон томони-дан енгиллиши ва Лотқанд қалъеси-нинг ҳам харобага айланishiга олиб келди. Чунки лотқандликлар озчилик бўлса ҳам босқинчиларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатганлар. Натжидага ғазабланган Шайбонийхон навкарла-ри қалъадаги ҳамма одамни қилч қиғидан ўтказди, қалъани эса ер билан яқсон қилиб ўт қўйиб юбора-ди.

Т. ЭҶСОНОВ

Андижон области,  
Ҳўжаобод райони

## АФСОНАСИ

мумкин. Биз учун энг аҳамиятли то-пилмалардан бири бўлган танга пуллари, академик Михаил Евгень-евич Массонинг берган маълумот-ларига қараганда, XVI асрда Фарго-на ва Андижон бозорларида ишла-

Тангалардаги ёзувларда «Самар-қанд зарби», «Аҳси зарби» деган қилинган зарб бор. Бу эса тангалар зарб қилинган жойдан дарак беради. То-пилмалардан кўпи энди тилга кир-ди. Машхур ипак йўли ҳам шу ердан

**ТОШКЕНТ-72****СИМПОЗИУМ**

Халқаро актёрлар федерациясининг президенти Пьер Буше (Канада) симпозиумни очмоқда.

Республикамиз пойтахти Тошкент жаҳон маданий ҳаётининг энг йирин марказларидан бири бўлиб қолди. Яқинда Халқаро актёрлар федерациясининг ташаббуси билан дунёнинг 50 га яқин мамлакатидан келган театр, кино, телевиденце актёрлари Тошкентга симпозиумга йиғилдилар. Анжуманда саҳна санъати арбобларининг инсоният олдидаги ижтимоий бурчи, ижод эркилиги, миллий маданиятларини ривожлантиришда актёрнинг роли, миллий театр кадрларини воёга етказиш, уларнинг ижодий шароитларини яхшилаш каби атувал муаммолар муҳомама этилди.

Меҳмонлар норхона, муассаса, илҳоз-совхоз далаларида бўлиб, халқимиз моддий ва маънавий ҳаёти билан танишдилар.

REPRESENTANTS DU SIMPOSIUM INTERNATIONAL DE LA FEDERATION



Симпозиум мажлислари ўтган Ҳамза номидаги академик театр олди гавжум.




Перулин антриса ва режиссёр Хуана Монтойя қувончи чексиз.



Дональд Пирриш (Канада) ва Билль Болдуинга (АҚШ) пахта териш машиналари ёқиб қолди.

СССР халқ артистлари Юлиа Борисова ва Сора Эшонтураева санъатда кўп йиллик қадрдонлар.



Халқаро Тошкент анжуманида қатнашган Япония кино арбоблари делегацияси.

С. БЕЗНОСОВ фотолари

# МУЗИКА ВА ТАНҚИДЧИЛИК

КПСС Марказий Комитетининг тарихий қароридан сўнг адабий-бадий танқидчилик кун тартибига жиддий масала қилиб қўйилди. Ҳаммаизни қизиқтираётган масала — танқидчилигимизнинг ҳозирги аҳоли, совет санъатининг ижодий вазифаларини ҳал этишдаги ғоят муҳим ўрни КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқидчилик тўғрисида» деб чиқарган қароридан очиқ-ойдин кўрсатилган. Бу ҳужжати маданият ва санъат ходимлари катта қизиқиш билан қўтиб олдилар ва тақдирли билан маъқулладилар.

Партиямизнинг бу қарори Ўзбекистон Композиторлар союзининг пленумида ва СССР Композиторлар союзининг пленумида кенг муҳокама қилинди. Музикашунослик, композиторлар, матбуот, радио ва телевидение ходимлари, театрларнинг бадий кенгаши ҳамда концерт ташкилотлари адрессига айтилган танқидий фикр-мулоҳазаларни батафсил такрорлаб ўтиришга ҳолат йўқ. Лекин бир нарсани айтиш керакки, бу гапларнинг кўпи ўзбек музика ходимларига ҳам тааллуқли эди.

Кейинги йигирма йил ичда ўзбек совет музика санъати, бир томондан, ҳақ музикасининг жуда бой мероси ва, иккинчи томондан, профессионал композиторларнинг ижодий ютуқларини ўзаро уйғунлаштириб, тез ривожланиб бормоқда. Бадий-музикаий ижоднинг ана шу икки тармоғини шу тариқа узвий бирлаштириш ўзбек совет музика санъатининг муттасил тарққибти учун катта имконият яратди.

Ўзбек музикаси ғарб ва рус классик музикаси билан бевосита боғланган ҳолда, илгари маълум бўлмаган шакллар, кўп овозли музиканинг ифода воситалари билан бойиди, бу кўп овозлилик ўзбек халқ музикасининг ўзига хос барча оҳанг-интонация хусусиятларини сақлаб қолди. Шу хусусиятлар тўғрисида ўзбек композиторларнинг ижодига миллий симфониялар, кантата, оратория жанрлари, опера ва балетлар, музикали комедия ва драмалар, драматик спектакль ва кино музикаси ҳамда вокал музика шакллари пайдо бўлди.

Миллий бастакорларнинг кўпайгани ва ҳозирги вақтда етмишдан ортиқ аъзои бўлган ижодий ташкилот — Ўзбекистон Композиторлар союзининг ташкил этилиши (1938 йил) музика, музикашунослик ва танқидий фикрнинг барча турларини муваффақиятли ривожлантириш имконини яратди.

Ана шу ўтган вақт ичда Ўзбекистонда музикашунослик ва музика танқидчилиги анча ютуқларни қўлга киритди. Унинг ўз ижодий тажрибаси, ўз аъзолари бор. В. Успенский, Н. Миронов, В. Белая, Е. Романовская каби кекса авлодга мансуб композиторларимиз ва улардан кейин навабта-навабт ўзбек музика маданияти арбоблари қаторига қўшилган ўша вақтдаги ёш санъаткорлар — Я. Пекир, И. Акбаров, А. Коральский, Ф. Караматов, Т. Визго, А. Петросянц, И. Карелов, И. Дулгарова каби музикашуносларимиз ўзбек музикаси, музика назарияси

ва танқидчилиги тараққиётига улкан ҳисса қўшдилар.

Республикаимиз музикашунослиги 1950—60 йиллар мобайнида янги номлар билан бойиди. Булар Т. Жумаев, С. Векслер, М. Аҳмедов, К. Олимбоева, М. Ковбас, Т. Соломонова, Н. Янов-Яновская, Т. Гафурбеков ва бошқалардир. Уларнинг ҳар бири санъатининг соҳаларида сиқидил билан ишламоқда.

Шу йиллар мобайнида музикашуносларимиз музика билими ва танқидчилигимизнинг кўп соҳалари бўйича салмоқли асарлар яратдилар. Улардан баъзиларини, сўнгги йигирма йил ичда босилиб чиққан китоблар, очерклар, мақола ва монографияларни айтиб ўтиш лозим. Ф. Караматовнинг «Совет Ўзбекистонининг музика маданияти» мақолалар тўплами, «Ўзбекистон композиторлари» очерки, «Ҳамза ва ўзбек совет музикаси» монографияси, Я. Пекирнинг «Ўзбекистон музика маданияти масалалари» мақолалар тўлами, ўзбек операсининг ривожланиш жараёни тўғрисидаги биринчи монография — «Ўзбек операси», «Георгий Мусель» асари, Т. Визгонинг «Александр Козловский» монографияси; С. Векслернинг «Ўзбек музика маданияти тарихи очерки»; М. Аҳмедовнинг «Юнус Ражабий» монографияси; И. Ражабовнинг «Мақомлар масаласига доир», Н. Янов-Яновскаянинг «Ўзбекистон музика маданияти тарихи очерки», «Ўзбек кино музикаси» китоби; Т. Визгонинг «Ўзбекистон музика санъатининг ривожланиши ва унинг рус музикаси билан алоқаси»; яна Ф. Караматовнинг «Музика билими масалалари» мақолалар тўлами, «Ўзбек чолгу асбоблари музикаси» монографияси; музика бўйича дарсликлар, республикаимиз умумий таълим мактаблари учун ўқув-методик қўлланмалар...

Албатта, чиққан асарларнинг шунчаки санаб ўтишининг ўзбек музикашунослариимизнинг кўп киррали ижодий фаолияти тўғрисида бирмунча тасаввур бера олади. Аммо, музика танқидчилигининг назарий чўқурлиги устида гап бרגанида, шундан олшимиз керакки, унинг ҳозирги аҳоли кўп жиҳатдан замонамиз талабларига жавоб беролмайди.

Танқидчилик соҳасида бизни нималар ташвишлантирмоқда? Биринчи галда шунга айтиш керакки, матбуотда музика санъатимизнинг проблемалари тўғрисида ёзилган мақолалар, тақрирлар, очиқ хатлар ондасондагина кўриниб қолади, уларда ҳам бадий публицистикага хос умумлаштириш санъати ва профессионал теранлик етишмайди. Бизда ҳали ҳам асарнинг ўзига хос хусусиятларини йўққа чиқарадиган қуруқ баён, ўринсиз мектовлар ёки бирор спектаклнинг, театр ва концерт ташкилотларининг, айрим солистарнинг ижрочилик маданиятига ва санъатнинг ялли ривожланиш жараёнига эстетик баҳо беришни четлаб ўтаётган танқидчилар учраб туради. Кўпгина мақола ва тақрирларда музикашуноснинг композитор билан, ижрочи билан, газетхон билан баҳсини кўрмаймиз.

Танқидчиликнинг вазифаларидан

бири ижодкорлар билан тингловчилар, томошбинлар ўртасида манфаатдорлик уйғотишдир. Танқидчи халқнинг бадий дидини тарбияловчи муаллим бўлмоғи лозим. У томошбинлар истагини аниқ ва сезгирлик билан тушуниб олиши, уларни нималар кўпроқ қизиқтираётганини ва нималар тўқинлантираётганини зийраклик билан ўқиб олиши, бунда қолоқ дид етагига тушиб кетмай, кузатишларини чўқур умумлаштириб, ижодиёт ва ижрочиликка аниқ ва юксак талабларини ифодалаш лозим. Аммо ишимизда кўп нуқсонларнинг содир бўлишига фақат танқидчилар, музикашунослар айбдор, деган фикр тўғилмаслиги керак. Бунинг кўпгина сабаблари бор. Биринчиси шуки, республика матбуот органларининг айримлари музика танқидчилигининг ролига етарли аҳамият бермаётирлар, улар танқидчи-музикашуносларни ишга кам жалб этаётирлар, улар олдида аниқ талаблар қўймаётирлар, баъзан эса, танқидчининг ташаббуси қўллаб-қувватланмай қолиб кетади. Ғоҳ газета-журнал саҳифаларида ўзлари яхши билмайдиган соҳага аралашаётган, санъатдан жуда йироқда турадиган муаллимларнинг «асарларини» учратиб қоламизки, бундай ҳолга барҳам бериш керак.

Бу жиҳатдан КПСС Марказий Комитетининг қароридидаги ана шу фикрлар алоҳида аҳамият касб этди: «Эълон қилинган тақрирлар кўпинча бир ёқлама бўлади, унда асарлар асосис мактаб юборилади, мазмуни юзгич баён қилинади, асарнинг реал аҳамияти ва қиммати тўғрисида тасаввур берилмайди. Кўпгина китоблар, спектакллар, фильмлар, бадий кўргазмалар, музика асарлари, концерт программалари танқидчиликнинг диққат-этиборидан умуман четда қолиб кетмоқда».

Бу фикр бизнинг музикашуносларимиз фаолиятига бевосита алоқадор. Кўпгина фақат саҳна санъатини ва симфоник оркестрнинг концерт программасидаги муваффақиятли чиққан асарларинигина тилга оламиз. Бадий савия жиҳатдан зифроқ, баҳсли асарлар, оммавий жанрдаги концертлар, республикаимизга гастролга келиб-кетиётган солистар, артистлар ва бадий коллективлар, радио ва телевидение программалари ҳақида деярли ҳеч нима ёзилмаётир. Умуман, бу ишда инглишчиликлар ва камчиликлар кўп. Биз газета ва журналларимизнинг редакцияларидан, музикашунос-танқидчиларимиздан илгари ҳам гина қилганмиз. Лекин гиналардан ҳақиқий ишга ўтиш пайти етди!

Музика танқидчилигига оид яна бир масалага тўхтаб ўтамиз. Музика илмининг, айниқса, музика назарияси билан эстетикасининг жиддий оқдада қолоқтанишидир. Композиторларнинг аjoyиб воқеаларга бой ижодий фаолияти билан бу воқеаларни тушунириш, жанрларнинг, умуман, санъатимизнинг уйғунлиқда ривожланиш истиқболини кўра билишга дэъват этилган назарий-эстетик фикрлар орасидаги узилиш ҳали ҳам улкан. Юқорида санаб ўтилган музикашунослик асарлари ва тадиқот ишларининг катта кўламига қарамаздан, замонавий музика асарларини ҳар хил нуқтадан назардан текширадиган проблемали мақолалар ва чўқур монография тадиқотлар етишмайди. Ўзбек музикасининг замонавий етишлиги, унинг янги, социалистик мазмуни ва новаторлик хусусиятларини, услубини чўқур тахлил этадиган асарлар деярли йўқ десб бўлади. Музика санъатимизда содир бўлаётган ижодий жараёнларни ҳали ҳам кам ўрганмоқдамиз, айниқса, музика эстетикасининг аънава ва новаторлик, аънава ва замонавийлик, Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзаро таъсири масалалари очилмай қолмоқда.

Музикашунослик ва танқидчилик

нинг республикаимиз музика ҳаётининг амалий даражасидан оқдада қолоқ кетишига асосий сабаб — ўзбек совет музикашунослиги янги соҳа бўлганлиги ва оқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиғидир.

Тошкент Давлат консерваториясида музикашунослар тайёрлаш масаласини олиб кўрайлик. Ўтган йиллар мобайнида композиторлар ва музикашунослар тайёрлашда консерваториянинг аҳамияти бениҳоят катта бўлди. Ўзбекистон Композиторлар союзи аъзоларининг етмиш фоизи консерваториямизнинг собиқ талабалари. Лекин консерваторияни битирган музикашуносларнинг асарияти педагогик ишларига ўтиб кетмоқда. Тошкент консерваторияси ташкил этилган пайт — 1936 йилдан то шу пайтгача тарих-назария факультетини 150 дан ортиқ мутахассис битирди. Аммо улар орасида музикашунослик ва танқидчилик билан шуғулланаётганларини бармоқ билан санаш мумкин. Бундан мазкур факультетда оқори малакали кадрлар тайёрлаш ёмон аҳволда, деган фикр келиб қимқайди, албатта. Йўқ, Совет Иттифоқининг барча консерваторияларида бўлгани каби, бу ерда ҳам музика назариясидан таълим бериш изчил системада олиб борилади. Ҳўш, сабаб нимада бўлмас? Сабаб шундаки, бу ерда студентлар журналистика соҳасида ишлашдан малака ҳосил қилмаётирлар. Бунинг учун мутахассис-педагоглар ҳам, ўқув программасида махсус дарс ҳам йўқ. Фикримизча, гарчи тажриба тарихида бўлса-да, шунга эришишимиз керакки, бадий журналистика техникасини ўқитиш ва уни ўлаштириш консерваториядаги фанлардан кам ўрин олмадлиги лозим. Консерваториянинг тарихий-назарий факультетини тамомлаб чиқадиган ҳар бир студент истеъдодида яраша музикашуносликнинг барча асосий жанрлари — оқдий ахборотдан тортиб то публицистик мақола, тақриз, монография ёзиш ва тадиқот ишлари олиб бориб малакасига эга бўлсин.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида марксизм-ленинизм эстетика, назария ва санъат тарихи соҳаларида ишлаётган етакчи музикашунослар, совет санъатининг мастерлари матбуотда ишлашга кам жалб этилаётганлиги тўғрисида қилинган. Дарҳақиқат, музикашуносларимиз, асосан, Тошкент консерваторияси ва Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-текшириш институтида тўпланишган. Бу мутахассислар нихоятда кўп иш билан банд, шунинг учун, табиийки, уларнинг асарияти музика санъати ҳақида мақола ва тақрирлар ёзишга, концерт программаларини, радио ва телевидение шиттиришлар ва ҳоказолар тўғрисида шарҳлар ёзиб, матбуотда қатнашишга вақт тополмайди. Чунки бундай ишлар уларнинг плани илмий ишлари ёки педагогик вазифаларига кирмайди. Демак, баъзи йарик танқидий мақолаларни, ходимлар ва педагогларнинг вақтли матбуотда чиқаришларини уларнинг зиммасидаги илмий ва педагогик вазифанинг бир қисми, деб қараш керак. Юқори малакали музикашунос кадрлар умуман кам эканлигини назарда тутсақ, бундай чора умумий ишимизга ёрдам берган бўлур эди.

КПСС Марказий Комитетининг қарори адабий-бадий танқидчилигини ривожлантириш учун нихоятда қўлай шароит яратиб берди. Ҳозир бу жараёндаги барча ишлар ўзимизга — партия кўрсатмаларини нақадар ишчанлик билан амалга оширишимизга боғлиқ. Амимизки, музикашуносларимиз бу соҳадаги янги вазифаларини ўташга қодирдирлар.

А. ЖАББОРОВ,

Ўзбекистон Композиторлар союзи  
прарленисининг раиси

# ДАРЁЛАРНИ УЛАГАН ИЖОДКОР

Ижодни дарёга қиёс қиладилар. Агар шу ташбеҳ манзур бўлса, дарёлардан бири қурғиди, шаршара тинди. Халқ шоири Собир Абдулла вафот этди.

Дарёлар жилға бўлиб тоғдан бошланади. Собир Абдулла учун бу тоғ ўзбек классик адабиёти эди. Навоини ҳавас билан ўқиб, Муқимий, Фурқатларга эргашиб, Ҳамзадан таълим олиб, Собир Абдулла шоир бўлиб еттишган. Унинг бой поэтик меросидан икки хусусиятини алоҳида қайд этмоқчиман.

Адабиётимиз тарихида арузга муносабат кўп ўзгариб турди. Баъзи чала муллолар ижоддаги камчилигини вазидан кўриб, арузни инкор этган, поэзияда традиция ва новаторлик масалаларини нотўғри талқин қилган вақтлар ҳам кўп бўлган. Бу проблемалар Собир Абдулла учун ижоднинг бошидаёқ ҳал қилинган эди. Бутун ҳаёти давомида у ҳеч иккиланмай шу вазнда ижод қилди ва ана шу меҳнатининг якуни бўлган «Девон» ўтган йили Ҳамза мукофоти билан тақдирланди.

Собир Абдулла ижодининг яна бир хусусияти шеърларнинг мусиқийлигидир. Устози Ҳамза таъкидлаганидек, «кўру қарга ҳам баробар тушунарли» бўлган энг оммавий кўшиқ жанрини Собир Абдулла тез топди. Бадий баркамоллиги туфайли унинг кўшиқлари тезда халқ мулкига айланди. Мана бугун эл дилда шоир яратган юзлаб образлар яшайди.

Ана шу икки хусусиятнинг мантиқий давоми сифатида Собир Абдулла драматургияси пайдо бўлди. Санъатимиз тарихида алоҳида ўрни тутган музикали драма жанрининг яратилиши ва ривожда Собир Абдулланинг хизматлари буюк. «Тоҳир ва Зухра», «Алломиш», «Гул ва Наврўз» каби асарлар йиллар давомида минглаб муҳлисларга эстетик заъқ бағишлади, одамларни яхши ахлоқ муҳиб қилиб тарбиялаш ишига хизмат қилди. «Менинг Жаннатим», «Севаман» каби асарлари билан драматург замонавий темани ҳам шу жанрда давом эттирди.

«Тоҳир ва Зухра» илк ўзбек операларидан бири эди. Шу асос асосида яратилган кинофильм эса ўзбек киносини жаҳон миқёсига олиб чиқди. Драматургияда ҳам устози Ҳамзанинг издоши бўлган Собир Абдулла «Майсаранинг иши» комик операсининг яратилишида фаол иштирок этди.

Ўзбек театр санъатини ривожлантиришдаги

шундай улкан хизматлари учун партия-ҳукуматимиз, она халқимиз севимли адабни «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» деб атади.

Собир Абдулла ижоди юморга жуда бой, унинг киноси кучли эди:



Гар таваллуддан менинг исимини Собир

қўймаса,  
Ернинг бул жабрига қайдин чидам айлар  
эдим.

Шоир сатирик шеър ва фелетонлар, қувноқ қиояларни кўп ёзган. Ҳаттоки, дўсти ва сардоши Гафур Ғулум ҳақидаги хотиралари ҳам шу шулуда ёзилган эди. У «Муштум»нинг энг кекса

мухбирларидан бири ва умрининг охиригача реколлегия аъзоси эди. Собир Абдулла сатираси адабиётимизнинг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил қилади. Бу саҳифани Собир Абдулланинг хушчақчақ комедиялари ҳам безаб туради.

Ўзбек классик адабиёти ва аъёналарининг муносиб равишида давом эттирган ва уни ўз таланти билан бойитган Собир Абдулла севимли устози Муқимийнинг илм ва ижоддаги образини гавдалантиришга катта ҳисса қўшди. У шоирнинг номаълум шеърларини топиб нашр эттирди. Бақуврат драма ёзиб, лирик образини яратди, роман яратиб бу образни янада бойитди. Мазкур роман «Скиталец» номи билан рус тилида ҳам нашр этилган.

Собир Абдулла ҳақиқий коммунист адиб сифатида ижодининг биринчи мисрасидан энг сўнгисигача барча-барчасини она халқ хизматига қўйди. Унинг халққа бўлган муҳаббати халқнинг муҳаббати бўлиб ўзига қайтди.

У чинакам меҳнаткаш эди. Қачон унинг уйига борманг, кўзойнагини кўндириб олганимча машинкасини чиққиллатиб ўтирган бўларди. Мен уни Бешариқда қолғончи қоллар билан асия қилган, Тоҳир ва Зухра ролларини ўйнаган артистларнинг ўртасида суратга тушганин, отам билан узоқ туналр Муқимий ҳақида сўхбатлашганин, академиянинг Хоразмдаги илмий конференциясида Ҳамза ҳақидаги хотираларини сўзлаб берганин, Муқимий театри олдида «Алломиш»га билет тополмаган томошабинлар курсовида қолганин, Ташкент университетидagi юбилей кечасини, «Гулистон» редакцияга шеър кўтариб кириб қолишини, операцияга кириш олдидаги шу полвонни ҳам йиқитиб чиқиш, мақоланинг давомининг ёзиб бераман, деган сўзларини бугун ҳайлимдан ўтказаман. Булар ҳаммаси унинг ҳаёти ва ижодининг мазжлари эди.

Ижодни дарёга қиёс қиладилар. Собир Абдулла ўзбек маданияти тарихида тўлиқ дарё бўлиб оқди. У барқали ижоди билан халқни адабиётга олиб кирган, адабиётни халққа етказган, классик адабиётни бизга, бизни классикка олиб бориб болаган, дарёлари улаган ижодкор эди. Бундай дарёлар қурмайди, бундай шаршара тинмайди. Бу дарёлар денгизга, бундай сиймолар эса мангуликка бориб қўшилади.

Лазиз ҚАЙУМОВ

# КАМОЛОТ РАМЗИ



**Т**ЕТИК ва бардам кишилар — ҳамisha жамоат кўрки. Чаққон ва эпчил, паҳлавон фарзандлари билан инсоният қадимдан фахрланиб келади. Кўҳна тарихимиз сиймоларидан буюк Алишер Навоий кишиларнинг ёшлиқда илм ўрганиши, ахлоқ қоидаларини ўзлаштириш зарурлигини таъкидлашдан ташқари, жисмоний соғлом, кучли бўлиш, полвонлик, кураш қоидалари, ҳарбий билимининг эгаллаш лозимлигига ҳам эътиборни жалб қилганлиги таъхнинг аргизулиқидир.

Навоий севимли қаҳрамони Фарҳод хусусида: «У билим варақлари бир-бир топилач, энди полвонлик, курашчанлик, рақибни енгиш куролларини ўрганишга майл қилиб қолди» дейди. Классик шеърятимиз мулкнинг султони Алишер ўз давридаги аскарлик учун нимаки ҳарбий билим лозим бўлса, жамини ўрганиш кераклигини таъкидлаган. Ўз гоёлари билан ҳамisha тирик шоиримиз мардлик-матонат, кудрат ва чапдастлик, ҳарбий билиминини ўрганиш бобидаги қарашларини Искандар ва Фарҳод сингари қаҳрамонлари сиймоларида тўқис гавдалантирди.

Шоирнинг тасдиғига, бу билимлар қуйидагилардан иборат: камалақдан отиш — мерганлик; қилчобозлик; гурзи-қўқмор ва қалқон ишлатиш; найзобозлик; отда юриш — чавандозлик; сувда сузиш ҳамда полвонлик, эпчиллик ва чаққонлик. Фарҳод ана шу етти ҳарбий санъатни мукаммал эгаллаган деб таърифланади. Фарҳод — моҳир

мерган, гурзи ишлатишда тенгсиз, эпчил, найзобозликда ўткир, замонасининг мислсиз чавандози, чўққорни жуда чапдастлик билан кўтарадиган йигит. Навоий қаҳрамонлари балиқдай сузувчи, доворак, ҳеч нарсадан қўрқмайди, забардаст полвонлар дея таъсифланади.

Ўтмиш аждодларимиз орзу этган замон — инсонни ҳар томонлама юксалган, жисмоний соғлом, тетик ва бақувват қилиб тарбиялашга барча шароит тўқис замон етиб келди. Иттифоқ оқсоқли Михаил Иванович Калинин янги кишини тарбиялаш мавзусидан сўз очганда бундай деган эди: «Биз инсонни ҳар тарафлама камол топтиришни истаймиз, токи у яхши югура олсин, яхши сузсин, тез ва чиройли юрсин, токи унинг ҳамма аъзолари жойида бўлсин, меҳнатга, мудофаага тайёр, соғлом киши бўлсин. Шу билан бирга, ақлий сифатлари ҳам тўғри тараққий этиб бурсин».

Коммунистик партия ва ҳукуматимиз келажак бунёдкорлари, коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этилиши қомил кишиларни тарбиялаш учун бор тадбир-чораларни кўрмоқдалар. Ҳар қандай олис йўл ҳам дастлабки қадамлардан бошлангани сингари, тўла мўьодаги шахсий камолотга эриштирувчи жисмоний тарбиянинг пойде-

вори ПТО — «Меҳнат ва Ватан мудофаасига тайёр» деган ибора илк бор 1930 йилнинг май ойида «Комсомольская правда» газетаси саҳифаларида кўзга ташланди. Миллионлаб совет кишилари учун ПТО нишонни синовлари комплекс мардлик мактаби бўлди, уларга саломатлик, куч, тетиклик бахш этди. ПТО комплекси бутун совет жисмоний тарбия системасининг асоси бўлиб ўзгара борди. Социалистик жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида аҳоли жисмоний тайёргарлигига бўлган талаб янада ортди. Негаки, меҳнат шароитлари ўзгармоқда, ишлаб чиқаришда автотла қўрилмалар, машина-механизмлар тавора катта аҳамият касб этмоқда.

Бу ўзгаришлар натижаси сифатида 1972 йилнинг 1 мартдан эътиборан «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» деб юритилувчи янги жисмоний тарбия комплекси қўлга кирди. ПТО ибораси янги куч ва жарангдор оҳанг касб этди. ПТО нивонини олиш учун Бутуниттифоқ синови — мардлик синови янги қомиллик ҳаётта татбиқ этилиши совет кишилари кундалик турмушига жисмоний тарбия ва спортни жорий қилишнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Бу билан оммавий жисмоний тарбия ҳаракатидан умумхалқ жисмоний тарбия ҳаракатига ўтишда янги давр бошланди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультур ва спорт комитети томонидан ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитети билан биргаликда

## Спорт



лар жараёнининг ўзгача тус олишига бирдан ишонилари келмади-да! Лекин ҳақиқатдан нўз юмиб бўлмайди.


Ҳали ҳам энга: «Росалим ёзингиз-ку, нима чинди?», деб мусобақа ҳақидаги ҳисоботларини эслатиб турадиганлар йўқ эмас. Улар орасида шахмат курашини энгил-елли иш деб биладиганлар ҳам топилади, албатта. Матч ҳақида жуда кўп фикрлар баён қилинди. Б. Спасскийнинг жангга тўла шай эмаслиги мағлубиятнинг асосий сабабчиси бўлди, десак янглишмаймиз.

Матчда уйналган 21 ўйиннинг кўпчилигида иккала гроссмейстер ҳам юксак маҳоратини намойиш қилди. Булар орасида ўйинчи ва ўн биринчиси алоҳида ўрин тутди. Қуйида ана шу ўйинларнинг диққатга сазовор жойларини яна бир бор назардан ўтказамиз.

#### Р. ФИШЕР — Б. СПАССКИЙ

(Ўйинчи ўйин)

Испанча ўйин энг кўп қўлланган, мураккаб ва пишиқ дебютлар сирасига кирилади. Иккала гроссмейстер ҳам бунинг пири саналади. Шунинг учун бу учрашув натта қизиқшига сабаб бўлган эди. Спасский совет шахмат назарийчилари С. Фурман ва Г. Борисенко пухта таҳлил қилган вариантни таллайди. Ойларнинг 17-юришидан сўнг тахтада шун-



## Мухрланиб қоладиган ўйинлар

Шахмат мусобақалари жуда кўп. Аммо улар орасида шундайлари борки, баайини натта денгиз қирғоғидаги маёнашга ўхшайди. Бу ҳар уч йилда бир ўтадиган жаҳон шахсий биринчиларидаир. Спасский — Фишер матчининг тафсилотлари муҳлисларнинг ёддан кўтарилганича йўқ ҳали. Кўтарилмайди ҳам. Нохуш натижа Борис Спасский тарафдорларига ҳамон тушкен сезилмоқда. Гуё улкан дарё оқими ногоҳ текнарсисига оқандек туюлмоқда. Ахир чорак асрдан бери шахматчиларимизнинг муттасил зафарига ўрганган ишчибозлар воқеа-

дай мураккаб вазият вужудга келди.

Томонлар нуқларини бўлакан тўнмашувага шайламоқдалар. Стратегия режалар тантқи воситалар кўмағида бирин-кетин амалга ошадиган пайт қчин.

17... c5 18. bс dс 19. dс Kc5 20. Kc5 21. c4 Ф4f1 22. Cг6 Фг6 23. cб 1fd8 24. Фс1 Фс3 25. Kг3 Фa5 (Қоралар табиий юришлар ёрадида имониётларини намида тенглаштиргандек кўринади: иккита фили бор-а. Аслида эса рақиблирнинг чуқур уйланган режаларига унчалик эътибор бермагани маълум бўлади. Кейинги юришларга яхшилаб разм солинг) 26. Cб3 (Бу — ажиб-иб комбинациянинг боши. Уни ҳисоблаш унчалик қийин эмас. Ўраб, олдидан ҳис этиш осонмас.) 26... ad 27. Ф1d 1d7 28. Kc5 Фс7. (Бундай қараганда қораларнинг иши «беш»га ўхшайди. Аммо оқлар узокроқни кўргани маълум бўлади.) 29. Лhд1l (Ҳамма гап шундай Ҳозир агар қоралар 29... Л:d1? уйнаса, 30. Cг7+ Крh8 31. Kг6+ hg 32. Фh4X. 29... Лh8 ҳам яхши эмас. Бунинг ўзингиз текшириб чикинг) 29... Лс7 30. Cг7+ Л:г7 31. Ф:г7+Ф:г7 32. Kг7 Cсe4 33. Л:с4 Кр:г7 34. Лd7+Крf6 35. Лh7 Лa1+ 36. Крh2 Cд6+ 37. g3 h4 38. Крg2 h5 (38... Крf5 уйнаш керак эди. Лекин вақт танг.) 39. Лb6 Лd1 40. Крf3 Крf7 Шу вазиятда ўйин кеинтирилиб, эртасига шундай давом этди:


41. Крe2 (контроль юриш) 41... Лd5 42. f4! g6 43. g4 hg 44. hg g5 45. f5 Cс5 46. Лd5! Крf6 47. Ле:d4 Cд4 48. Лd6 + Крe5 49. Крf3! Лd8 50. Лh8 Лd7 51. Л4 h7 Лd6 52. Лb6 Лd7 53. Лb6 Крd5 54. Лg5 Cс5 55. f6 Крd4 56. Лh1 Қоралар таслим бўлди. Маҳоратнинг нафислигини қаранг-а!

#### Б. СПАССКИЙ — Р. ФИШЕР

(Ўн биринчи ўйин)

Ушбу матчда айрим дебют вариантлари қаттиқ синовдан ўтказилди. Айниқса, сицилианча ҳимодаги бир пийда кўрбон билан боғлиқ бўлган мунозарали вариант қашатғич зарбага учради. Бунда Спасскийнинг хизмати катта.

1. e4 c5 2. Kг3 d6 3. d4 cд 4. Kгd4



Kf6 5. Kс3 a6 6. Cг5 e6 7. f4 Фb6 8. Фd2 Фb2

Оқлар бир пийда эвазига сиплоҳларини ўйинга чиқариб оладилар. Лекин бу афзаллик пийданнинг ўринини босиш-босмаслигини исботлаши керак. Эттинчи партияда Спасский қаттиқ ҳужум бошлашга муассар бўлди-ю, аммо ҳеч нарса чиқара олмади; устулни аниқ ҳимояланган Фишерга ўтди. Бу гап оқлар 10-юришда ажиб-иб янглигини ишга солади.

9. Kb3 Фa3 10. Cг6 11. Ce2 h5 12. 0-0 Kсb 13. Крf1 Cд7 (Фишер рисоладаги юришларни қилар экан, рақиби кўзда тутган нозик режалардан беҳабардек кўринади.) 14. Kb1 (Бу ғалати юриш қораларни бирдан ташвишга солгани муқаррар: Фишер фарзинини кутқариш йўллари ахтариш керак.) 14... Фb4 15. Фс3 Энди 16. a3 Фa4 17. Kс3 хавфи тугилди.) 15... d5 16. eд Kс7 17. c4! Kс5 18. Фd3 h4 19. Cг6 (19... Kг3 дан кейин қоралар кишт беролмайди. 19... Kд6 20. K1 d2 f5 21. d3 Фb6 (21... Фa4 бўлса, 22. Kс5.) 22. c5 Фb5 23. Фс3 fг 24. a4 h3. (Фарзиндан «кўнгли тинчиган» Фишер бошча томонда «сувени лойқалатиш» йўлини изламоқда. Бунинг ўрнига таслим бўлса ҳам бўларди.) 25. аb hg кишт 26. Крg2 Лh7 27. Фb6 Kf5 28. сb Cсb 29. dс fс 30. Лfе1 Cс7 31. Лeб Чанги чикиб кетгунча ўйнаган қоралар таслим бўлди.

ишлаб чиқилиб, ҳаётга дадил сингиб бораётган янги ГТОнинг бугунги талаблари нимага қайтмайди? Бунда, аввало, ёшларни самарали меҳнат фаолиятига тайёрлаш мақсад қилиб қўйилган. Комплекснинг ҳарбий-амалий қисми кўпайтирилган. Унинг ҳар бир босқичида граждн мудофаси талаблари ўз ифодасини топди. Бу комплекснинг мамлакатда катта спорт тараққиётига хизмат қилажяги инобатга олинб, спорт нормативлари талаблари кучайтирилади.

Эндиликда кишиларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши ёшига қараб турлича босқичда бўлади. Пионерлар ва ёши қирқдан ошганларга янги босқичлар жорий қилинди. Комплекс беш босқичдан иборат бўлди: «Довюррак ва чаққонлар» деб аталувчи I босқич 10—13 ёшли болалар учун мўлжалланган бўлса, II босқич — «Спорт ўринбосарлари» 14—15 ёшли ўсмирлар учун мўлжалланган. «Мардлик» деб аталган III босқич 16—18 ёшли йигит-қизларга, IV босқич — «Жисмоний камолот» 19—34 ёшли хотин-қизларга 19—39 ёшдаги эркакларга, «Бардамлик ва саломатлик» деб аталган сўнгги босқич эса 35—55 ёшли аёллар ҳамда 40—60 ёшдаги эркакларга мўлжалланган.

Янгича нормативларни бажарганлар янада самарали ишлашга, юқори муваффақиятларга интилишлари табиий. Комплекснинг дастлабки уч босқичи марраларини эгаллаганлар олтин ва кумуш нишон, тўртинчи босқич нормативини бажарганлар бундан ташқари имтиёзли олтин нишон, бешинчиси адо этганлар олтин нишон билан тақдирланадилар. Врач руҳсатномаси бўлган ва дастлабки тайёргарлик босқичларини ўтган ҳар бир киши ГТО нормативини бажаришга қатнаша олади. Соғлиқларини мутахассис врачлар қоникарли деб ҳисоблаган олтиш ёшдан ошганлар ҳам нишондор бўлишлари мумкин.

Бу комплексда кўзда тутилган мақсадлар, талаблар турли-туман ва жиддий: мамлакат за-

рурат тўғилганда сафга туришга, тахт, соғлом, ўт юрак, содиқ, ҳамиша сафарбар кишиларга эга бўлиши керак. Нишондорлар коммунистик жамиятнинг фаол курувчилари, Ватанимизнинг матонатли ҳимоятчилари, ҳар жиҳатдан камолотга эришган, жисмоний бақувват кишилар рамазидир. Жорий этилаётган комплекс бутун жисмоний тарбия ва оммавий спорт ишларининг негизи савиясига кўтарилади. Мақталарнинг жисмоний тарбия программаси такомиллаштирилади. Қорхона, муассаса, колхоз-совхозларда жисмоний тарбия жараёни янада ривожлантирилади.

Республикамиздаги саноат қорхоналарида бўлган, колхоз-совхозларини айланган киши ГТО янги талаблари ҳаётга чуқур сингиб бораётганини кўради. Масалан, кончилар, энергетиклар, кимёгарлар шахри Навоийда бўлганимизда катта мусобақа устидан чиқиб қолди. Шаҳар спорт жамоатчилиги республикадаги бошқа коллективларга ибрат бўларли, таҳсинга лойиқ тадбирини амалга ошираётган экан. Шаҳар аҳли ҳажжонли сартга чиқди. Спорт майдонлари, базаларида янги комплекснинг барча босқичлари бўйича оммавий мусобақалар ўтказилди. 16-мактаб ўқувчилари Н. Чуканов, Н. Маманова каби ўнлаб ёшлар норматив талабларини адо этиб, шаҳарда ГТОнинг янги комплекси бўйича биринчи нишондорлар бўлдилар.

Бундай мусобақалар Чирчиқда, Бухоро областида, Фарғонада ҳам ўтказилди. Фарғонада бўлган кунимиз шаҳар бағридан оқиб ўтувчи сой ёқасида қувончли воқеага дуч келдик. Бир вақтлар комсомоллар кучи билан бунёд этилган кўлни сув спорти нишоотига айлантиришди. Бу ерда сузиш бўйича норматив бажараётганларни кўрдик.

Республика ҳукумати ҳузурдаги физкультура ва спорт комитетидан олган маълумотимизга кўра, йил охиригача 558 минг киши ГТО нормативини бажаради.

Комитетда янгиликнинг дадил жорий этилишини назорат қилиб, марказлаштириб борувчи республика комиссияси тузилди. Комиссия ишининг самарадорлигини таъминлашда ЎзЛКМС Марказий Комитети, республика физкультура ва спорт комитети, Қасба союзулари республика совети, ДОСААФ ташкилотлари вакиллари фаол қатнашмоқдалар.

Урни келганда шунинг ҳам айтиш керакки, янги комплексини оммавийлаштириш Сурхондарё ва Наманган областларида талаб даражасида эмас. Спортнинг сузиш тури бўйича нормативларини топишарида муайян ютуқлар билан бирга, сув ҳавзаларининг етарли жиҳозланмагани, аксарият жойларда бундай базалар йўқлиги сезилмоқда.

Бухорода бир отахон билан учрашиб қолдик. У ҳам янги норматив талаблари бўйича машғул эди. Тўғриси, унинг кесалигини — олтишга қирқанглигини эшитганимиздан кейингина билдик. Кўриниши қирчиллама, ҳаракатлари чаққон, кўршишлари ундача унча-мунча йитгининг қўлини қирсиллатиб юборди. «Сизга нима зарур шу ёшда бу иш билан машғул бўлиб...», деган мазмунда ҳазил қилган тенгдоҳлиги ҳалиги кекса бундай жавоб қилди:

— Сув бир ерда тўхтаб қолса, тез айниди. Оқиб турса, думалаб оқса тиниқлашиб боради. Одам ҳам бамисоли шундай.

Бу гап баъзиларни жилмайтиради бўлса, бизни ўйлантириб қўйди. Машқда гап кўп. Ҳа, машқда гап кўп! У — унумли меҳнат, саломатлик, баркамоллик гаровидир.

Маълумки, ГТО комплексини бажарган минг-миглаб йигит-қизларимиз Улуғ Ватан уруши йилларида мислсиз мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатганлар. ГТО нормативини бажариш жисмоний камолот ва етуқлик рамазидир.



### МИНИ ВА МАКСИ

Бир қизни учратдим  
Шаҳримиз аро.  
Ул қиз ҳам мен томон  
Боқди бир қиб.  
Гўзалларга султон —  
Бўлгудек гўзал,  
Таърифин сўзласам —  
Тилимда ғазал:

Мини сумка, мини юбка, мини соч, мини ақл,  
Макси овоз, максис фироқ, максис ноз, максис жажл.

Кимсам, деб сиз мендан  
Сўраманг асло.

Дунёда мен ўзим.

Танҳодан танҳо.

Ингитларга султон

Менинг ўзимман,

Суратимни кўринг.

Ушбу сўзимдан:

Мини кўз, мини мўйлов, мини калла, мини амал,  
Макси бўй, максис поча, максис ота, максис жанжал.

Кўзларимга бир дард

Солди ўша қиз.

Юрагим кўзимда,

Ахир, биласиз!

Танишдим ёнига

Бориб шу замон,

Бўлди яна қанча

Хислати аён:

Мини шарм, мини одоб, мини ҳурмат, мини кийим,  
Макси пардоз, максис ҳавас, максис кулги, максис ўйин.

Бирга-бирга кетдик

Сайр этгали.

Қачон ажрашамиз —

Номазълум ҳали.

Иккаламизнинг ҳам

Феъллимиздир бир.

Ухшатмасдан туриб

Учратмас ахир:

Мини ишқ, мини ташвиш, мини одам, мини бурч.

Макси ишрат, максис гафлат, максис савлат — мағзи пуч!

**Машраб БОБОЕВ**



Мумкин бўлса, менга икки юз грамм...



... Қаймоқ олиб келсангиз...

Кеча масал бошладим мен жўш уриб,  
Гоҳ юриб, гоҳ столга тўш бериб.

Унда Эшак елиб бориб ўрмонга,  
Арз қилиши керак эди Арслонга.

Аваллига кетди роса йўргалаб!  
Бўривойнинг гўрига хўп ғишт қалаб.

Лекин етай деганида ўрмонга  
Таққа тўхтаб, озор берди бу жонга.

Бекор кетди, афсус, шунча уриниш:  
У Арслонга бермас эмиш кўриниш.

Баҳонаси: кўрқар эмиш Бўридан,  
Йўлда тугиб еб кўярмиш у бирдан.

— Ҳой, Эшаквой, ахир керак боришинг,  
Мен кафилман, дарҳол битар бор ишинг.

— Йўқ! Йўқ! Бўри арз қилишим эшитган,  
Қулोगини Тулки роса пишитган...

Мен «у» десам, у «бу» деди — айтишдик  
Ва масалнинг бошини еб қайтишдик.

Шўрлик Эшак ўйламаски, бу — масал,  
Масал деган шундай бўлар ҳар маҳал...

Хулосага келдим охир, ниқтаб хўп:  
Қалам эмас, керак экан халачўп!

**Абдулла ШЕР**

### РАНЖИТМАГАНИМ БЎЛСИН

Ҳикоя

Бу ҳиноя эчкининг йўталидай қисқа. Гапни мухтасар қилиш учун наҳрамонларининг исм-шарифларини ҳам қисқартириб, бош ҳарфларини нўя қолдим.

Хуллас, ҳиноямни бошлайман.

Ишдан қайтаётиб, нўчада дўстларимдан Н. билан М.ни нўриб қолдим. Икковининг ҳам томоғи тақиллаб, улфат қидириб туришган экан.

— Э. А. жон, сени худо етказди,— деди Н.

— Бормисан! Бир отамлашайлик,— деди М.

— Худога шукур, борману лекин нўйлак олмоқчи эдим,— дедим мен.— Агар пулим ортиб қолса...

— Э, ортади, аввал яримта ол,— деди Н.— Узинг бориб келасанми?

— Ҳа,— дедим мен.— Магазини яқинку.

Улар чойхонага кириб кетишди. Мен магазин томонга бордим у ичкарига кирмадим. Уша ердан жуфтани ростлаб қолдим. Аммо кечаси билан ухлламадим. Нега десангиз, бировин алдаб ўрганмаганман. Внждон азобидан кутулиш ниятида каллаий саҳарлаб нўчага чиқиб нетдим. Н. ва

М. билан бир идорада ишлайдиган С. деган йигитни топиб, нўйлига нўйлакка аталган пулни бердим.

— С. укажон,— дедим унга илтижо билан,— мана шунга икки илтижо ароқ олиб, Н. билан М. ни менинг номимдан меҳмон қил. Кеча уларни ранжитиб нўйган эдим. Юзларига қарашга бетим чидамаяпти. Мени кечиринсин.

Орадан бир неча кун ўтиб, «бугун янги нўйлан оламан», деб турганимда эшигим тақиллади. Чиқиб қарасам, оғзининг таноби қочиб С. турибди.

— Марҳамат, унам, ичкари кир,— дедим кувониб.— Қалай, Н. билан М. мендан хафа эмасми?

— Улар сиздан жуда хурсанд,— деди С. боягидан ҳам баттар тиржайиб.— Яна бир марта хафа қилиб нўйишингизни сўраб, мени элчилликка юборишди.

Мен ичимда қасам ичдим: «Бундан буён ҳеч кимсани ранжита нўрмай. Йўқса қиёматгача бир нўйлагим икки бўлмайди...»

**Азиз АБДУРАЗЗОҚ**

— Вой, бу нимаси!  
— Кечирасиз, Дилбархон, сизни кутдириб нўйла деб, соқолимни шошиб олдим.

**А. ХОЛИҚОВ** чизган



# Ноябрь

Совет Россиясида янги йил ҳисоби Григорий календарига ўтиш муносабати билан Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 25 январдаги декретига мувофиқ 1918 йилнинг 31 январидан кейинги кун 1 февраль эмас, балки 14 февраль деб ҳисобланадиган бўлди. Шунинг учун 1917 йил 25 октябрда воқе бўлган Улуг Октябр революцияси 1918 йилдан бошлаб 7 ноябрда байрам қилинади.

Ноябрни баъзи халқлар ноямбер, нуванбар, баъзилари абу, тишрив II, эхул, нувомброс деб атайдилар. Бурж ҳисоби бўйича бу ой Қўш, Қавс юлдузлар бурни томонида бўлади. Бу бурннинг шакли ўқ ёйга ўхшаганлигидан «Қавс» номини олган.

Ой Ер атрофида айланганида оралиқ масофа бир оз ўзгариб туради. Бу йил масофанинг энг қисқа пайти (356,6 минг километр) 21 ноябрь кунни Тошкент вақти билан соат 9 га тўғри келади. 28 апрелда Ой Ердан энг узоққа эди (406,4 минг километр).

15—27 ноябрь нечалари осмонга қараган киши Андромеда юлдузидан атрофга гўё юлдузлар учаётгандек манзаранинг гувоҳи бўлади. Бу аслида юлдузларнинг учими бўлмай (чунки юлдузлар ҳеч вақт учмайди), балки Биэлид метеорлар оқимидир.

Бу ҳодисанинг кашф этилиш тарихи қизиқ. Бундан 200 йил муқаддам янги комета — «Думли юлдуз» топилди. Кейинчалик у ҳаваснор мунажжим Биэла номи билан атала бошлади. Астрономлар бу комета 1832 йил 20 октябрда Ер орбитасини кесиб ўтади деган хулосага келдилар. Бундан баъзи журналистлар ваҳимага тушиб, комета Ер билан тўқнашганда катта ҳалокат рўй беради, деб шов-шув кўтардилар.

Сал ўтмай бошқа қизиқ воқеа рўй берди: 1845 йилнинг охирида Биэла кометасининг шакли узал бошлади, ниҳоят 1846 йилнинг 13 январига келиб у иккинга бўлиниб кетди. Бу иккала комета ўз боши ва думига эга бўлиб, ёнма-ён ҳаранат қила бошлади. Қўш комета 1852 йил 28 январда охирги марта кўрингач, абади гойиб бўлди. Энди қани улар? Бу саволга ҳеч ним жавоб беролмас эди. Лекин... бир тасодифдан сўнг жавоб топилди: бундан роса 100 йил илгари — 1872 йил 27 ноябрь оқшомида ўша Биэла кометаси ўрнида «юлдузлар ёмғири» ёғила бошлади: олти соат ичида 160 минг метеор ўз йўлида Ер атмосферасига урилди, қизиб ёнди. Бу ҳодиса халқ ўртасида «юлдуз учди» деб ном олган. Астрономлар ҳисоб-ниҳоб қилиб, бу метеорлар ўша Биэла кометасининг парчаларидир, деган хулосага келдилар.

Бу йил Биэлид метеорлар оқими юзинчи марта содир бўлади. Айниқса, 24 ноябрь оқшомида осмонга қараган киши ана шу ажойиб «юлдузлар салюти»ни зўр мароқ билан томоша қила олади.

Бу ойда Венера, Марс, Уран (саҳар пайти), Юпитер (оқшомида) сайра-ларини бемалол кўриш мумкин.

Ой боши — 6 ноябрь, тўлиғи — 21 ноябрь.

О. ФАЙЗУЛЛАЕВ



## ЧАЙНКРОССВОРД

1. Узоқ Шарқ дарёларидан бири.
2. Ўрта денгиздаги порт.
3. Араб давлати.
4. СССРдаги дарё.
5. Митти давлат.
6. Америнадаги дарё.
7. Оснё давлатларидан бирининг пойтахти.
8. Қадимий шаҳар.
9. Ўзбекистондаги шаҳар.
10. Республиканизмининг сановат шахри.
11. Америнадаги дарё.
12. Европадаги дарё.
13. Оснё жанубидаги орол.
14. Ҳиндистондаги шаҳар.
15. Испаниядаги шаҳар.
16. Узоқ Шарқдаги порт.
17. Америна шимолидаги жой.
18. Жанубий чегарамиздаги нахр.
19. Яқсарат дарёсининг ҳозирги номи.
20. Фурқат ишаган шаҳар.
21. Италиядаги шаҳар.
22. Хитойдаги улка.
23. Ҳабашистондаги қўл.
24. Экватордан шимолроқда жойлашган тоғ.
25. Шимолдаги давлат пойтахти.
26. Европадаги юксак чуққи.
27. Гвинея қўлтигига қуйиладиган дарё.
28. Европа дарёларидан бири.
29. Республиканизмдаги шаҳар.
30. Африка дарёларидан бири.
31. Сибирдаги дарё.
32. Анд тоғи чуққиси.
33. Қитъа.
34. Қитъа.

Тузувчи П. ОРИПОВ

Шаҳрихон

### 10-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Баҳор.
2. Ларза.
3. Дутор.
4. Кулон.
5. Писта.
6. Китоб.
7. Майна.
8. Пахта.
9. Адрес.
10. «Одина».
11. Узанги.
12. Метеор.
13. Ягона.
14. Карам.
15. «Ҷайнона».
16. Поп.
17. Роман.
18. Жомий.
19. Тол.
20. Фарғона.
21. Майиз.
22. Болға.
23. Андижон.
24. Антенна.
25. Шимол.
26. Ўрдак.
27. Арғон.
28. Жамна.
29. Ватар.
30. Лемма.
31. Москва.
32. Хат.
33. Шар.
34. Аммиак.
35. Автол.
36. «Хамса».
37. Палов.
38. Тарих.
39. Масса.
40. Текин.
41. Темир.
42. Ширин.
43. Кийик.
44. Париж.

### МУҚОВАЛАРДА

Биринчи бет. Америна Қўшма Штатлари Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, озодалик ва тинчликнинг толмас курашчиси **Анжела Дэвис** синглиси **Фаня Дэвис** билан Тошкентнинг В. И. Ленин номидаги Қизил майдонида.

О. ЗАЯКИН фотоси

Иккинчи бет: Г. ГРАФКИН фотолакаати.

Учинчи бет: Қадрон дала кучоғида.

Тўртинчи бет: Ўзбекистон ССР Маиший хизмат курсатиш министрлигининг Тошкент либослар уйи коллективи тақдим этган янги кийим нусхалари.

С. БЕЗНОСОВ фотолари.

## ШОИРОНА ҲИКОЯ

Польшалик ҳужжатли кино арбоблари «Ўзбекистон» деган янги фильм яратдилар. Фильм СССРнинг 50 йиллигига бағишланган бўлиб, дўстлик оиласида гуллаб-яшнаётган республикамиз ҳаёти ҳақида шоирона ҳикоя қилади. Режиссёр Кристоф Роговский, оператор Цезарь Маковский бир қисмда Ўзбекистоннинг тарихини, архитектура ёдгорлиқларини,

ни, бошқа қисмда эса пахтачиликнинг ҳозирги равнақини, янги «оқ олтин» водийларини рангли суратларда моҳирлик билан анс эттиришган.

Улар республикамиз пойтахти Тошкентнинг қайта қурилиши, бунда қардош халқларнинг иштироки, шаҳарнинг янги улугвор қиёфасига алоҳида боб бағишланганлар.

## «БУХОРО» СТАМБУЛДА

Стамбулда Садриддин Айнийнинг «Бухоро» («Эсдаликлар») романи турк тилида босилиб чиқди. Асарни таниқли ёзувчи Елчин Тўра таржима қилган. Туркияда чиқадаган «Етти тепа» адабий журналининг тақризчиси, бу асар турк китобхонини

улкан совет адиби билан таништирилади, деб таъкидлайди. «Бу китобни ўқиганда,— дейди у,— революция инсонлик қадри учун бosh кўтарган кенг халқ оммасининг иши эканини чуқур англаймиз».

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Уктам ОРИПОВ, Эмиль РУЗИБОВЕВ (бош расом), Ваҳоб РУЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУҲАЕВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, ЯШИН.

«Гулистон» — общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор Т. БАҲРОМОВ.

Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адресимиз: 700000. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй. Редакция телефонлари: Бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 33-35-19; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-35-19; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; фан ва маданият бўлими — 33-36-02; расомлар бўлими — 33-36-59.

Босмахонага туширилди 13/Х-72 й. Босишга рухсат этилди 10/Х1-72 й. Қоғоз 70×108/8. Ҳажми 4 босма тобқ. Вуорутма 1206. Тиражи 167363. Нашр. В.—3469. Р-10764.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент.





Баҳоси 30 тийин.  
Индекс